

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«МЕНЕЖМЕНТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ» ФАКУЛТЕТИ

«САНОАТ МАРКЕТИНГИ» КАФЕДРАСИ

Тасдиқлайман

Тош КТИ ўқув ишлари
бўйича ректор муовини
доц.Исмаилова Л.А.

« ____ » ____ 2007й.

ЛОГИСТИКА

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент-2007

Тошкент кимё технология институти ўқув-
услубий кенгашида кўриб чиқилган ва
тавис қилинган.

Баённома № _____ 2007 йил.

Тузувчилар: доц. Хусаинов Р.Р., асс. Усманова К.А.

Такризчилар: ТДТУ, и.ф.д. проф. Алимхаджаев С.
ТДТУ, и.ф.н. доц. Ибрагимова С.

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Менежмент ва касб таълими” факультети илмий Кенгашида
муҳокама қилинган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ доц. Қорабоев Д.Т.
(Кенгашининг « _____ » - сонли баённомаси,
« _____ » _____ 2007 й.

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Саноат маркетинги» кафедраси мажлисида
муҳокама қилинган ва тавсия этилган
Кафедра мудир _____ доц. Хусаинов Р.Р.
(Кафедра мажлисининг “ _____ ” – сонли
баённомаси, « _____ » _____ 2007 й.)

Ушбу маърузалар матнларида логистикадан корхоналарнинг тижорат амалиётида самарали фойдаланишнинг асосий тамойиллари логистикада хизматларни бошқаришни ташкил қилиш, логистикада стратегия ва режалаштириш, захираларни бошқариш, тижорат хизматлари, логистик ахборот тизимлари, логистик харажатларни баҳолаш усуллари ва уларни қисқартириш йўллари каби долзарб муаммолар батафсил баён этилган. У маркетинг ва иқтисодиёт таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.

Босмага рухсат берилди: « _____ » _____ 2007 йил. Бичими 60 x 80 1/16

Шартли босма табоғи _____ . Адади _____ нусха.

Буюртма № _____

МУНДАРИЖА:

Кириш.

1-мавзу: Логистика курсининг предмети ва вазифалари.

- 1.1. Логистиканинг вужудга келиши ва унинг предмети.
- 1.2. Логистиканинг асосий вазифалари.
- 1.3. Логистика тизими қисмларининг таърифи.
- 1.4. Ишлаб чиқариш воситалари бозор шароитида моддий оқимларни бошқариш зарурлиги.

2-мавзу: Логистик тизим концепциясининг назарий асослари.

- 2.1. Логистик тизим тушунчаси ва унинг концепцияси.
- 2.2. Хизматлар соҳалари ва уларнинг таърифи.
- 2.3. Логистик тизим фаолият юритишини баҳолаш.
- 2.4. Логистика тизимининг маркетинг билан боғлиқлиги.

3-мавзу: Логистикада материалларни бошқариш ва тақсимотни ташкил қилиш.

- 3.1. Моддий оқимлар ҳаракатлари чизмасининг таърифи.
- 3.2. Логистик тизимда маҳсулотлар тақсимотининг асосий каналлари ва воситачилари.
- 3.3. Буюртмаларнинг жисмоний тақсимланиши ва маҳсулотларни келтириш устидан назорат.
- 3.4. Корхоналарнинг ташкилий тузилмалари ва улар бошқарув хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги.

4-мавзу: Логистикада стратегия ва режалаштириш.

- 4.1. Стратегик режа ва уни тузиш тартиби.
- 4.2. Логистика фаолиятининг стратегия турлари.
- 4.3. Моддий оқимларни башорат қилиш ва стратегик режа кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари.

5-мавзу: Логистикада транспорт нуктаи назарлари.

- 5.1. Транспорт воситаларининг турлари ва уларнинг моддий-техник базаси.
- 5.2. Транспорт турларининг моддий-техник базаси.
- 5.3. Маҳсулотларни етказиб бериш тизимини бошқариш.
- 5.4. Автотранспорт ҳаракатланувчи таркиби ишининг техник фойдаланиш кўрсаткичлари.

6-мавзу: Логистик тизимда заҳираларни бошқариш.

- 6.1. Заҳираларни бошқариш ва товар сиёсати.
- 6.2. Заҳираларнинг белгиланиши ва турлари.
- 6.3. Моддий заҳираларни бошқариш тизими.

7-мавзу: Логистик тизимда маҳсулотларни омборга жойлаштириш ва омборда қайта ишлаш тизими.

- 7.1. Заҳираларни омборга жойлаштириш ва шу тизимнинг таърифи.
- 7.2. Транспорт омборхонаси моддий оқимларини ташкил қилиш.

7.3. Турли хил корхоналарни моддий ресурслар билан таъминлаш стратегияси.

7.4. Омборхона ишининг баъзи бир кўрсаткичлар ҳисоб-китоби.

8-мавзу: Логистик ахборот тизимлари.

8.1. Ахборотлар ёрдамида логистик тизимни ҳаракатга келтириш.

8.2. Тескари алоқага эга ахборот тизимини бошқариш.

8.3. Логистик ахборот тизимларининг турлари.

8.4. Логистик ахборот тизимлари қурилишининг таъминоти.

Хулоса

Таянч иборалар

Таянч иборалар тавсифи.

АДАБИЁТЛАР рўйхати.

КИРИШ

Ушбу маъруза матнлари “Логистика” курсига бағишланган. Курснинг дастури, мақсадлари ва вазифалари, корхоналарнинг тижорат амалиётида логистикадан самарали фойдаланишнинг асосий тамойиллари, логистикада хизматларни бошқаришни ташкил қилиш, логистикада стратегия ва режалаштириш, заҳираларни бошқариш, транспорт хизматлари, логистик ахборот тизимлари, логистик харажатларни баҳолаш усуллари ва уларни қисқартириш йўллари каби бир қатор мавзулардан иборатдир.

Барча кўрсатилган мавзулар ўрганилаётган предметнинг таркибий қисмларидир ва умумий боғловчи бўлганга эгадирлар. Бу мавзуларни ўзлаштириб, талабалар ҳақиқий билимларини ва логистик тизим ривожланидиган қонунлар ва тамойилларни, унда мавжуд бўлган муаммоларни логистика ва фирма ходими умуман жамият нуқтаи назаридан тушуна оладилар. Талабалар логистик тизим соҳасидаги бўлғуси фаолият учун зарур билимларни эгаллайдилар. Шу билан бирга торроқ ихтисослашиш, яъни бизнес, транспорт тизимлари, таъминот, маҳсулотларни сотиш, информатика, заҳираларни бошқариш, фирмалар ва бошқа ташкилотларни турли-туман моддий ресурслар билан таъминлаш бўйича ҳар хил стратегияларни таҳлил қилиш соҳасида мутахассис бўлиш имкониятлари туғилади.

Курсни ўқитиш услубиёти намунавий ва вазиятли вазифаларни ечиш, хўжалик имкониятлари ва уларни ечиш вариантларини танқидий муҳокама қилиш, гуруҳли ва якка тартибдаги маслаҳат дарслари, синовларни сўтказишни кўзда тутувчи маърузалар, амалий машғулотларнинг бирлигида кўрилади. Логистик тизим назарияси ва амалиётининг асосий муаммоларини талабалар томонидан ўрганилишининг шахсий ва мустақил шакллари асосида амалга оширилади.

“Логистика” курсининг мазмуни 8 мавзуга бўлинади. Талабалар учун тақдим этилаётган курс бўйича маъруза ва амалий машғулотларнинг мазмуни ва соатлар ҳажми куйида берилган бўлиб, ўқув соатларининг умумий сони жами - 38 соат, шу жумладан маърузалар - 20 соат, амалий машғулотлар - 18 соат.

1-мавзу. ЛОГИСТИКА КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАСИ

РЕЖА:

1.1. Логистиканинг вужудга келиши ва унинг предмети.

1.2. Логистиканинг асосий вазифалари.

1.3. Логистика тизими қисмларининг таъриф.

1.4. Ишлаб чиқариш воситалари бозори шароитларида моддий оқимларни бошқариш зарурлиги.

1.1. Логистиканинг вужудга келиши ва унинг предмети

Логистика - янги мустақил фан соҳаси. У 60 йиллардан бошлаб ривожланиб келган. 60-йилларда маркетинг концепциясидан бир неча муаммолар ажралиб чиқди. Бу муаммолар - ишлаб чиқариш жараёнини хомашё билан таъминлаш муаммолари. Бу муаммоларнинг ажралиб чиқиш сабаби - ишлаб чиқариш, захира сақлаш ва ташиш харажатларининг сезиларли даражада ўсиб кетишидир. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш корхоналари сонининг кўпайиши, корхоналараро хўжалик алоқаларини ихчамлаштиришни талаб қилади.


Бу ерда асосий муаммо, илмий тадқиқот мавзуи - хомашё ва маҳсулотларнинг тақсимланиши ва ҳаракати. Шу муаммо логистика концепцияси ташкил қилинишининг асосий сабаби бўлган.

Жамиятнинг яшаш асоси ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқаришнинг асоси - хомашё, табиий ресурслар. Инсон учун зарур бўлган барча нарсалар ишлаб чиқариш орқали вужудга келади (кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқалар).

Корхоналар узлуксиз иш олиб бориши учун ўз вақтида хомашё билан таъминланиб туриши, тайёр маҳсулот истеъмолчиларга етиб бориши зарур. Корхоналарнинг хомашё билан таъминланиши, тайёр маҳсулот корхоналардан чиқиб истеъмолчиларга етиб келиш жараёнлари логистика фани томонидан ўрганилади. Бу логистика фанининг асосий предмети бўлиб ҳисобланади.

1- чизмада логистик ҳаракатнинг тузилиши кўрсатилган.

Логистика



1-чизма Логистик ҳаракатнинг тузилиши.

Ҳозирги вақтда дунёда сўнгги 70-80 йиллар ичида логистика муаммоларига бағишланган адабиётлар сони ортиб бораёпти. Логистика муаммолари олимлар, муҳандислар, менежерлар, тадбиркорларнинг ҳам эътиборини ўзига тортаяпти. Баъзи ривожланган мамлакатларда логистика муаммолари давлат даражасида ҳал қилинади.

Ҳар йили ривожланган мамлакатларда халқаро ва илмий анжуманлар, конгресслар ўтказилади. Уларда логистиканинг илмий ва амалий муаммолари муҳокама қилинади. Энг эътиборли анжуманлардан бири 1989 йил октябрь ойида Парижда ўтказилди. Москвада ҳам шу вақтда (1989 й. октябрь) логистикага бағишланган биринчи семинар ўтказилган. Швейцарияда 14 йил олдин ташкил қилинган Европа логистика маркази ҳозирги кунгача ишлаб турибди. Ғарбий Европанинг кўпгина шаҳарларида логистика бўйича мутахассислар тайёрлайдиган илмий ва ўқув марказлари ташкил қилинган. Ҳар бир катта тижорат - саноат фирмаларида логистика бўлимлари тузилган. Ҳозирги кунда АҚШда мавжуд фирмаларнинг

50% дан кўпи ўзининг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятида логистика тамойилларидан фойдаланади. Жиддий муҳокамалардан сўнг ривожланаётган собиқ Иттифок республикаларида ҳам логистикага бўлган эътибор кучайиб бораёпти, чунки логистик тизимлар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва транспортни бир-бири билан оқилона боғловчи, интеграция қилувчи омил эканлиги аниқланди.

“Логистика” - грекча сўз - таржимаси: ҳисоблаш тўғрисидаги фан.

Логистиканинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи ҳарбий фаолият билан боғлиқ. XIX асрнинг бошларида яшаган француз ҳарбий мутахассиси А.Г. Джомини логистика бўйича ёзилган биринчи китобнинг муаллифи ҳисобланади.

Логистика тамойилларига риоя қилишнинг самарали натижасини қуйидаги мисол асосида кўрсатиш мумкин. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Европада жойлашган Америка қўшинларини моддий-техника билан таъминлашда логистика тамойилларига риоя қилинган. Шу туфайли, ҳарбий саноат комплекси, транспорт тизими ва таъминот базалари ўзаро мустаҳкам боғланган, натижада Америка қўшинлари узлуксиз равишда қурол ва ҳарбий материаллар билан таъминланиб турилган. Шундай мураккаб вазифанинг муваффақиятли ҳал қилинишида илғор контейнер ва пакетлар орқали юк ташиш усули катта аҳамиятга эга бўлган.

Оддий, ноҳарбий логистиканинг жадал ривожланиши 70- йилларнинг бошига тўғри келади. Бу ривожланиш сабабини иқтисодчи-олимлар 1972-1974 йилларда рўй берган энергетик инқироз билан боғлайдилар. Ғарбий Европа ва АҚШда иқтисодий аҳволнинг кескинлашиши ўсиб бораётган инфляция ва ишсизлик, ижтимоий революцион портлаш хавфи, иқтисодий ҳолатни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб қилди. Бунда мутахассислар логистика тизимидан фойдаланишга мажбур бўлдилар, чунки логистика - таъминот, ишлаб чиқариш, транспорт, бозор тақсимланиши ва замонавий ҳисоблаш воситаларини жалб қилиш интеграциясининг энг самарали усуллари билан бири.

1. 2. Логистиканинг асосий вазифалари

Амалий ҳолда халқ хўжалигида кучли ва самарадорлиги юқори даражада бўлган инфратузилма ривожланаяпти. Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарувчилар бозор конъюктураси, рақобатни кўзда тутиб иш қилиш зарурлигини тушуниб олганликлари, тез-тез ўзгариб турадиган иқтисодий вазиятга мослашишга интилишлари логистиканинг ривожланишига сабаб бўлди.


"Логистика" терминининг аниқ тавсифини бериш осон эмас. Логистика ўзига бир неча йўналишларни қамраб олади. Катта фирма бошлиғи нуқтаи назаридан логистикага берилган тавсиф муҳандис ёки иқтисодчи нуқтаи назаридан берилган тавсиф бир-биридан фарқланиши мумкин. Бундай аҳвол ҳар бир мутахассиснинг халқ хўжалиги бозор иқтисодиёти тизимида тутган ўрнига боғлиқ бўлади.

Масалан, маркетинг доирасида иш тутаётган менежер ёки тадбиркор нуқтаи назаридан логистика қуйидагича изоҳланади: Логистика - маълум мақсадларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маблағ ва хизматларни мақсадга мувофиқ тайёрлаш, фойдаланишни ташкил қилиш ва бошқаришдир. Логистиканинг мақсади - маълум товарни маълум вақтда энг кам (минимал) харажатлар билан олдиндан тайёрлаш. Логистикани иқтисоднинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси деса ҳам бўлади.

Логистика:

- а) эҳтиёж;
- б) ишлаб чиқариш;
- в) транспорт;
- г) маҳсулот тақсимлашнинг бир-бирлари билан ўзаро боғланишига асосланган.

Логистиканинг тузилиши
қуйидагича бўлади (2-чизма)



2-чизма. Логистиканинг тузилиши

(2-чизмадан логистик тизимни циклли ташкил қилишни кўрса бўлади.)

Логистика концепциясини тушуниш учун унинг бир неча категорияларини аниқлаб олиш зарур.

1. Тақсимлаш деганда-фаолиятнинг бир тури ва реклама қиладиган (реализация) маҳсулотни сотадиган, транспортировка қиладиган ва харидорларга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар тушунилади. “Тақсимлаш” категорияси логистикадан кенгрок.

2. Логистика - материал ва маҳсулотлар оқимини бошқариш, хомашё билан таъминлашдан бошлаб, то охирги истеъмолчига тайёр маҳсулот етказиб берилгунга қадар, шу билан бирга материаллар ҳаракатига ёрдам қилувчи ахборот оқими ҳам бу категорияга киради.

Одатда ҳар бир фирма ўз маҳсулотининг табиий (физикавий) тақсимланишини назорат қилади. Логистика тизими эса халқ хўжалигида материал ва маҳсулотлар оқимини бошқаради.

3. Табиий тақсимланиш-логистиканинг бир қисми. Қандай қисми?- Маҳсулот сотувчидан истеъмолчига элтиб бериш билан боғланган қисми. Логистика тизими 7 асосий қисмдан иборат бўлади.

1.3. Логистика тизими қисмларининг тарифи.

1-қисми. Ишлаб чиқариш захиралари

Ишлаб чиқариш захиралари бутун иқтисодиёт тизимининг тежамли ва самарали ишлаши учун шароит яратади. Бу захираларни ё ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлаштириш ёки истеъмолчиларга яқинроқ жойларда сақлаш мумкин. Захиралардаги маҳсулот ҳаракатсиз қолган, деб ҳисобланмаслиги учун, захираларнинг миқдори энг мувофиқ (оптималь) бўлиши керак. Захираларнинг энг мувофиқ миқдори доимо ўзгариб турадиган эҳтиёж таъсирига жавоб беради ва транспортнинг бир текисда ишлашини таъминлашга шароит яратади.

2-қисм. хомашё ва материаллар сотиб олиш. Хомашё ва материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этишда асосий манба бўлиб ҳисобланади.

3-қисм. Транспорт. Юклар транспорт орқали таъминловчилардан (поставщик) корхоналарга ташиб олиб борилади, омборларга, бир омбордан бошқа омборга ва истеъмолчиларга етказиб берилади.

Барча транспорт алоқалар, ҳаттоки тижорат воситачи орқали таъминловчи ёки истеъмолчилар орқали кирага олинган транспорт ҳам ҳисобга олинади.

Масалан, таъминловчининг истеъмолчига қараганда арзонроқ транспортдан фойдаланиш имконияти бор. Бундай вазиятда у рақобатда устунликка эга бўлади. Агар истеъмолчи транспорт харажатларини ўзига олса, нархлар пастроқ туширилади. Транспортнинг асосий кўрсаткичлари қиймати (стоимость) ва ишончилигидир.

4-қисм. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ логистика бўлимлари эҳтиёжни аниқлашдан ташқари, бозордаги талаб ва таклифларнинг ўзгаришини юмшатиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Баъзи мутахассислар ишлаб чиқариш бўлинмалари (единица) логистика тизимида киритилиши керак эмас, деб ҳисоблайдилар. Лекин кўпчиликнинг фикрича, ишлаб чиқариш бўлинмалари логистика тизимида катта аҳамиятга эга. Бу ерда энг муҳим муаммолардан бири - ишлаб чиқариш корхоналари катталиги ва жойлаштириш ўрнини аниқлашдир.

5-қисм. Омбор хўжалиги.

Бу қисмга корхоналарнинг омборхоналари, кўтара савдо ва баъзи ҳолларда, чакана савдо учун мўлжалланган минтақавий ва маҳаллий омборлар киради.

6-қисм. Ахборот алоқаси ва назорат (ахборот алоқа ва назорат).

Ҳар бир логистика тизими ахборот ва назорат тизимчалари орқали бошқарилади. Бу тизимчалар орқали буюртмалар қилинади, юкларни ортиш ва транспортировка қилиш тўғрисидаги талаблар етказилади. Бу тизимча ёрдамида захиралар талабга мос бўлган миқдорда сақланиб туради. Бу тизимча умумий инфорацион тизимнинг бир қисмидир.

7-қисм. Кадрлар. Бу қисм логистика тизимининг энг муҳим қисми ҳисобланади. Унда кадрлар танлаш ва тайёрлаш масалаларига катта аҳамият берилади.

1.4. Ишлаб чиқариш воситалари бозори шароитларида моддий оқимларни бошқаришнинг зарурлиги

Логистика тизими ўзида таъминлаш вазифалари, ишлаб чиқариш, сотиш, етказиб бериш, тақсимлаш ва бозор вазифаларини бирлаштирган бўлса, бундай тизим макрологистика деб аталади.

Умумий қараганда, **макрологистиканинг вазифалари ва доираси** қуйидагича:

ишлаб чиқариш: ишлаб чиқариш топшириқларини режалаштириш, иш сифатини назорат қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш режасини корхонанинг ишлаб чиқариш қисмларига тақсимлаш;

Етказиб бериладиган юкларни қайтадан ишлаб, захираларини ҳисоблаш ва бошқариш, юкларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш, ахборот оқимларини ташкил қилиш, маҳсулотларни ўраш ёки идишларга жойлаш, уларни сақлаш, омборларга жойлаштириш, юк ортиш-тушириш ишлари ва юк тўпларини (тўплам) комплектлаш;

маркетинг: моддий рағбатлантириш, молия ва ҳақ тўлаш, бозорни ўрганиш, таъминлаш хизматини ташкил қилиш;

истеъмол қилиш: маҳсулот етказиб беришга буюртмаларни лойиҳалаштириш, захираларни омборларга жойлаштириш, истеъмолчиларни таъминлаш, буюртмаларни маблағ билан таъминлаш.

Кейинги категория - Микрологистика. Микрологистика - логистика тизимининг ҳар бир мустақил функционал қисмларига тегишли бўлган маҳаллий масалаларни ҳал қилади. Масалан, ишлаб чиқариш корхонанинг ичида рўй бераётган логистика жараёнлари яъни режалаштириш жараёнини маҳсулотни тарқатиш ва сотиш жараёнлари билан бирлаштириш, интеграция қилиш, транспортировка қилиш, омборларда маҳсулотни жойлаштириш, сақлаш, юклаш, юкни тушириш ишларини қулайлаштириш.

Омборлар хўжалиги хомашё ва маҳсулотлар оқимини ишлаб чиқариш вазиятига мослаштирадиган энг самарали омилдир.

Тақсимлаш доираси - **Микрологистиканинг асосий вазифаси- юкларни транспортировка қилишни режалаштириш, юкларни тайёрлаш, сотиш ва назорат**

қилишни ташкил этишдан иборат. Бу жараёнларни ташкил қилишда ишнинг энг самарали усулларида фойдаланиш керак, буюртмачилар талабларини тўла ҳисобга олган ҳолда ишончли маълумотлар асосида иш олиб бориш керак. **Энг муҳим талаб - юкларни айнан буюрилган муддатга етказиш.**

Ҳар бир логистик тизимнинг тузилиши ҳар хил бўлиши мумкин. Бунинг учун, бу тизимлар вазифалари доирасига кирган корхоналарнинг катта-кичиклиги, омборхоналарнинг вазифалари (таъминлайди ёки тарқатади), транспорт моделлари ва бошқа омиллар бўйича фарқланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда, транспорт тизимида рўй берган ўзгаришлар, ёқилғи нархлари ўсганлиги, илмий-техника прогресси транспорт хизматлари баҳосининг ўзгаришига олиб келган. Бунинг натижасида фақат транспорт тизимигина ўзгариб қолмай, бутун логистика тизимлари ўзгариб кетаяпти.

Замонавий технологиялар корхоналарга етказиб бериладиган хомашё ва материаллар номенклатурасини мураккаблаштириб юборган. Замонавий алоқа тизими керакли маълумотларни қисқа вақт ичида керакли жойга етказиш имкониятини яратаяпти, сифатли назорат ишларини олиб боришга шароит туғдираяпти.

Логистик тизимларни тузишда қўйидаги омиллар ҳисобга олинади:

1. Корхоналарнинг сони ва уларнинг жойлашиши.

Ҳар бир тизим бир ёки бир неча ишлаб чиқариш корхоналарини ўз доирасига олиши мумкин.

Корхоналарнинг сони материал ва меҳнат ресурсларининг бор йўқлигига боғлиқ.

Бир хил корхоналарнинг вазифаси - географик (регионал) бозорга хизмат қилиш. Айрим корхоналарни жойлаштиришда хомашё ва материаллар билан таъминловчи тижорат воситачи корхоналарнинг мавжудлиги ва жойлашиши ҳисобга олинади.

Кўпинча компаниялар таъминловчи корхоналарнинг географик жиҳатдан тарқалиб кетмаслигига таъсир қилолмайдилар, шунинг учун улар ўз корхоналарини жойлаштираётганлари транспорт харажатларининг энг кам бўлишини кўзда тутадилар.

2. Омборлар сони ва уларнинг жойлашиши.

Омборлар бевосита корхоналар чегарасида жойлашиши мумкин ёки таъминловчилардан олинган юкларни қайта ишлаш бўйича умумий омбор марказлари ташкил қилиниши мумкин. Ёки истеъмолчиларга яқин бўлган жойларда оралиқ омборлар жойлашиши мумкин. Америка Қўшма Штатларида ҳар 20 омбордан учтаси - кўп профилли, ҳар 6 омбордан биттаси асосий истеъмолчилар талабига биноан кўшимча хизмат ҳам кўрсатади.

3. Транспорт моделлари.

Логистик тизим яратувчилари қулай транспорт моделларини аниқлайдилар. Ҳар бир транспорт модели бир-биридан харажатлари, элтиб бериш тезлиги, ишончилиги, ўзига хос ўраш ва омборларга жойлаштириш усуллари билан фарқланади.

4. Алоқа.

Логистик тизими бўлимлари бир-бири билан ахборот, назорат ва транспорт турлари орқали бирлашади. Булар ўртасидаги алоқалар телефон, телеграф, кабелли алоқа, телекс ва компьютерлар орқали ташкил қилинган. Шу айтиб ўтилган алоқа турлари ҳар бирининг ўзига хос устунлик ва камчиликлари бор. Ҳозирги кунда компьютер орқали маълумот олиш - энг катта устунликка эга.

5. Ахборот тизими.

Буюртмалар билан ишлашнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган усуллари мавжуд. Ишлаш усули марказлаштирилмаган бўлса, бу ҳолда интеграция даражаси, аниқланиши, компьютерлар тури аниқланиши керак ва ҳоказо.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Логистика нима?
2. Логистика атамасининг тарихи нимадан иборат?
3. Логистиканинг концептуал ва услубий асосларини изоҳлаб беринг
4. Моддий оқимлар тушунчаси.
5. Логистиканинг мақсади ва вазифаси.

2-Мавзу. ЛОГИСТИК ТИЗИМ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Режа.

- 2.1. Логистик тизим тушунчаси ва унинг концепциялари
- 2.2. Хизмат соҳалари ва уларнинг таърифи
- 2.3. Логистик тизим фаолият юритилишини баҳолаш.
- 2.4. Логистик тизимнинг маркетинг билан боғлиқлиги.

2.1. Логистик тизим тушунчаси ва унинг концепциялари

Логистиканинг мақсади - энг кам меҳнат ва моддий харажатлар билан юкларни айнан вақтида етказиб бериш. Материаллар, хомашё ва тайёр маҳсулотларни айнан вақтида етказиб бериш бутун иқтисодий тизимнинг ишлаб туришига қулай шароит яратади, корхоналар омборларидаги захиралар миқдорини анча камайтиришга имкон беради.

Логистика тўлиқ даражада истеъмолчига хизмат қилади. Шунинг учун логистика доирасида тарқатиш ва сотиш вазифалари фақат бир вақтда 6 шарт мавжудлигида амалга ошади. Бу шартлар - юк, сифат, миқдор, вақт, харажатлар ва етказиш жойи.

Бу ишларнинг бир вақтда мавжуд бўлиши учун материаллар оқимини қулайлаштириш керак, тара ва ўрашни ихчамлаштириш бўйича, юк бирликларини (груз, ед-ца) унификациялаш бўйича (яъни юк ташишда пакет ва контейнерлардан фойдаланиш), самарали омборхоналар тизимини тузиш бўйича, буюртмалар миқдорини ва захиралар даражасини қулайлаштириш бўйича, юкларни ташишда энг фойдали маршрутларни белгилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши керак.

Логистика тизимининг тузилиши ва ишлаш асосининг энг муҳим концептуал вазиятлари қуйидагича:

а) тизимли ёндошиш (системный подход) тамойилини амалга ошириш, бу вазифа логистика тизими ҳар бир қисмининг бир-бирига боғлиқлигида ва биргаликдаги ҳаракатида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш ва транспорт тизимларининг умумий, яхлит технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, асбоб-ускуналарнинг айрим турларини яратиш асосида ишлаб чиқариш, омбор хўжалиги ва ишлаб чиқариш - транспорт тизимларига ўтиш юқорида айтиб ўтилган тамойилнинг ифодаси бўлиши мумкин.

Ҳозирги шароитда замонавий логистика технологик ва юк кўтариш, ташиш асбоб-ускуналарига бўлган талабларни индивидуаллаштирилаяпти, бу ҳар бир ускуналарни ҳар бир аниқ шароитга тўлиқ мослаштиришдир. Жумладан:

- Логистика тизимлар тузишда ва уларнинг айрим қисмларини лойиҳалашда технологик жараёнларнинг инсон талабларига мос бўлишини кўзда тутиши керак, яъни замонавий меҳнат шароитлари яратилиши керак, атроф-муҳитга салбий таъсир қилмаслик керак;

- бутун логистик тизим (цепь) давомидаги харажатларни ҳисобга олиш ва бозорга мослашиш (ориентироваться).

- сервис хизматларини замонавий даражада ривожлантириш, унинг юқори сифати, ишончилиги, тез мослашувини таъминлаш.

Одатда логистик тизимлар ноаниқ шароитда ишлайди. Бу бозор конъюктурасида транспортнинг ишлаши тасодикий жараёнлар содир бўлиши билан боғлиқ. Шу туфайли логистик тизимларнинг муҳим хусусиятларидан бири - мослашиш хусусияти. Логистик тизимлар ишлашининг асосий тамойилларидан бири - юқори даражадаги ишончилиги ва мустаҳкамлиги.

Логистик тизимнинг ишлаши мустаҳкам бўлишида ишлаб чиқариш, тарқатиш ва сотиш жараёнларининг тўғри, аниқ режалаштирилиши катта аҳамиятга эга. Бу ерда шуни

ҳам ҳисобга олиш керакки, жуда тезлик билан бажариладиган (оператив) режаларга нисбатан, қатъий режаларнинг роли каттароқ. Бундай стратегик режаларнинг юқори даражада ишончли бўлиши учун атроф-муҳит вазияти, биринчи ҳолатда бозордаги вазият ҳар хил бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни ўрганиш ва туғилган саволларга стратегик жавоблар аниқлаш зарур.

Ғарб мутахассислари фикрича, стратегик режалаштириш фирмаларнинг ўз рақиблари билан курашида энг қудратли қурол бўлиб ҳисобланади.

Стратегик режалаштиришнинг асоси - илмий даражада. Илмий даражани тайёрлашда тарихий ва экстраполяция усулларидан фойдаланилади.

Стратегик режалар кўпинча аниқ жараёнларни эмас, аниқ мақсадларни кўзда тутлади. У стратегик режани тез бажариладиган режадан фарқлайди. Тез бажариладиган режалар аниқ фаолиятни кўзда тутадилар, масалан, тақсимлаш ёки сотиш жараёнларини логистика халқ хўжалигига саноатлар нуқтаи назаридан эмас, минтақалар нуқтаи назаридан қарайди.

Кичик ва ўрта корхоналарга тез-тез, даврий ҳолда кенг номенклатурадаги материал оқимлари етказиб турилади, шунинг учун ҳудудий ихтисослаштириш (специализация) ва ихчамлаштириш бу корхоналар учун катта аҳамиятга эга. Шундай вазиятларда материаллар оқимиға самарали хизмат қилишда минтақавий тақсимлаш бўйича марказлар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай марказларда биринчи навбатда юқори самарали сервисга эътибор берилади. Бундай сервис туфайли ҳар хил хизмат турлари - тахлашдан бошлаб, то юк ортиш-тушириш ишларигача таъминланади.

Фақат замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, логистик тизим юқори самарали ва мустаҳкам бўлиши мумкин. Логистик тизим ахборот оқимларини қулай бошқаришнинг техникавий асоси - қўп даражали АБСдир. Шунинг учун логистика ва кибернетика ғояларининг (идеи) асосий қисми - логистика тизимларининг юқори самарали бўлиши шартидир.

Логистик тизимлар ишлашини таҳлил қилишда умумий харажатлар аҳамияти катта. Омбор хўжалиги харажатлари, захиралар, транспорт, ишлаб чиқаришни режалаштириш, буюртмани бажариш харажатлари ва бошқа харажатлар бир-бирига боғлиқ. Айрим харажат турларини камайтиришга қаратилган ҳаракатлар бутун тизимнинг ишлашидаги умумий харажатларнинг ортиб кетишига олиб келиши мумкин, шунинг учун логистиканинг ҳар қандай фаолиятига янгилик киритишдан олдин, бу ўзгартириш оқибатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш керак. Тизим қисмларининг пропорциялари аниқланиши, қиймат тавсифларининг самараси кўриб чиқилиши, бошқариш сиёсати тузилиши керак, янги технологиялар, асбоб-ускуналар ҳисобга олиниши керак. Чунки тизимнинг тубдан (коренной) ўзгариши, қайтадан ташкил қилиниши, харажатларнинг кескин ортиб кетишга олиб келади. Шу билан бирга, илгаридан логистик тизимларнинг эволюцион йўллар орқали ўзгариш ҳоллари аниқланиб, ҳисобга олинади. Бундан ташқари, саноат менежментининг логистика муаммоларига нисбатан эътибори ошаётганининг бир неча сабаблари бор. Алоҳида олинган таъминлаш, ишлаб чиқариш ёки тақсимлаш жараёнларининг самарасини ошириш - умуман қараганда - самараси кам усулдир.

Логистик тизимнинг қисмларидан ҳар бири бутун тизим мувозанатини бузиши мумкин. Амалда логистиканинг анаънавий мақсадлари кўпинча маркетинг ёки ишлаб чиқариш мақсадларига тўғри келмайди.

Масалан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлимлари тайёр маҳсулот захираларини кўпайтиришга ҳаракат қилади, акс ҳолда, сотиш жараёнида маҳсулот кам ёки умуман йўқлиги сабабли йўқотишлар рўй бериши мумкин.

Бошқа мисол, транспорт бошлиғи фақат транспорт тизимиға жавобгар бўлса, у транспортнинг қулай йўналишини ташкил қилиш, транспорт тизимидаги захиралар миқдорининг камайтилишида, умуман, транспорт тизимининг даромади камайтилишиға мутлақо қизиқмайди.

Логистиканинг мақсадлари - мақсадларга тескари.

Логистик тизимлар материаллар оқимини бошқариш билан бир қаторда тақсимланиш жараёнини назорат қилишда асосий қурол бўлиб қолаяпти.

Илмий техника тараққиётининг ютуқлари логистика тизими қисмларининг бирлашиб, мустақкам бўлишини тезлаштирди. Асосий ютуқлардан бири - кучли компьютерлар, ривожланган маълумотлар базаси ва ахборот етказиш тизимига асосланган буюртмалар билан ишлаш тизимининг ривожланиши.

Қарорлар қабул қилиш, масалалар ечиш жараёнларини моделлаш ва компьютерлар билан таъминлаш логистика тизимини ташкил қилувчи ва бошқарувчиларга сифатлироқ ишлашга имконият яратди.

Логистика умумий харажатларни анча камайтиришга имкон яратиш билан бир қаторда маҳсулот сифатини кўтаришга ҳам таъсир қилади, чунки фақат сифатли маҳсулотлар ташқи бозордаги рақобатни кўтара олади. Бундай шароитда фирмалар истеъмолчиларга кўрсатадиган хизматларининг сифатини оширишга мажбурлар.

2.2. Хизмат соҳалари ва уларнинг таърифи

Ишлаб чиқариш ва логистика тизимининг ўзаро таъсири икки йўналишда бўлиши мумкин.

Биринчиси, корхоналарнинг маҳсулот захираларини узлуксиз кўпайтириб турилишига эҳтиёжи мавжуд. Бу ерда маҳсулот тури роль ўйнамайди. Маҳсулот андозали, ноандозали бўлиши мумкин, модификация қилинган ёки махсус маҳсулот бўлиши мумкин, фақат бозордаги эҳтиёжни қондирса бас.

Иккинчиси, ишлаб чиқариш ўз томонидан бевосита логистика тизимига қарам бўлиб келган. Яъни ишлаб чиқариш жараёнига хомашё материалларини вақтида етказиб бериш катта таъсир кўрсатади. Технологик жараёнларни бошқариш, биринчи навбатда, харажатларни камайтиришга қаратилган, асбоб-ускуналарнинг бир текисда ишлаши, кўрсатилган муддатда буюртмаларнинг бажарилишини кўзда тутлади.

Бу жараёнлар таъминлаш тизими орқали қўллаб-қувватланиб турилади. Бу тизимнинг асосий вазифаси - ишлаб чиқариш эҳтиёжини тўла қондириш. Ишлаб чиқариш ва логистика тизимининг ўзаро таъсирини шошилинч буюртмаларни бажариш ёки янги тур маҳсулот ишлаб чиқариш керак бўлганда, кўрса бўлади. Бундай шароитда бу доираларнинг ҳаракатчанлиги, мослашувчанлиги, бутун иш муваффақиятининг гарови бўлади.

Ҳозирги замонда логистика тизимлари доирасида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ҳисобга олганда, турли хил корхоналар жойлаштирилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёни бозордан ажратилган ҳолда муваффақиятли ташкил қилина олмайди. Айрим ҳолларда иқтисодий адабиётларда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни бошқарувчисининг вазифалари шундай изоҳланадики, гўё улар бевосита фақат бошқариш жараёнига таъсир қилади.

Амалда эса, бошқариш кўпинча тақсимлаш тизимининг табиий ҳолатига боғлиқ, бу тизим маркетинг ва ишлаб чиқариш ўртасида боғловчи куч бўлиб туради. Шу тизим (бошқариш тизими) ишлаб чиқариш ва маркетинг жараёнларининг балансини аниқлайди.

Буюртмаларнинг нотўғри жойлашиши ишлаб чиқаришда қутилмаган харажатларга олиб келади.

Шунинг учун корхоналар қуйидаги қоидага риоя қилишга ҳаракат қиладилар: тайёр маҳсулот захиралар даражасини сотиш даражасига мослаштириш, масалан, 30-40 кунлик захиралар.

Бу қоида айниқса, маҳсулотни сотиш миқдори тез-тез ўзгариб турадиган корхоналар учун муҳимдир.

Логистика тизимининг самарадорлиги баҳо белгилаш усуллари билан боғлиқ. Аниқ белгиланган нархлар бозорда ишлаб чиқарувчилар таъсирини кенгайтиришга олиб келади.

Логистика тизимлари ёрдамида сотиладиган маҳсулотлар нарhini камайитириш устама нархлар ёрдамида белгиланади. Улардан ташқари, бозордаги шароит ҳам ҳисобга олинади.

Одатда, ишлаб чиқарувчининг ўзи сотиш нарhini, кейин сотиш нархи камайитирилишини аниқлайди, ана шунда сотиш нархи ҳосил бўлади.

Бундан кейин, ишлаб чиқарувчи ўз фаолиятини бозор талабига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратади. Бундай маҳсулот бозорда сотилиб, даромад келтириши мумкин. Фаол рақобатли бозор шароитида бу оддий тажриба. Бундай бозорда маҳсулотлар хилма-хил бўлади ва нархлари ҳам кескин фарқланади.

Ишлаб чиқарувчи белгиланган нарх сотувчи тўлайдиган ҳақиқий нархдан фарқланади. Белгиланган нархнинг ўзгаришига сотиш шароитлари ва шартлари, бозор шароитлари таъсир кўрсатади. Лекин сотувчи ва истеъмолчининг нархи бир хил бўлиши ҳам мумкин.

Кўпинча маҳсулотлар арзонлаштирилган нархда сотилади. Бу арзонлаштириш сотиб олинган товарлар миқдори ёки нақд пулга олинишига боғлиқ.

Логистика тизими 2 асосий нарх белгилаш тизимидан фойдаланишни тавсия этади. Бу тизимлар истеъмолчиларнинг географик жойлашишига боғлиқ. Булар: Франко - нарх ва элтиб бериш нархи.

Сотувчи қайси жой (пункт)да маҳсулотни сотиб олувчиларга топширса, франко-нархлар белгиланади. Бу жой омбор бўлиши мумкин, корхона, автокорхона бўлиши мумкин.

Сотувчи истеъмолчини транспорт воситалари билан таъминлаши мумкин, лекин барча харажатларни сотиб олганлар кўтаради.

Бундай нархлар тизими тақсимлаш тизимининг назорат қилинишини анча мураккаблаштиради.

Элтиб бериш нархлари транспорт харажатлари, юк ортиш - тушириш ишлари харажатлари ва юк миқдорига кўра чегирмаларни ўз ичига олади.

Бу нарх тури - жуда кўп ишлатилади. Бундай нарх белгилаш тажрибаси таъминотчига қулайлик яратади, бундан ташқари, бундай нарх белгилаш тизимини назорат қилиш ҳам енгилроқ. АҚШда логистика доирасидаги нарх белгилаш тизими давлат орқали тартибга солинади. Бир томондан - ҳукукий тартибга солиш - нархларни аниқлаш эркинлигини чегаралайди, иккинчи томондан, эса, логистика харажатлари тизимини таҳлил қилишга имкон яратади.

2.3. Логистик тизим фаолият юритишини баҳолаш

Бошқаришнинг муҳим омилларидан бири - материалларни ўз вақтида элтиб бериш. Бунинг учун керакли операция бажарилишига (масалан, юк ортиш, юкни элтиш ва бошқа) қанча вақт кетишини ва операцияни бошлаш учун қанча вақт кераклигини аниқлаш зарур.

Буюртмаларни бажариш муддати ресурсларга бўлган эҳтиёж миқдорига, таъминот жараёнининг ишончлилигига таъсир қилади, буюртмаларни бажариш муддати узоқ бўлса, у минтақавий омборлардаги катта номенклатуралар захиралар миқдорининг ортиб кетишига олиб келади.

Лекин бошқа томондан қараганда, буюртмаларнинг шошилинич, қисқа вақтда бажарилиши ҳар хил хатоларга олиб келиши мумкин. Масалан, олинган ресурслар миқдори янглиш бўлиши, сифати тўғри келмаслиги ёки умуман керак бўлмаган маҳсулот етказиши мумкин.

Масалан, АҚШда тақсимлаш доирасида буюртмаларнинг энг кам бажарилиш муддати (ишлаб чиқариш вақти ҳам ҳисобга олинади) - 7 кун, энг кўп муддати - 72 кун.

Буюртманинг бажарилишига кетадиган вақт тақсимлаш каналларининг ҳолати ва ривожланишига боғлиқ. Бу тақсимлаш каналлари маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва

истеъмолчиларни боғлайдиган воситага айланаётгани ва хилма-хил бир-бири билан боғлиқ вазифаларни бажараяпти. Унга: сотиш, маркетинг, кредит бериш ва бошқа хизмат турлари киради.

Фирмаларнинг кўпчилиги тақсимлаш жараёнини фақат қисман назорат қилади, демак, уларнинг бутун табиий тақсимлаш тизимига қиладиган таъсири ҳам қисмандир.

Логистика технологиясининг ўзгариши, маҳсулот ва хизматлар сифати аҳамиятининг ўсиши, тақсимлаш каналларининг тузилиши ва вазифаларининг ўзгаришига олиб келади, технологияни такомиллаштиришга интилиш туғдиради.

Логистика тизими самарасининг ортиши: тақсимлаш доирасининг асосий капиталига қўйиладиган сармоялар миқдори ортишига олиб келади, логистика тизими тузилиши ва объектлари жойлашишининг ўзгаришига олиб келади.

Ҳозирги кунларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларни фарқлаш жуда ҳам қийин. Логистика тизими қисмлари вазифаларининг ўзгариши катта қийинчиликлар билан ўтаётти. Интеграция айрим хўжалик турларининг аҳамияти ортаётти, бошқаларининг аҳамияти пасайиб ёки умуман йўқ бўлиб кетаяпти.

Бу жараёнларга яна халқ хўжалигининг ҳолати, давлатнинг иқтисодий сиёсати ҳам таъсир қилади.

Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фақат улгуржи савдо жараёнини назорат қилибгина қолмай, бевосита истеъмолчига сотиш жараёнини ҳам ўз назоратига олаётти. Истеъмолчиларга тўғридан-тўғри юк юборишга мослаштирилган кўшимча омборлар қурилаяпти. Кўп компаниялар тақсимлаш каналлари, захиралар миқдори ва сотиш ҳажмидан хабардор бўлиш мақсадида улгуржи савдо тизими билан бевосита алоқа ўрнатган.

2.4. Логистик тизимнинг маркетинг билан боғлиқлиги

Логистика тизими бошқариш вазифалари билан узвий боғлиқ. Лекин логистика тизимига энг катта таъсир кўрсатадиган вазифалардан бири - маркетинг сиёсати ва тактикаси. Логистика тизимининг сервис чегараларини маркетинг талаблари аниқлайди.

Маркетинг тактикаси бевосита логистиканинг харажат кўрсаткичларига таъсир қилади.

Ишлаб чиқаришнинг ассортимент бўйича ихтисослашиши маркетинг ёрдамида сезиларли даражада ривожланади.

Маҳсулот ассортименти қанча кўп бўлса, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир доираси, буюртмалар билан ишлаш, захираларни назорат қилиш ва бошқариш вазифалари мураккаблашиб кетади.

Маҳсулотлар ассортименти тақсимлаш муаммоларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Масалан, маҳсулотнинг асосий моделини технологик давр кўшимча харажатлари ҳисобига камайтириш жараёнида ўзгартириш мумкин. Бу ҳолда ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хомашё, материаллар ва комплектация қисмлари ассортименти камаяди.

Лекин, кўпинча маҳсулотлар фақат маркетинг талабларига асосланиб ишлаб чиқарилади. Унда кўп ҳолларда табиий тақсимланиш баҳосига қандай таъсир қилиниши ҳисобга олинмай, маҳсулотлар ўзгаришига олиб келади.

Маҳсулотнинг янги турини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, одатда, табиий тақсимланиш жараёнида кутилмаган харажатларга олиб келиши мумкин. Масалан, аввал ишлатилмаган янги хомашё турларига эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин. Ҳаттоки, фақат ўрами ўзгарган маҳсулот таъминот доираси учун янги ассортимент бирлиги деб ҳисобланади.

Лекин, шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар бир ассортиментнинг ўзгариши харажатларнинг ўсишига олиб келавермайди. Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш кувватидан

фойдаланиш даражаси ортиши, меҳнатни ташкил қилишининг яхшиланиши мумкин, булар орқали анчагина маблағ ва меҳнат тежалиши мумкин.

Ассортиментнинг кенгайишини режалаштириш, заҳираларни бошқариш, харажатларни камайтириш доираларида корхоналар олдига қуйилган вазифаларни мураккаблаштиради.

Америка ва япон компанияларининг ассортимент сиёсатини солиштирсак, анча фарқ қилишини кўрамиз. Япон компаниялари моделларни чекланган миқдорда ишлаб чиқарадилар. Айрим комплект қилувчи маҳсулотлар, масалан, автомашиналарга ўрнатиладиган кондиционерлар, (намунавий ўлчовда бўлади), автомашиналарга сотишдан олдин дилерлар тамонидан ўрнатилади.

Америкалик ишлаб чиқарувчилар эса истеъмолчиларни ҳар бир моделнинг турли хиллари билан таъминлайдилар, ҳаттоки, махсус буюртмаларни ҳам бажарадилар. Бундай ассортимент сиёсати харажатларнинг ортишига олиб келади, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишни, режалаштириш ва назорат қилишни мураккаблаштиради.

Маркетинг вазифаларидан яна бири - табиий тақсимланишнинг сервис хизмати доирасида аниқ чегараларини белгилайди. Унинг сифатига юк етказиш тезлиги, юк етказиш муддатларининг бажарилиши ва логистика тизими талабларини зудлик билан қондириш қобилиялари таъсир қилади.

Ўз томонидан логистика маркетингнинг сотиш усулларига жуда катта таъсир қилади.

Агар фирма махсус таклиф тактикаси асосида иш олиб борса, яъни олдиндан белгиланган режаларсиз сотишлар ташкил қилса, табиий тақсимланиш тизими: транспорт, омборлар, буюртмаларни расмийлаштириш - сотиш жараёнининг тезлашишига тайёр бўлиши керак.

Логистика тизимининг ҳолати тақсимланиш каналини танлашда катта аҳамиятга эга. Логистика қийматига оид таҳлил кўпинча харажатларни камайтириш йўллари топиш учун қилинади; бу таҳлил таъсирида рўй берган ўзгаришлар маркетингга катта таъсир кўрсатади. Масалан, омборлар сонини камайтириш, заҳиралар миқдорини камайтириш, транспортнинг арзонроқ турларига ўтиш ҳисобида харажатларни камайтириш хизмат кўрсатиш сифати ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Логистика тизимини таҳлил қилиш асосида маркетинг хизмати тақсимланиш жараёнининг мақсад ва вазифаларини аниқроқ белгилайди.

Логистиканинг тизимли таҳлили маркетинг курули бўлиб, хизмат кўрсатиш андозаларини ўрнатади.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Логистик тизимнинг асосий тамойиллари.
2. Логистиканинг концепцияси.
3. Логистика қайси аспектларни кўриб чиқади?
4. Логистика ўзининг фаолиятида қайси бўлимлар билан боғлиқ.
5. Логистик тизимни тузишда қайси элементларга эътибор берилади?

Комплектловчи буюм

Тайёр
маҳсулот

Минтаъавий
омбор

Моддий
ресурслар

И/ч
жараёни

Махсус минтаъавий
омборларга ташиш

3-мавзу: ЛОГИСТИКАДА МАТЕРИАЛЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ТАҚСИМОТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

3.1. Моддий оқимлар ҳаракатлари чизмасининг таърифи.

3.2. Логистик тизимда маҳсулотлар тақсимотининг асосий каналлари ва воситачилари.

3.3. Буюртмаларнинг жисмоний тақсимланиши ва маҳсулотларни келтириш устидан назорат.

3.4. Корхоналарнинг ташкилий тузилмалари ва улар бошқарув хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги.

3.1. Моддий оқимлар ҳаракатлари чизмасининг таърифи

Материаллар оқими ўсиши акс этган чизмалар тавсифига эътибор қилган ҳолда логистиканинг умумий чизмаси 3-чизмада, корхона ичидаги моддий оқимлар ҳаракати чизмаси 4- кўрсатилган.

Моддий оқимлар ҳаракатида корхона назоратини ташкил этиш жараёни бир бутун ўлчов сифатида қаралади, айниқса, моддий оқимларнинг корхона ичидаги ҳаракати, уларни режалаштириш ва заҳираларни бошқаруви ҳақида фикр юритиш мумкин. Шунинг қайд этмоқ керакки, аксарият тадқиқотларда корхона ёки омбор мустақил ўлчов сифатида қаралади ва моддий оқимнинг кирими ва чиқими билан боғлиқ бўлган операцияларга асосий эътибор қаратилади.


Бироқ масалага бундай ёндашилганда ихтиёрий операцияни (юклаш, йўлдаги вақт) асосий оқимлар учун зарур вақт ва операцияларни бошлаш учун ҳақиқатда керакли вақт етакчи бошқарув омилларидан ҳисобланади.


5-чизмада буюртма ва унинг бузилиш вақтини белгиловчи буюртмалар ҳаракатларининг йўналиши акс эттирилган. Истеъмолчи маҳсулотни минтақавий омбор орқали ёки бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзидан олиши мумкин. Аниқки, буюртмаларни бажариш муддати турличадир. Омбордан мавжуд маҳсулотларни сақлаш учунгина эмас, балки маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш учун ҳам фойдаланилади. Буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилиши транспорт воситалари, буюртмаларни тайёрлаш техникаларига ҳам боғлиқдир.

Жадвалда маҳсулотларни ҳар хил турдаги транспортлар ёрдамида етказиб бериш муддатининг аниқланиш формуласи акс эттирилади. (1- жадвал).



3-чизма. Моддий оқимларни ишлаб чиқарувчи корхоналардаги омбор тизими орқали истеъмолчиларга етиб бориш ҳаракати.





4-чизма. Моддий оқимларнинг корхона ичидаги ҳаракати.

1-жадвал.

Ҳар хил турдаги транспортларда юкларни етказиб бериш муддатининг ҳисоблаш формуласи.

Транспорт тури	етказиб бериш муддатини ҳисоблаш формуласи
1. Темир йўл	$T_{ж} = t_{нк} + L/V_n^{ж} + t_{гон}^m$
2. Денгиз йўли	$T_m = L/V_{ком} \quad V_{ком} = L/V_{сут} + 2 \cdot LPT/M + t_{дон}^m$
3. Дарё	$T_p = T_o + L/V_n^p + t^p_{дон}$
4. Автомобиль	$T_a = T_nK + L/V_{ЭК}$

бу ерда:

$t_{нк}$ - операциянинг бошланиш-туғаш вақти, сутка, соат

L - ташиб келтириш учун ўтилган масофа, км., миль.

$V_n^{ж} \quad V_n^p$ 1 суткада вагон ёки кеманинг нормадаги йўлда юриши

$t^{ж}_{доп} \quad t^{доп} \quad t^p_{доп}$ - дарё, денгиз ва темир йўл транспортида қўшимча операциялар учун вақт

$V_{эк}$ - фойдаланиш тезлиги, км/соат

$V_{ком}$ - тижорат тезлиги, миль/сутка


$V_{сут}$ - мазкур линияда ишловчи кемадан фойдаланиш тезлиги миль/сутка

α - юк кўтариш машинасидан фойдаланиш коэффиценти

P_t - кеманинг юк кўтариш қуввати, т.

M - портда бир суткадаги ўртача юк ташиш ишлари, т/сутка

T_o - юкларни тўплаш, расмийлаштириш ва жўнатиш вақтлари, сутка.



5- чизма. Моддий оқимларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчидан етиб бориш ҳаракати.

У тақсимлаш каналларининг ривожланиши аҳволига боғлиқдир. Аксарият саноат фирмаларини қисман шундай тақсимлаш назорат қилади, шунингдек, физик тақсимлаш тизимида ҳам уларнинг чегараланган даражадаги таъсирлари бор.

Тақсимлаш каналларининг вазифалари ва тузилмалари ўзгариши логистика технологияларини қайта ташкил қилган, фирма маҳсулотлари ва хизматлар сифатини оширишга ҳам боғлиқдир. Логистика самарадорликни ошириш ва технологияларни такомиллаштиришга интилиш, тақсимлаш доирасидаги капитал хажмида сармоя ўсишига олиб келади, шунингдек, объектларни локаллаштириш ва тузилмасини ўзгартиришга имконият туғилади.

Мазкур доира вертикал интеграция йўналишларини ҳам қайд этиш аҳамиятлидир, бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги чегараларни аниқлаш қийин бўлмоқда.

Тақсимот каналларининг тузилмалари (вертикал воситачилар сони), уларнинг миқёси ва барқарорлиги босқичлари миқдорида боғлиқдир. Уларни тежашга эришиш учун маҳсулотларни олишдаги зарурий босқичларнинг энг қулай (оптимал) сонини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Шартномалар сонини камайтириш иқтисодий тежамга эришишнинг бир йўналиши ҳисобланади. Тақсимлаш икки турли: селектив ва интенсив бўлади. Селектив тақсимлашда унча катта бўлмаган савдо қилиш жойлари мавжуд, интенсив тақсимлашда эса уларнинг сони кўпроқдир. Савдо шартномалари сонини камайтириш ҳисобига иқтисодий тежамга эришиш йўллари 6-чизмада соддалаштирилган тарзда кўрсатилган.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг талабини қондирадиган барча вазифалар бажарилгандагина тақсимлаш каналининг барқарорлигига эришиш мумкин.

Логистика тизимларида маҳсулотни тақсимлаш каналларини кўриб чиқиш мумкин.

1. Мустақил улгуржи савдо қилувчи воситачилар ўз ҳисобларидан товарлар сотиб оладилар шу билан товарларнинг маънавий эскириш, бузилиш, конъюктура натижасидаги таваккални ўз зиммаларига оладилар. Улар товарларни сақлайдилар ва шу билан мол етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг заҳираларини камайтирадилар, шунингдек, жўнатиш, реклама, маслаҳатлар бериш каби хизматларни амалга оширадилар.


2. Мол сотадиган ташкилотлар икки турда: улгуржи савдо базалари ва улгуржи савдо идоралари. Улгуржи савдо базалари фаолияти улгуржи савдо фирмаларининг вазифаларига жуда ўхшашдир, улар фақат ўз саноат фирмалари сотадиган маҳсулотларининг бўлиши билан бир-бирдан фарқланади.

Нолинчи
даражадаги
канал

Биринчи
даражадаги
канал

Иккинчи
даражадаги
канал

Учинчи
даражадаги
канал



6-чизма. Селектив ва интенсив тақсимлаш.



Улгуржи савдо идоралари кўпинча товарларнинг ўзига эга бўлмаганлиги сабабли товарлар билан физик операцияларни амалга оширмайдилар. Уларнинг асосий вазифаси истеъмолчи билан алоқа ўрнатиш, мол етказиб бериш, буюртмалар тўплаш, уларни тарқатиш, фирма омборларидан товарларни транзит етказиб беришни ташкил этишдан иборат.

3. Вакил, товар брокерлари, даллоллар ва бошқа воситачилар товарга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаганликлари сабабли уларнинг қадрсизланиши, бузилиши билан боғлиқ бўлган зарарларни кўрмайдилар.

Брокер - савдо воситачиларининг фаол тури саналади. Улар сотувчи ва харидорлар билан узоқ муддатли шартнома муносабатларига кирмайдилар, воситачи ролини ўйнаган ҳолда вақтинча олди-сотдида қатнашадилар. Уларнинг асосий вазифаси сотувчи ва харидорларни учраштириш ва савдо алоқаларини ўрнатиш. Мавжуд тахминлар асосида харидорлар талабига мос келадиган маълумотларни таклиф қилиш брокерлар фаолиятининг сўнгги жараёни ҳисобланади. Брокер ихтисослашган бозорни тўлиқ билади, кўплаб ишбилармонлар билан алоқаларга киришади, алоҳида вазифаларни бажаради. Шартнома тугатилгандан сўнг унга ёлланган томон воситачи ҳақини олади.

Улгуржи савдо қилувчи вакил мол етказиб берувчилар билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатади ва ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг савдо гумашталарига (агент) мос вазифаларни бажаради.

Улар операцияларни кафиликка олиб, шахс номи ва ҳисобидан савдо - сотиқ йўли билан ўз улушларини ажратиб оладилар, шунингдек рақобатлашмай, товарлар чиқарадилар. Бир неча ишлаб-чиқарувчи фирмаларга хизмат қилишлари мумкин. Жуғрофий нуқтаи назардан улар унчалик катта бўлмаган ҳудудда ёки бир неча вилоятларда хизмат кўрсатилишлари мумкин. Йирик фирмалар мазкур тумандаги савдо-сотиқ имконияти паст бўлган пайтда улгуржи савдо қилувчи вакиллар хизматидан фойдаланадилар. Ўрта ва кичик саноат фирмалари эса бундай турдаги воситачиларга мазкур ҳудудда уларнинг савдоси ҳажми етарли даражада юқори эмас ва шахсий савдо вакилига эга бўлишдан манфаатдор бўлмаганида мурожаат қилади. Ўрта саноат корхоналари энди вакилга ҳудудда барча маҳсулотларни сотиш ҳуқуқини берадилар. Бундай ҳолларда вакиллар музокаралар олиб борилаётган пайтда баъзи ҳуқуқларга эга бўладилар. Ишлаб-чиқариш воситалари бозорининг улгуржи савдо қилувчи вакиллари асосан электротоварлар, асбоб-ускуналар, машиналар билан савдо қиладилар.


Тармоқ ҳақи ва унинг маҳсулотлари тўғрисида муфассал билимларга эга бўлганликлари сабабли, улгуржи савдо қилувчи вакиллар юқори натижаларга эришадилар. Уларнинг меҳнатларига воситачи ҳақи асосан ҳақ тўланиши улар кўрсатадиган хизматлар ишлаб чиқарувчи фирмалар учун фойдали ҳисобланади. Улгуржи савдо қилувчи вакилнинг асосий вазифаси- савдо-сотиқни вақтида таъминлаш, манфаатдор тамонларга талаб ва

таклиф тўғрисидаги маълумотларни бериш. Вақтнинг ўзи эса товарнинг сўнгги қиймати ўрнатилишига таъсир қилмайди. Юқорида қайд этиб ўтилганлардан кўриниб турибдики, уларнинг вазифалари кўп жиҳатдан брокерлар вазифалари билан ўхшаш экан. Фарқи шундаки, вакил брокердан фарқли равишда ўз мижозлари билан алоқалар ўрнатади, ишлаб-чиқариш воситалари бозорида иш олиб боради ва баъзилари жамлаш вазифасини ҳам ўз зиммасига олиб, мол етказиб берилишини таъминлайди. Бундан ташқари улгуржи савдо қилувчи вакиллар асосан истеъмолчилар билан ўрнатилган алоқалар натижасида маҳсулотларнинг янги турларини (жуда тез) сотадилар. Янги товарлар бозорини ривожлантириш бўйича кўрсатадиган хизматлари учун воситачилар юқори даражада даллаллик ҳақи оладилар. (Савдо ҳажмининг 10 - 15 %).

Вакилларда одатда реализация қилиниши зарур бўлган товарлар мавжуд бўлади, улар товарларни ўз номларидан, лекин товар эгасининг ҳисобидан сотадилар. Вакиллар назоратда, қабул қилиш омборларига эгадирлар, товарларни сақлаш ва сотиш ҳам уларнинг ихтиёридадир. Ўз жавобгарликлари остида харидорларга кредит берадилар, бозор ҳақидаги маълумотлар, товарларни ташишда ёрдам кўрсатиш, хомашё сифати устидан назорат сингари кўшимча хизматларни таклиф қиладилар.

3.3. Буюртмаларнинг жисмоний тақсимланиши ва маҳсулотлар келтириш устидан назорат

Буюртмаларни тайёрлаш ва физик тақсимлаш - логистиканинг вазифаси саналади. Моддий-техника таъминоти ҳаракатида унинг улуши транспорт ва заҳиралар улушига нисбатан камдир. Шунга қарамай, мазкур вазифанинг аҳамияти шуниси билан муҳимки, айнан шу вазифа тақсимлаш каналлари бўйича маҳсулотларнинг самарали ҳаракатини таъминлайди. Буюртмани тайёрлаш физик тақсимлашда асосий вазифа ҳисобланади. (2-жадвал). Турли доираларда мазкур вазифанинг амалга оширилишини кўриб чиқамиз. (7,8,9-чизма).




1- Сараланмаган йирик юклар ҳамжи.

2 - Сараланган юклар.

7-чизма. Физик тақсимлаш каналлари бўйича маҳсулотларнинг тўлиқ жўнатилиши

Буюртмаларни бажаришнинг умумий чизмаси

Буюртмани олиш	Буюртмани бажариш ва уни тўплаш	Омборда йўқ товарларнинг хариди учун қўшимча фаолият	Мол етказиб бериш
Консолидация	Транспорт накладнойлари ни тайерлаш	Омбори мавжуд бўлмаган товарлар сотиб олиш	Омбордан юк жўнатиш
Буюртмани омборга жўнатиш	Қарзни тўлаш, шикоятни ҳал қилиш. Буюртмаларни омборларда тўплаш		




8-чизма. Товар ва молларнинг ишлаб-чиқариш каналларига тўлиқ тарзда жўнатилиши. Маҳсулотларни ишлаб-чиқариш режасига мувофиқ жўнатиш

Чизмадан кўриниб турибдики, товар ишлаб чиқарувчилар асосан 2 турдаги истеъмолчиларга: истеъмолчиларга ва маҳсулотларни таклиф қилувчи воситачиларларга дуч келади.

Якуний маҳсулот истеъмолчилари, маълумки, кичик тўпламдаги юқори сифатли маҳсулотларни сотиб олишга интиладилар. Воситачилар эса катта тўпламдаги товарларни харид қиладилар. Амалиётда корхоналар маҳсулот сотишининг 1-йўлидан ҳам, 2-йўлидан ҳам фойдаланадилар. Бунда истеъмолчиларга юк жўнатишнинг 3 асосий турини кўриш мумкин: 1) Завод заҳираларидан бевосита юк жўнатиш; 2) Ишлаб чиқариш тармоғидан бевосита юк жўнатиш; 3) Омбор орқали юк жўнатиш. Юк жўнатишнинг қайси тактикасини танлаш сотилаётган маҳсулот ҳажмига боғлиқдир. Агар товарлар тўплами етарли даражада катта бўлса, у ҳолда бевосита завод заҳираларидан ёки ишлаб чиқариш тармоғидан товарлар жўнатилади.

Таксимлаш назорати логистикани функционаллаштириш ва самарадорлигини бошқариш воситаси сифатида бўлиши 9-чизмада кўрсатилган.



9-чизма. Тақсимлаш назорати логитикаси функционаллаштириш ва самарадорлигини бошқариш воситаси сифатида бўлиши 8 ёки 9 чизмада кўрсатилган.

Қоида бўйича хомашёни тўплаш йирик ҳажмдаги таъминотлар билан ажратиб олинади. Фақатгина катта ҳажмдаги хомашёлар ва керак бўлмайдиган ишлаб чиқаришлар бундан мустаснодир. Маҳсулотлар тайёрловчи саноатда маҳсулотларни бевосита тўғри етказиб бериш афзал кўрилади. Бироқ, тайёр маҳсулотлар кичик тўпламда истеъмолчиларга жўнатилаётган бўлса, у ҳолда тақсимотни омбор орқали ажратиб олиш самаралироқ ҳисобланади.

Агар аниқ истеъмолчилар учун юклаб жўнатилаётган товарни бевосита етказиб бериш энг қулай даражада бўлмаса, у ҳолда омбор орқали таъминлаш тизими қўлланилади. Бу эса ўз навбатида тақсимлаш бўйича харажатлар камайтиришига ва хизматни яхшилашга олиб келади. Бундай омборлар истеъмолчиларга бир қатор хизматлар кўрсатадилар. Фаолияти мазмунига кўра, улар захираларни тўпловчи ва истеъмолчиларни муайян даражадаги хизматлар билан таъминловчи тақсимот марказларига айланадилар.

Лекин тақсимот каналларига маҳсулотларнинг жўнатилиши уларнинг истеъмолчи тамонидан қабул қилиб олиниш вақти билан доимо ҳам тугамайди. Маҳсулотнинг бир қисми ҳар хил сабабларга кўра қайтарилиши мумкин. Масалан, маҳсулотларнинг ёмон аҳволда етказиб берилиши оқибатида унинг шикастланиши, нотўғри тамғаланиши, тақсимот услубининг мос келмаслиги ёки талабнинг ўзгариши ва бошқалар. Ҳар қандай ҳолда ҳам қайтарилган маҳсулотларни қабул қилиш ва жойлаштириш, уларни тузатишга юбориш физик тақсимот вазифаси ҳисобланади.

Маҳсулотларни қайтариш жараёни миқёси ва уларнинг самарадорлиги маҳсулот ва тақсимот каналларига боғлиқдир. Қайтарилган саноат товарларини тўғри ва қисқа тақсимлаш каналлари орқали ажратиб олиш мураккаб тақсимот каналлари орқали тақсимланадиган маҳсулотларга қараганда осон ҳал қилинади.

Қайтарилган товарлар масаласида уларни ишлаб чиқарувчининг омборларига жойлаштириш асосий босқич саналади.

Қайтарилган маҳсулотларни жойлаштириш механизмнинг хизмати счетлар, накладнойлар тўлови, маҳсулотларни кўчириш, таъмирлашни таъминловчи истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатиш билан белгиланади. Моддий таъминотнинг бошқаруви физик тақсимлашнинг ўзига хос акси ҳисобланади. Логистиканинг мазкур вазифаси маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчига жўнатилишига ёрдам беради.

Ишлаб чиқарувчининг талаблари буюртмаларга ўтказилади. Харидлар бўйича вакил фирманинг асосий параметрлари (нархлар, етказиб бериш сифати) бўйича талабларини қондирувчи мол етказиб берувчиларни танлайди.

Шу сабабли тақсимланишнинг тактик назорати тузилади (10-чизма)



10-чизма. Тақсимлашнинг тактик назорати

3.4. Корхоналарнинг ташкилий тузилмалари ва улар бошқарув хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги

Логистика тизими томонидан бошқариладиган ташкилий тизим қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- 1) тизимни шаклланиш ва ривожлантириш;
- 2) корхонанинг бозор сиёсати билан боғлиқ логистик тизим стратегияси;
- 3) ўзаро боғлиқ функцияларни координациялаш ва бошқариш;
- 4) ҳар хил тармоқ корхоналари учун логистиканинг ўзига хос хусусиятлари.


Логистиканинг ташкилий тизими 11,12,13,-чизмаларда кўрсатилган.

11-чизмада логистикани бошқариш ёки материални бошқариш берилган бўлиб, бунда логистиканинг вице президентга ёки бош бошқарувчига бўйсунди.


12-чизмада ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда логистиканинг ташкилий тузилиши кўрсатилган.

Бунда ҳар бир маҳсулот тури бўйича логистика функциялари гуруҳларга ажратилган.

13-чизмада бошқариши марказлашган функциясига асосланган корхоналарда логистикани бошқаришни ташкилий тузилиши берилган. Логистикани бошқаришнинг бу шакли ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқувчи корхоналарга хос бўлиб, компанияларда эса юқори даражадаги марказлаштирилган бошқарув назоратидир.



11-чизма. Корхонада логистикани бошқариш



12-чизма Ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда логистик тизимнинг ташкилий тузилиши.



13-чизма Бошқаришни марказлашган функциясига асосланган корхоналарда логистикани бошқаришнинг ташкилий тузилиши.

НАЗОРAT ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Логистикада тақсимлашнинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Логистик тизимда тақсимотнинг асосий каналлари ва воситалари.
3. Логистика корхоналари ва хизматларининг ташкилий тузилиши.
4. Логистиканинг турли хил вазифавий хизматлари ва бошқарув соҳасида ўзаро ҳамкорлиги.

4-мавзу. ЛОГИСТИКАДА СТРАТЕГИЯ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

Режа


- 4.1. Стратегик режа ва уни тузиш тартиби.
- 4.2. Логистика фаолиятининг стратегия турлари.
- 4.3. Моддий оқимларни башорат қилиш ва стратегик режа кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари.

4.1. Стратегик режа ва уни тузиш тартиби

Логистик тизим тушунчаси логистика фанининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади.

Товар ва моддий оқимлар ҳаракати юқори малакали хизматчилар томонидан транспорт воситалари ва турли ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Логистик жараёнга турли иншоотлар, ускуналар бириктирилган бўлади. Демак, логистикада товар ва моддий бойликлар оқими шу ускуналарнинг ишга қай даражада шай бўлиши билан боғлиқ. Маълумки, тизим деб аталиши учун бир неча элемент, уларнинг бир мақсадга қаратилганлиги ва улар орасида боғловчи муносабат бўлиши керак. Логистик тизимда етказувчи ва истеъмолчи тизим элементи бўлса, улар орасидаги логистик муносабатлар уларни бир-бири билан боғлайди. Бутун логистик тизимнинг тузилишидан асосий мақсад истеъмолчи ва етказувчи эҳтиёжларини қондиришдир.

Юқорида айтилганлардан ташқари яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, логистик тизим ҳам бошқа тизимлар каби ташқи олам билан муносабатда бўлади. Шундай қилиб, логистик тизим тескари алоқага эга бўлган тизим, у ёки бу логистик вазифани бажарувчи мослашувчан тизимдир. Одатда, логистик тизимлар қўйи тизимларга ва ташқи муҳит билан узвий алоқага эга.



Логистик тизим

Логистик тизим чегараси

——— - материал оқими

----- - молиявий ресурслар оқими

Логистик стратегия корхона фаолияти стратегиясининг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим.

Логистик тизим стратегиясини ишлаб чиқишда унинг таркибига транспорт операциялари ва харажатлар, қувват, алоқа, буюртмаларни қайта ишлаш, захираларни бошқариш назорат ва режа тизимлари ҳамда тизим ташкилий тузилмаси киради.

Логистик стратегияни ишлаб чиқишнинг андозавий техник усулларида бири харажатлар ва хизматлар орасидаги логистик мувозанатни таҳлил этишдан иборат. Бундан ташқари яна бир элемент - комплекслилик бўлиб, у ўз ичига: таъминот ҳамда захира манбалари сони, товар ҳамда қадоқлаш номенклатураси, буюртма тушадиган манбалар ва

товарларни юклаш манзиллари сони, мавсумийлик, ишлаётган марказлар сони кабиларни олади.

Хўжалик стратегик муаммоларини ҳал этиш логистик тизимнинг ҳар бир функционал соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар гуруҳи қарорларига асосланади. Логистик тизим стратегиясини ишлаб чиқиш икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда, стратегик мақсад аниқланади ва хўжалик ривожланиш йўналиши белгилаб олинади. Ушбу босқичда қуйидаги муаммолар ҳал этилиши кўзда тутилади:

1) Бозор талабининг ўзгариши. Турли тақсимлаш каналларидан ўтаётган товарлар ҳажмида бирор бир канал фойдасига силжишлар бўлишини кўрсатади.

2) Логистикага талабни ортишида. Тақсимлаш каналларидаги силжишлар логистикага талабнинг ортишида акс этмоғи лозим.

3) Товарларни Парето тамойили бўйича тақсимлаш. Товарларнинг чекланган ҳажмига асосий оқим тўғри келади.

4) Заҳиралар ҳажми ва мослашувчан ишлаб чиқариш тизими. Фирманинг бозор талабларига мослашувчан ишлаб чиқариш тизимининг тузилиши ва заҳиралар ҳажми қулай бўлиши лозим.

5) Фаолиятнинг айрим турларига эътибор. Нафақат оддий ёки махсус, балки фаолиятнинг ўзига хос турлари бўлган: истеъмол ёки махсус ишлаб чиқариш товарларини тамғалаш ва қадоқлаш кабиларга ҳам эътибор бериш керак.

6) Етказувчилар логистик кўрсаткичларини ошириш. Ушбу бўлим маҳсулотларни етказиш тадбирларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Биринчи босқичда фирма стратегияси ишлаб чиқилади (Узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар). Иккинчи босқични биринчи босқичнинг давоми десак бўлади. Бунда стратегияни амалга оширишга ёрдам берадиган тактикалар ишлаб чиқилади. Тактиканинг стратегиядан фарқи шундаки, у бозор шароитларига мос ҳолда ўзгарувчан ва қисқа муддатга мўлжалланади. 2-босқич 1-босқичда ишлаб чиқилган стратегик режа йўналишини таъминлайди. Иккинчи босқич қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) Ишлаб чиқариш қуввати. Логистик гуруҳ ишлаб чиқариш ҳажмининг компьютер моделларидан, маҳсулот ассортименти, бозорлар, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш қувватидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш қувватини аниқлайдилар.

2) Тақсимлаш миллий тизимлари (ТМТ) материал ресурслари ўзгаришларининг ТМТнинг ишлаб чиқариш қувватига таъсири ҳисобга олинади.

3) Кўтариш - транспорт ишлари. Бутун занжир (етказувчи-истеъмолчи)нинг ҳамма қисмлари самарали ишлашини кўтариш - транспорт тизимининг яхши ишлашига боғлиқ.

4) Транспорт турлари. Транспортнинг турли хиллари изланади ва ишлаб чиқариш тизими логистик талабларини қондиришнинг усуллари кўриб чиқилади.

5) Назорат тизимлари. Фаолият натижаларини ҳисоблаш ва назорат қилиш.

6) Етказувчилар. Молиявий натижалар.

7) Умум хўжалик режаси.

Логистика стратегиясининг корхоналар маҳсулотларини етказишда аҳамияти каттадир. Ҳозирда бозор муносабатлари шароитида логистик тизим ва унинг стратегия ва тактикасини тўғри амалга ошириш хизматлар ва товарларнинг истеъмолчиларга сифатли ҳолда етиб боришини таъминлайди. Шунингдек, тўғри тузилган стратегия бир қатор муаммоларни қисқартиради ва омбордаги заҳиралар қулайлигини таъминлайди.

4.2. Логистик фаолиятнинг стратегия турлари

Корхона логистика тизимининг стратегик режасини тузаётганда, у ишлаб чиқариш функционал стратегик режасининг ажралмас қисми бўлиши лозим. Тузилган стратегик режа

ишлаб чиқариш, маркетинг, ташкилий бўлим режаларини ўзаро боғлаб, умумий яхлитликни ташкил этиши лозим.

Логистик тизим стратегиясини ишлаб чиқаётганда қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

- 1) Транспорт операциялари - улардаги узилишлар.
- 2) Ишлаб чиқариш қуввати.
- 3) Алоқа (истеъмолчилар билан ўрнатилган алоқа).
- 4) Заҳиралар бошқарилуви.
- 5) Юклаш, ортиш тушириш ишлари.
- 6) Режа ва назорат тизими.
- 7) Ташкилий тизим.

Логистик стратегик режа тузиш 2-босқичдан иборат. Логистик стратегик режа тузилишининг 1-босқичида қуйидаги саволлар кўриб чиқилади.

1. Эҳтиёжларнинг ўзгариши.
2. Логистика тизими эҳтиёжининг ортиши.
3. Маҳсулот тақсимотининг Парето тамойили.
4. Заҳиралар ҳажми ва эгилувчан ишлаб чиқариш тизими.
5. Алоҳида фаолият турларига эътибор.
6. Эгилувчанлик.
7. Таъминотчилар логистик кўрсаткичларининг ортиши.

1-босқичда барча хўжалик функционал қисмлари ҳолати аниқланади ва фирма қийинчиликлари кўриб чиқилади, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилади.

2-босқичда фирманинг умумхўжалик функционал режалари ишлаб чиқилади ва булар 1-босқич стратегик йўналишини тасдиқлаши лозим. Стратегик йўналишга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш қуввати.
2. Миллий тақсимот тизими.
3. Юклаш, ортиш тушириш ишлари.
4. Транспорт турлари.
5. Назорат тизими.
6. Таъминотчилар.
7. Умумхўжалик режалари.

Логистик стратегик режа тузилиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва рақобатчиларнинг рақобатда ғалаба қозониш имконини яратади.

4.3. Моддий оқимларни башорат қилиш ва стратегик режа кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари

Ҳар бир режани тузиш, унинг кўрсаткичларини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлади. Логистика стратегик режаси кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари кўриб чиқадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

1. Капитал қўйилма қайтими ёки капитал қўйилмага олинadиган фойда.

Фойда $\times 100$

КҚ = -----

қўйилган капитал

бу ерда : КҚ капитал қўйилма.

2. Сармоя ҳажмига қараб - капитал қўйиш фойдага қўшимча равишда фойда олиш имконини яратади.

Логистика тизими сармоя лойиҳалари бир неча усуллар билан баҳоланади. Лекин логистик тизимда ҳар хил таҳлил учун бир хил, яъни тоза фойда ва ундан қоладиган қўшимча даромад ҳисобланади. Логистика тизими самарадорлигини ошириш учун қўйиладиган сармоя лойиҳалари чуқур таҳлил қилинган бўлиши лозим, у лойиҳанинг мақсади нима? Лойиҳага сарфланадиган харажат ва фойда миқдори қанча? Фирма ривож ва тараққий этишига ушбу лойиҳанинг таъсири қандай? Лойиҳа таъсирида фирманинг ташкилий тузилиши қандай ўзгаради, каби саволларга жавоб бериш лозим.

Сармоявий лойиҳага баҳо беришнинг бир неча усуллари бор ва улар қуйидагилар:

1. Ўз-ўзини қоплаш усули (метод окупаемости) энг осон ва энг содда ҳисоблаш усули бўлиб, логистика тизимига қўйилган сармояни қоплаш муддати аниқланади. Бунда сармоя суммасини даромадга бўлиб, неча йилда сармоя лойиҳаси қопланиши аниқланади. Бунини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

Бошланғич сармоя капиталини (суммаси) - 50000 доллар - Ин.

Йиллик фойда башорати - 45000 доллар - Дг

Йиллик харажат башорати - 35000 доллар - 3г

Йиллик қўйилма башорати - 5000 доллар - Вк

Ин 50000

Ток = ----- = ----- = 10 йил

Дг - 3г 45000 - 35000

Бу усул жуда қулай бўлиб, ушбу қулайлик камчиликларнинг ҳам келтириб чиқаради: бу формулада кўрсаткичлар шундай олинадики, 1 йилдаги кўрсаткичлар кейинги йилга мос келмаслиги мумкин.

2. Ўртача қоплаш усули (Метод среднего уровня отдачи) бу усулга амортизация ва капитал қўйилмаси киритилган. Бу усулнинг ҳам ўзига яраша афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Бу усулда ҳисоблаш қулай, лекин бунда ҳам 1000 доллар 5 йилдан кейин ҳам 1000 доллар қилиб олинган. Бу усулни қуйидаги мисолда кўрамиз.

Сармоя ҳажми - К - 80000 доллар

Йиллик даромад башорати - Ак - 60000 доллар

Йиллик харажатлар башорати - Рг - 48000 доллар

Амортизация - А - 8000 доллар.

Йиллик қўйилма башорати - Вг - 2000 доллар.

Капитал қўйилма қопланиш муддати - Ток - 10 йил

Фойдалилик - П.

В_ф 2000

П = ----- = ----- x 100 = 25 %

А 8000

Ўртача ўз-ўзини қоплаш 10 йил ичида 8000 минг долларни ташкил этди.

К 80000

Вот = ----- = ----- = 8000 доллар

Ток 10

3. Дисконтировкали усулнинг бир неча турлари мавжуд. Улар қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

S

P = -----

(1 + ч)ⁿ

Бу ерда : P - дисконтировка нархи , S - йил охирида олинадиган маблағ, $ч$ - % миқдори, $п$ - йиллар сони.

Буни қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин: Агар корхона сармоядан 10% фойда кўрадиган бўлса, 200 минг доллардан биринчи йил 220000 доллар, 2-йил 242000 доллар. Лекин дисконтировкани ҳисобга олганда 2 йил ичида бу сумма 165289 долларни ташкил этди.

$$P = \frac{S}{(1 + ч)^п} = \frac{200}{(1 + 0,1)^1} = 165289 \text{ доллар}$$

Баланс:

Бошланғич харажатлар	165289
10% биринчи йил учун	16529
1 - йил учун баланс	181818
10% иккинчи йил учун	18182
2 йил учун баланс	200.000

Соф дисконтировка баҳоси - дисконтировкаларнинг умумий баланси бўлиб, у энг кам дисконт даражасида тузилади.

Логистика лойиҳасини тузишда инфляцияни ҳам назарда тутиш лозим. Бундан қуйидаги формула келиб чиқади.

$$P = \frac{S}{(1 + ч + F)^п}$$

Бу ерда: P - келажак маблағларининг дисконт баҳоси,

S - йилнинг охирида олинадиган сумма, $ч$ - % миқдори

F - инфляция даражаси, $п$ - йиллар сони

Мисол: $ч$ - 10%; F = 15 % ; S = 200

4 йилдан кейин 200 долларнинг дисконт баҳоси қандай бўлади.

$$P = \frac{200}{(1 + 0,1 + 0,15)^4} = 81,96 \text{ доллар}$$

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Стратегия ва уни логистикада амалга ошириш.
2. Логистик тизимда стратегия ва тактика қандай тузилади.
3. Логистик фаолиятда стратегиянинг турлари.
4. Моддий оқимларни башорат қилишнинг мазмуни.
5. Логистик тизим кўрсаткичлари.

5-мавзу. ЛОГИСТИКАДА ТРАНСПОРТ НУҚТАИ НАЗАРЛАРИ

5.1. Транспорт воситаларининг турлари ва уларнинг моддий техника базаси.


5.2. Транспорт турларининг моддий- техника базаси.

5.3. Маҳсулотларни етказиб бериш тизимини бошқариш.

5.4. Автотранспорт ҳаракатланувчи таркиби ишининг техник фойдаланиш кўрсаткичлари.

5.1. Транспорт воситаларининг турлари ва уларнинг моддий техника базаси.

Транспорт одамлар ва юкларни ташишда бўладиган, моддий ишлаб чиқариш тармоғидир. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси моддий хизматлар ишлаб чиқаришга киради. Ижтимоий ишлаб чиқаришда транспортнинг ўрни 14-чизмада кўрсатилган.



14-чизма. Ижтимоий ишлаб чиқаришда транспортнинг ўрни.

Моддий оқимнинг биринчи хомашё манбаидан охири истеъмолчига ҳаракатидаги логистика операцияларининг муҳим қисми турли транспорт воситаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бу операцияларни бажаришга кетган харажатлар логистикага кетган умумий харажатларнинг 50 % ини ташкил этади. Бажарган ишига қараб, транспорт икки асосий гуруҳга бўлинади:

1. Оммавий фойдаланиладиган транспорт халқ хўжалигининг тармоғи бўлиб, юк ва йўловчи ташишда аҳолига ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Бу транспорт аҳолига ҳам алоқа йўли тизимида хизмат қилади. Уни кўпинча магистраль (магистраль қандайдир тизимдаги асосий бош чизиқ, бу ерда алоқа йўллари тизими) деб аталади. Оммавий фойдаланиладиган транспорт тушунчаси ўз ичига темир йўл транспорти, сув транспорти (денгиз ва дарё), автомобиль транспорти, ҳаво транспорти ва қувур транспортини олади.

2. Нооммавий фойдаланиладиган транспорт - ишлаб чиқариш ичидаги транспорт ҳамда нотранспорт корхоналарига тегишли бўлган транспорт воситаларининг барча шакллари. Транспортнинг нооммавий туридан фойдаланган ҳолда юклар ташишни ташкил қилиш ишлаб чиқариш логистикасининг предметиدير. Товар ҳаракатида каналларни танлаш масаласи логистика доирасида ечилади.

Транспорт логистикасининг предмети оммавий вазифадаги транспорт юк таъминотини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган комплекс масалалар ҳисобланади.

Транспорт логистикасининг вазифалари:

Транспорт тизимларини, жумладан транспорт коридорлари ва транспорт занжирларини ташкил этиш: транспорт жараёнларининг турли хил транспорт бирлигини режалаштириш (аралаш таъминлаш ҳолатида);

- * транспорт - омбор жараёнларининг технологик бирлигини таъминлаш;
- * транспорт жараёнини омбор ва ишлаб чиқариш билан режалаштириш;
- * транспорт воситаси турини танлаш;
- * транспорт воситасини текин таъминлаш;

* етказишнинг тўғри маркетурасини аниқлаш.

5.2.Транспорт турларининг моддий-техник базаси.

Транспорт турини танлаш масаласи логистика заҳираларининг қулай даражасини ташкил қилиш ва ушлаб туриш, қадоқлаш ва ўраш турини танлаш ва бошқа шу каби масалалар билан боғлиқ ҳолда ечилади.

Муайян бир маҳсулатни ташиш учун транспорт турини танлашда ҳар хил транспорт турларининг характерли хусусияти ҳақидаги ахборот асос бўлиб хизмат қилади. Логистика нуқтаи назаридан автомобиль, темир йўл, сув, ҳаво транспортининг камчиликлари ва афзалликларини кўриб чиқамиз.

1. Автомобиль транспорти. Асосий функцияларидан бири юқори тезликда юриш.

Автомобиль транспорти ёрдамида юкни (эшикдан эшиккача) керакли муддатда етказиб бериш мумкин. Транспортнинг бу тури етказишнинг мунтазамлигини таъминлайди. Бу ерда бошқа турларига нисбатан қадоқланишига камроқ талаблар қўйилади.

Автомобиль транспортининг камчилигига ташишга нисбатан юқори таннархи, яъни одатда автомобилнинг юк кўтариш қобилияти (энг кўп миқдор) бўйича олинадиган тўлов. Бу транспорт турининг бошқа камчиликларига юк тушириш ва ташиш, юкни ўғрилаш имконияти ва автотранспортни ўғирлаб кетиш имконияти борлиги, нисбатан юк кўтарилиш қувватининг пастлиги киради.

2.Темир йўл транспорти. Транспортнинг бу тури турли об-ҳаво шароитларида юкларнинг турли тўпламларини ташишга яхши мослашган. Темир йўл транспорти юкларни узок масофаларга ташиш ва ташишнинг мунтазамлиги имкониятини беради. Бу ерда юклаш, тушириш ишлари фойдали натижани ташкил қилиши мумкин.

Темир йўл транспортининг афзаллиги юкларни ташиш таннархининг нисбатан пастлиги.

3. Сув транспорти. Денгиз транспортининг камчиликларига тезлик пастлиги, юкларнинг қадоқланиши, ўралиши ва мустаҳкамланишига қаттиқ талаблар қўйилиши, жўнатиш частотаси пастлиги киради.

Ички сув транспорти. Юк таърифлари паст 100 тоннадан кўпроқ юкни 250 км дан узокроқ масофага ташишда бу транспорт тури энг арзон ҳисобланади.

Ички сув транспортининг камчиликларига етказиб беришнинг тезлиги паст бўлиши киради.

4. Ҳаво транспорти. Асосий афзалликлари: тезлиги, алоҳида районларга етказиш имконияти. Камчиликларига юк таърифларининг юқорилиги ва метео шароитлар киради (етказиб бериш жадвалига риоя қилиш имкониятини туширадиган метео шароитлар).

Транспорт турини танлашда таъсир кўрсатувчи асосий омил фарқланади.

4-жадвалда одамларнинг баҳоси юқори бўлиши бу омилнинг қанчалик яхшилигини билдиради.

**Транспорт турини танлашга таъсир қиладиган омиллар
бўйича турли транспортлар баҳоси**

Транспорт тури	Транспорт турини танлашга таъсир қилувчи омил					
	Етказиб бериш муддати	Юк жўна-тиш частотаси	Етказиб бериш жадвалига риоя қилиш ишончлилиги	Турли хил юкларни ташиш қобилияти	Худуднинг исталган нуқтасига юкни етказиш қобилияти	Ташиш қиймати
Темир йўл	3	4	3	2	2	3
Сув	4	5	4	1	4	1
Автомобиль	5	1	1	5	5	2
Қувур	5	1	1	5	5	2
Ҳаво	1	3	5	4	3	5

Автомобиль транспорти

Бу юклар ва йўловчиларни релсиз йўлларда ташувчи транспорт турига кириди. Улар асосан қуйидаги вазифаларни бажаради.

1. Юкларни магистраль транспорти (пароход, самолёт поезд ва ҳ.к.) га тушириш ва олиб бориш.

2. Саноат ва қишлоқ хўжалиги юкларини қисқа вақт ичида ташиш.

3. Юкларни қурилиш ва савдо учун ташиш.

4. Узоқ масофаларга автомобиль транспортида тез бузиладиган, қимматбаҳо, тез олиб борилиши керак бўлган транспортнинг бошқа турлари билан ташиш, тушириш, ортиш қийин бўлган юкларни ташиш.

Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг бирон-бир соҳаси автомобиль транспортисиз ўзининг вазифаларини бажара олмайди.

Автомобиль транспортига бўлган меҳнат ва пул сарфи бошқа транспорт турларидан кўпроқ бўлса ҳам иқтисодиётнинг ҳамма босқичларида кенг ёйилган. Автомобиль транспортида юкларни ташиш иқтисодий самаралидир. Айниқса, юкларни “эшикдан то эшикка” ташишда, юкларни ортиш ва туширишга сарфланган харажатлар юкларнинг йўлдаги вақтларини қисқартиради.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондириш даражасида ривожланган автомобиль транспортига эга. Республика юк машиналари, жумладан, Дружба шаҳар автомобиль заводида “Мерседес-Бенц” судровчи (таянч)лар вазифасига кўра ихтисослаштирилган (ўт ўчириш, ун, пахта, қурилиш материаллари ташиш, санитария ва бошқа) автомобиллар бор.

Республикада халқ хўжалигининг саноат, қишлоқ хўжалиги қурилиш, сув хўжалиги, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги, маданият, муҳофаа ва бошқа тармоқларда ихтисослаштирилган йирик автотранспорт корхоналари мавжуд.

1999 йил Республикада умумий фойдаланиладиган автомобиллар йўловчилар ташишга мўлжалланган 14,1 минг автобус, 4,3 мингдан ортиқ енгил машиналари ишлади. Республика бўйича 2892 автобус маршрутларида, жумладан, (593 та шаҳар, 1768 та шаҳар атрофи, 532 та шаҳарлараро) автобуслар қатнади. Автобуслар билан ҳар куни 5000 га яқин автобус қатнади. 1998 йили автобусларда 1879,6 млн. йўловчи ташилди. Умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи автомобиль транспортининг йирик корхоналари Узавтотранспорт давлат хиссдорлик корпорацияси таркибига кириди. Корпорация 1993 йил январда ташкил этилган. Корпорация таркибига хиссдорлик жамиятларига айлантирилган йўловчи ташишни амалга оширадиган 99та, юк ташиш билан шуғулланиладиган 99 та ва аралаш 67та автокорхоналар бор. Бу автокорхоналарда 14 мингдан

ортиқ автобус, 24,6 минг юк автомобили (10 мингга яқини ўзи ағдарувчи машиналар) бўлиб, уларда 1999 йили 220,6 млн. тоннага яқин юк ташилди. (жами транспорт турларида ташилган умумий юк ҳажмининг 24,7% автомобиль транспортида ташилган.).

Корпорациянинг “Ўзташиштранс” савдо транспорт бирлашмаси ва “Ўзбекавтотур” фирмаси халқаро юк ташиш ва йўловчилари қатновига хизмат кўрсатади. 1999 йил Австрия, Германия, Эрон, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатларга 16 минг тонна юк етказиб берилади. Кейинги йилларда корпорация аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиши ривожланмоқда. (1999 й. да 2000 мингдан ортиқ автомобиль турида хизмат кўрсатилди.). Шаҳарлараро юк ташишни “Ўзавтотранс” ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари “Ўзавтотранстехника” ИИБ, “Ўзавтотранс” концерни конструкторлик-технология бюроси ҳиссдорлик жамияти амалга оширди.

Тармоқ корхоналари учун муҳандис-техник ходимлар 12 мутахассислик бўйича Тошкент автомобиль ва йўллар институтида, Қўқон, Бухоро, Урганч, Тошкент автомобиль ва йўллар техникумида тайёрланади. “Ўзавтотранс” корпорацияси ҳузурида 15 та автомобиль ўқув комбинати ва уларнинг 100та филиали ишлайди. Автомобиль транспорти тизимида Ўзбекистон ҳиссдорлик суғурта компанияси йўловчиларни суғурта қилиш ишлари билан шуғулланади.

Темир йўл транспорти.

Халқ ҳўжалигида темир йўл транспортининг йўловчилар ҳамда юк ташишда салмоғи катта. Республика темир йўл транспорти МДХ доирасидаги қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни амалга оширишда муҳим ўринда туради. 1999 йилда Республикада халқ ҳўжалигига тегишли умумий узунлиги 6,6 минг км, шу жумладан, умумий фойдаланиладиган қисмининг узунлиги 25 минг км, асосан саноат корхоналарига тортилган темир йўл узунлиги 3,1 минг км ни ташкил этади. 1994 йил ноябрда Ўзбекистон Республикасида жойлашган темир йўл корхоналари ва бўлинмалари, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотлари ва муассасалари негизда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-ҳиссдорлик компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси мамлакат мустақиллиги ва иқтисодиёти учун ўлкан аҳамиятга эга бўлган Хитой, Корея, Япония, Эрон, Туркия ва Ғарбий Европанинг жануби билан туташтирадиган “Трансosiё” магистрали (Истамбул-Тошкент-Олма ота-Пекин) қурилишида ҳиссабай иштирок этмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” 50 мингдан ортиқ турли юк вағони ва Германияда тайёрланган рефрижираторлари, 1450 йўловчилар ташиладиган вағонга эга. Компаниянинг темир йўлдан фойдаланишига масъул бўлган Тошкент, Фағона, Бухоро, Орол бўйи, Қарши бўлимлари бор. 1999 йил умумий фойдаланиладиган темир йўл транспортида 46,2 млн.т юк ташилди. 20 тоннали контейнерлар билан юк ташиш Республикадаги 11 станцияда амалга оширилди.

Ташиладиган юкларнинг асосий қисмини қурилиш материаллари, булардан 21 % тахта, 3% нефть ва нефть маҳсулотлари 35 %, ғалла, цемент, кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитлар, кўмир, сабзавот ва бошқа халқ ҳўжалиги юклари ташкил этади. 1999 йил темир йўл транспортида 14,4 млн. йўловчи ташилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишда айниқса шаҳарлар атрофидаги қатновда электропоездлардан тобора фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг ягона темир йўл тармоғини вужудга келтириш бўйича Навоий-Нукус йўналишларида темир йўлни қайта қуриш ва электрлаштириш бошланди. Урганч-Беруний электрлаштирилган янги темир йўл қурилиши бу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Республикада поездлар ҳаракатини бошқариш ягона диспетчерлик маркази Тошкентда амалга оширилади. Поездлар ҳаракатини бошқариш тизимларида автоматлаштирилган хизмат кўрсатадиган юқори қувватли ахборот ҳисоблаш маркази ишлаб турибди.

Йўловчилар ташувчи энг юқори тезлиги 100 км соатни, юк ташувчи поездларнинг тезлиги 80 км соатни, станциялараро йўлларда йўловчилар ташувчи поездлар 60 км соат. юк ташувчи поездлари 35 км соат тезликда ҳаракат қилади. “Ўзбекистон темир йўл” компаниясининг локомотив парки янги турдаги тепловозлар, электровозлар, электропоездлардан ташкил топган. Йўловчилар ташиладиган ва юк вагонларини таъмирлаш, темир-бетон шпаллар тайёрланади. Тошкент, Ховос, Қўқон, Андижон локомотивларини таъмирлаш ўзлаштирилган. “Ўзтемирйўлтаъмирлаш” ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси Тошкент тепловозларнинг завод таъмири ҳамда йўловчилар ташиладиган вагонларнинг қайта таъмирланиши, Пахтаобод заводида ёпик вагонлар, платформалар ва ярим вагонларни таъмирлаш амалга оширилади.

Ҳаво йўл транспорти

Ўзбекистон жаҳондаги кўп мамлакатларнинг пойтахтлари, йирик шаҳарлар саноат марказлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган. Республика мустақилликка эришгандан сўнг 1992 йили январдан собиқ Иттифок тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243 таъмирлаш заводи, “Авиақурилиш” бирлашмасига қарашли “Авиамаҳсусмонтажсозли” негизда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ташкил этилди. Республиканинг айниқса хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий, туристик алоқаларини йўлга қўйишда мамлакатнинг ўз транспорти муҳим роль ўйнапти. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” нинг бир қанча Осиё ва Европа, Америка мамлакатларида ваколатхоналари очилди. 1993-99 йилларда 19 янги халқаро маршрутларда самолётлар қатнови йўлга қўйилди. 1991-99 йилларда халқаро маршрутларда ташилган йўловчи сони 30 мингдан 245 мингга етди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Германия, Франция, Россия фирмалари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йилда шундай ҳамкорлик натижасида Европанинг йирик “Эирбас индустри” концернидан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси сотиб олган Эирбас А-310-300 аэробуслари халқаро маршрутлари йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси қуйидаги ҳаво кемаларига эга: қишлоқ хўжалиги ишларига мўлжалланган АН-2, миллий ҳаво йўлларда қатнайдиغان АН-24, ЯК-40 халқаро классдаги ИЛ-86, ТУ-154, А-310, В-767 каби самолётлар, вертолётлар паркида МИ-2, МИ-8, КА-26 каби машиналар бор.

Вилоят марказида аэропортлар ТУ-154, Самарқанд, Наманган, Урганч, Термиз аэропортлари ИЛ-62, ИЛ-72, Нукус аэропорти ИЛ-86, А-310 аэробусларини қабул қилишга қодир. Тошкент, Самарқанд, Термиз аэропортлари халқаро мақомга эга. Республика ҳукумати қарорига кўра, Учқудукда жаҳондаги энг илғор андозаларга мос келадиган катта янги аэропорт қуришга тайёргарлик бошланган.

Республика авиация транспорти учун учувчилар, техника хизмати таркиби, ердаги хизмат ходимлари миллий авиакомпаниянинг учуш-ўқув техника марказида ва Тошкент авиация институтида тайёрланади.

Сув транспорти.

Сув транспорти деб, сув орқали юкларни ёки йўловчиларни ташувчи транспортга айтилади. Ташиш табиий (дарё, денгиз, кўллар, океанлар) орқали ва сунъий (канал, сув омборлари ва ҳ.к.) йўли билан амалга оширилади.

Сув транспорти 2 га бўлинади:

1. Денгиз орқали
2. Ички сувлар орқали.

Дарё транспорти. Бу юклар ва йўловчилар асосан ички сув йўллари орқали ташувчи транспорт турига киради. Дарё транспорти қуйидагиларга бўлинади.

1. Магистрал дарё йўллари ёки халқаро давлатлар ўртасидаги ташқи савдони амалга оширишга хизмат қилиш. Дунай, Одер, Рейн, Амур.

2. Районлараро. Давлат ичидаги йирик районлараро ташиш киради. Волга, Миссисипи, Амударё.

3. Маҳаллий, яъни районлараро юкларни ташишни амалга ошириш.

Дарё транспорти, бир неча давлатларда мавсумий иш кўрсатишига қарамай, транспортнинг бошқа турларига қараганда анча самаралироқдир. Масалан, катта дарёларда кемачиликни ташкил қилишнинг биринчи босқичидаги харажатлар темир йўлни ташкил қилишдаги харажатлардан 8-10 марта арзон. Магистрал дарёларда юкларни ташиш темир йўл нархларидан 55 %, автотранспортдан 3-5 баробар арзон бўлади.

1999 йилга келиб, Ўзбекистонда сув йўлларининг умумий узунлиги 2800 км га етди. Амударё Панждан Мўйнокқа қадар пароходлар қатнови амалга оширилди.

Дарё сувининг камайиши ва Орол денгизининг қуриб бориши натижасида сув йўллари кескин қисқарди, аммо шунга қарамай, 1999 йили дарё транспортида 1420 минг т. юк ташилди. Ўрта Осиё пароходчилиги Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон ўртасида тақсимланди. 1994 йили май ойида Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. Ўрта Осиё пароходчилиги Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида “Термиз дарё порти”, “Қорақалпоғистон дарё флоти” ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. Ўзавтотранс корпорацияси ҳузурида дарё флоти ишини мувофиқлаштириш бўйича бошқарма тузилди. Республикада Термиз дарё порти, Шорловук, Тўрткўл, Беруний, Қоратоғ, Хўжайли бандаргоҳлари, Амударё орқали Тўрткўл-Хонқа, Чалиш-Беруний сўзма кўприклари, Хўжайли кема таъмирлаш заводи ишлаб турибди. Термиз порти 2,5 млн.т юк қабул қилиш, жўнатиш қувватига эга. Афғонистоннинг Хайратон бандаргоҳи орқали экспорт-импорт юклари етказиб беришда халқаро, шунингдек биржалар, землесослар, сузувчи порт кранлари ва бошқа ёрдамчи кемалар, техника воситалари бор. Республика сув йўлларининг умумий узунлиги 1000 км га яқин. Халқ хўжалиги юклари асосан Термиз-Хайратон, Шорловук-Тўрткўл, Хўжайли-Тўрткўл, Хўжайли-Беруний, Қоратоғ-Тахياتош йўналишларида ташилади. 1999 йил дарё флотида 132,7 минг т юк ташилди. Ўзбекистоннинг порт ва бандаргоҳлари темир йўллари билан боғланган. Дарё флоти учун мутахассислар Чоржўй дарё техникуми ва Одесса флоти инженерлари институтида тайёрланади.

5.3. Маҳсулотларни етказиб бериш тизимини бошқариш

Логистиканинг ривожланиши транспорт сиёсатида сезиларли таъсир кўрсатди. Фирмалар хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш ва транспорт ишларининг синхронизациясини таъминлаш Конбан (аниқ муддатга) тизимларида кенг қўлланилади. Транспортда буни қўллашнинг моҳияти шундаки, агар асосий ишлаб чиқаришда қатъий жадвал бўйича технология, яъни мавжуд материаллар, хомаше, яримфабрикат ва комплектлаш буюмлари захиралари ҳажми ҳақидаги ахборотлар қўлланса, унда логистика ташкилотлари мос равишда қисқа оралиқларда (Конбан тизими) ва қатъий белгиланган вақтда (аниқ муддатда) амалга оширилади. Бу технология бўйича юкларнинг ҳажми ва берилиши аниқ вақтда бўлади. Масалан, автомобиль йиғиш заводининг асосий конвейеридан автомобиль омборга эмас, балки вагонга тушади ва айни бир вақтда ЭХМ томонидан бошқариладиган юклаш қурилмаси, автомашиналарнинг навбатдаги тўдасини юклаш учун кейинги вагонни кўяди. Бу технология қиммат турадиган омбор хўжалигисиз ишлашга имкон беради ва капитал айланишини тезлаштиради. Натижада материаллар захираси нормативи қисқаради. Масалан, Японияда уларга 2 ва 5 суткалик эҳтиёж бўлса, (Ниссан) автомобиль йиғиш заводида комплектлаш буюмлари захираси фақат 2 соатга мўлжалланган (аниқ муддатга) тизимида ишлашга ўтиши товарлар реализациясига кетадиган вақтни 2 мартага қисқартиради. 70-80 йиллардан бошлаб, транспорт ва ишлаб чиқаришга хизмат

кўрсатиш органик бирикиб, ягона ишлаб чиқариш транспорт-тақсимот тизимига айланди. Транспортга катта тизим, яъни логистик занжирнинг таркибий қисми, деб янгича ёндашиш, уни ҳар хил аспектларга қўйиб чиқиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Бунда транспорт материал техник таъминот тизимида ишлаб чиқарувчидан тортиб, сўнгги истеъмол қилувчигача бўлган ораликда қаралади. Автомобиль транспортини эркинлаштириш ва аниқ муддат тизими унинг фаолият доираси кенгайишига олиб келди. Автомобиль транспортда одатда қисқа ва ўртача узокликда ташиладиган бўлса, АҚШ да 1600 км гача бўлган масофада комплекшлаш буюмлари ва тайёр маҳсулот ташишда ундан фойдаланилмоқда. Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам нафақат ички, балки халқаро миқёсда автомобиль транспорти салмоғи кўтарилди. Аниқ муддат тизимида темир йўл транспорти автомобиль транспортига нисбатан унчалик қўл келмайди. 80-йилларнинг охирига келиб, АҚШ да бу логистик тизимда ишловчи ишлаб чиқариш фирмаларининг 49 %, темир йўл хизматидан фойдаланиш даражасини туширди. Бир қанча фирмалар улар хизмати даражасини сақлади ва фақат 2 % фирмалар ундан фойдаланишни кўпайтирди. Лекин, бу янги тизимда темир йўл транспортдан фойдаланиш камайиши керак, дегани эмас. Темир йўл транспортнинг контейнер ва поездларнинг ҳаракати тезлиги жуда ҳам фойдали. Темир йўл транспортда юк етказишни тезлаштириш мақсадида контейнер таъминотини кенгайтириш мумкин.

Логистик занжирда ички сув транспортининг қўлланиши маълум даражада кўпчилик давлатларда масъулиятлилиги билан чеклангандир. Лекин ички сув йўллари автомобиль йўлларига нисбатан муқобил транспорт сифатида фойдаланилади. Аниқ муддат тизимини қўллаш натижасида сув транспортда юк етказиш тезлигини ошириш зарур бўлган пайтда қўллаш, кенгайди.

Жаҳон хўжалиги амалиётида логистик концепциянинг тебраниши маълум даражада денгиз ва ҳаво транспортда қитъалараро юк ташиш ҳажмининг ортишига олиб келди. Авиация орқали юк ташишлар ички мулоқатларда ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, аниқ муддат тизимида ишловчи фирмаларнинг фаолиятида ҳаво транспортга бўлган талаб 29 % га ўсди, фақат 5% фирмалар унинг хизматини тадбиқ этмадилар.

“Қатъий график” тизими бўйича ишлайдиган логистик тизим товар ва материалларни сотиш, улар билан таъминлаш ишларида юқори самарага эришган, чунки юкларни йиғиш ва тақсимлаш билан шуғулланадиган янги хизмат турини ишлаб чиққан. Натижада ўтказилаётган операцияларга қамроқ маблағ сарфланади, ва хизмат кўрсатишнинг юқори сифати таъминланади.

Транспорт тизимлари, жумладан транспорт коридорлари ва транспорт занжирларини ташкил этиш: транспорт жараёнларини турли транспортлардан бирига режалаштириш (аралаш томойиллари ҳолатида):

- Транспорт-омбор жараёнларининг технологик бирлигини таъминлаш;
- транспорт жараёнини омбор ва ишлаб чиқариш билан режалаштириш;
- транспорт воситаси турини танлаш;
- транспорт воситаси турини таъминлаш;
- етказишни рационал марнатурасини аниқлаш.

Маҳсулот етказиб беришда асосан автотрансларни маршрут бўйича ҳаракат қилиши тушунилади. Маҳсулотни автомобиль транспорти билан етказиб беришда, асосан етказиб беришни кам харажатлигини ва автомобилни ҳаракатини меҳнат унумдорлигини камайишни ташкил қилиш кўзда тутилади. Автомобиль транспортда маҳсулотларни етказиб бериш қуйидаги 2 усулда амалга оширилади:

- а) Маятник усулида;
- б) Ҳалқа усулида.

Маятник усули асосан 2 та юк ташиш пунктини ўзаро боғлайди ва бу жараён такрорланади. Ҳалқа усулида эса автомобилни бир неча ишлаб чиқувчи ва истеъмолчини боғлайди.

5.4. Автотранспорт ҳаракатланувчи таркиби ишининг моддий- техник базаси

Транспорт турини танлаш масаласи логистика заҳираларининг энг қулай даражасини ташкил қилиш ва ушлаб туриш, қадоклаш ва ўраш турини танлаш ва бошқа шу каби масалалар билан боғлиқ ҳолда ечилади.

Муайян бир маҳсулотни ташиш учун транспорт турини танлашда ҳар хил транспорт турларининг характерли хусусияти ҳақидаги ахборот асос бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни истеъмол қилувчилар учун характерли бўлган логистиканинг асосий ҳолати (истеъмомчининг устунлиги, сервиснинг юқори даражаси, бажариш вақтининг қисқариши ва бошқалар) транспорт тармоғидаги корхоналарга боғлиқ транспорт хизматлари бозорининг рақобат мавжуд бўлган шароитда, фарқли томони шундаки, транспорт тармоғидаги корхоналар бу масалани комплекс қарор қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқади. Бундай сиёсатга транспорт жараёнини комплекс юзага келтиришга қаратилган барча қарорлар ва ҳаракатлар киради.

АҚШ да логистика фаолиятидаги юк ташувчи фирмаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, транспорт фирмалари ўз фаолиятини деверсификациялаши яхши натижалар бермоқда. Бу харидорларни жалб қилиш, даромадни ошириш, янги технологияларнинг кириб келишини тезлаштиради, транспорт хизмати бозоридаги ҳолатни мустаҳкамлайди.

Ўз навбатида, кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналари кўпгина логистик вазифаларни бажаришдан ўзини олиб қочади.

АҚШ иқтисодиётининг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган 350 та корхонани тадқиқ қилишдан шу нарса аниқландики, уларнинг 70 % юкларни ташиш бўйича ҳисоб-китобини расмийлаштириш ва амалга ошириш вазифаларини транспорт фирмаларига берган. Тахминан 20-22 % корхоналар юк ташиш бўйича баҳони белгилаш, омбор операциялари ва товар етказишнинг қулай маршрутини аниқлаш кабилар билан боғлиқ ишлардан транспорт корхоналари ҳисобига ўтказган.

Транспорт фирмалари амалиёти кўрсатмоқдаки, қўшимча хизмат кўрсатиш яхши натижалар бермоқда. Ўз вазифаларининг баъзиларини транспорт фирмаларига берган, ишлаб чиқарувчи фирмалар ҳам эндиликда асосий фаолияти самарадорлигини таъминлашга эътибор бермоқда.

Транспорт корхонасининг коммуникация доирасидаги сиёсатига таклиф қилинаётган хизматлар ҳақидаги ахборотни миждозларга етказиш ва харидорларга имкон борида катта ҳажмда хизматлардан фойдаланишда таъсир ўтказиш мақсадлари киради. Бу сиёсатнинг иккинчи мақсади, транспорт ва юк жўнатувчи фирмалар ўртасидаги ўзаро алоқада ҳисоблаш техникасини қўллаш ва маълумотларни электрон алмашиш асосида ривожлантириш ва мукаммаллаштириш.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Транспорт логистикасининг моҳияти ва вазифалари.
2. Транспорт тизими турлари ва унинг техник- иқтисодий хусусиятлари.
3. Транспорт турларининг моддий техника базаси.
4. Автотранспорт ҳаракати маршрути деб нимага айтилади?
5. Маҳсулотларни етказиб бериш тизимини бошқариш.

6-мавзу: ЛОГИСТИК ТИЗИМДА ЗАҲИРАЛАРНИ БОШҚАРИШ

- 6.1. Заҳираларни бошқариш ва товар сиёсати.
- 6.2. Заҳираларнинг белгиланиши ва турлари.
- 6.3. Моддий заҳираларни бошқариш тизими.

6.1. Заҳираларни бошқариш ва товар сиёсати

Табиатдан олинган хомашё охирги истеъмолчига тайёр маҳсулот кўринишида етиб боргунга қадар ҳаракатланади, бошқа материаллар билан алоқада бўлади, унга қайта ишлов берилади ва ҳоказо. Моддий ҳаракатланувчи занжир бўйича ҳаракатланиб, хомашё (кейинчалик ярим тайёр ва тайёр маҳсулот) доимо тўхтаб қолади, у ёки бу ишлаб чиқариш ёки логистика операциясида ўз навбатини кутади. Заҳиралар тўғрисидаги умум қабул қилинган таъриф қуйидагилар: моддий заҳира - ишлаб чиқариш ва муомаланинг ҳар хил босқичларида бўлган саноат - техник мўлжалдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол жараёнига киришни кутаётган халқ истеъмоли товарлари ва бошқа товарлардир.

Заҳираларни ташкил этиш доимо харажатлар билан боғлиқдир. Заҳираларни ташкил қилиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган асосий харажатлар қуйидагича:

- Музлатилган молия маблағлари;
- махсус жиҳозланган хоналарни ташкил этиш бўйича харажатлар;
- махсус ходимларнинг иш ҳақлари;
- бузилиши, ўғрилиқнинг доимий таваккали.

Заҳираларнинг мавжудлиги - харажатлар. Аммо заҳираларнинг мавжуд эмаслиги ҳам харажатлар, лекин улар ҳар хил йўқотишлар шаклида бўлади. Заҳираларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлган асосий йўқотишлар қуйидагича:

- ишлаб чиқаришнинг туриб қолишидаги йўқотишлар;
- талаб мавжуд бўлган вақтда омборда товар йўқлиги натижасидаги йўқотишлар;
- юқори нархларда кичик ҳажмдаги товар тўдаларини сотиб олиш натижасидаги йўқотишлар ва бошқалар.

Қуйидаги моддий заҳираларни ташкил этиш учун қандай асослар борлиги санаб ўтилган:

- Мустаҳкамланган етказиб берилиш жадвалининг бузилиши эҳтимоли. Бунда ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолмаслиги учун заҳира керакдир. Бу асосан узлуксиз ишлаб чиқариш даврига эга бўлган корхоналар учун муҳимдир;
- талаб тебраниши эҳтимоли. Бирор бир товар гуруҳига талабни олдиндан айта билиш мумкин, аммо аниқ товарга талабни истиқболлаш қийиндир. Шунинг учун товарнинг етарли заҳирасига эга бўлинмаса, талабнинг қондирилмаслик эҳтимоли бор, яъни мижоз орқага харидсиз ва пул билан қайтади;
- баъзи товар турларининг мавсумий ишлаб чиқариш тебранишлари - асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тегишлидир;
- йирик товар тўпламасини сотиб олганлик учун чегирмалар ҳам заҳираларни ташкил этиш сабаби бўлиб қолиши мумкин;
- олиб сотарлик (спекуляция) - баъзи бир товарлар нархи тез кўтарилиши мумкин. Бу нарх кўтарилишини олдиндан кўриб билган корхона бозор нархининг кўтарилиши натижасида фойда олиш мақсадида товарлар заҳирасини ташкил этади.
- буюртмани қайд этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳар бир янги буюртмани қайд этиш қатор маъмурий характердаги харажатлар билан боғлиқ (етказиб берувчини кидириш, у билан музокаралар ўтказиш, меҳнат йўлланмалари ва бошқалар). Бу харажатларнинг буюртмалари сонини камайтириш натижасида, янги буюртирилган тўдалар ҳажмини ошириш натижасида ва заҳирани ташкил этиш натижасида камайтириш мумкин;

- ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича жараёнларни бир текис ташкил этиш имконияти. Фаолиятнинг бу икки тури бир-бири билан боғлиқдир: ишлаб чиқарилган маҳсулот тақсимланади. Заҳиралар мавжуд эмаслигида тақсимлаш тизимидаги моддий оқимлар тезкорлиги ўзгаришига мос ҳолда ўзгаради. Тақсимлаш тизимидаги заҳираларнинг мавжудлиги реализация жараёнини ишлаб чиқаришдаги шарт-шароитдан қатъий назар, мунтазам ташкил этишга имконият яратади. Ўз навбатида ишлаб чиқариш заҳирасининг мавжудлиги хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беришдаги узилишларни текислайди, ишлаб чиқариш жараёнининг текис боришини таъминлайди;

- харидорларга зудлик билан хизмат кўрсатиш имконияти. Харидорнинг буюртмасини қуйидаги усулларнинг биридан фойдаланиб, бажариш мумкин:

- а) буюртма қилинган товарни ишлаб чиқариш;

- б) буюртма қилинган товарни сотиб олиш;

- в) буюртма қилинган товарни мавжуд бўлган заҳирадан олиб бериш.

Сўнгги усул энг қиммат усул ҳисобланади, чунки заҳиралар сақланишини талаб этади. Аммо рақобат шароитида буюртмани тезда бажариш харидор учун курашда ҳал қилувчи омил ҳисобланиши мумкин;

- эҳтиёт қисмлари йўқлиги натижасида ишлаб чиқаришнинг туриб қолишини минимумга олиб келиш;

- ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнини енгиллаштириш. Корхона ичида ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар хил босқичларида ярим тайёр маҳсулотлар заҳираларини яратиш.

Юқорида санаб ўтилган сабаблар шуни кўрсатадики, тадбиркорлар ишлаб чиқаришда ҳам, савдода ҳам заҳираларни ташкил этиши лозимдир, акс ҳолда муомала харажатлари кўпаяди, яъни фойда камаяди.

Заҳирларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишга корхоналарнинг товар сиёсати эътиборга олинади. Товар харидорнинг эҳтиёж истакларини қондириш, унга фойда олиб кела оладиган физик объект ёки хизмат, шунингдек символик хусусиятлар ва мажбуриятлар. Шу томондан товар харидор нуқтаи назаридан кўрилади. Харидор фақатгина товарни физик объект сифатида эмас, балки бу товар сотилишига ёрдам берадиган хизматларни ҳам сотиб олади. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, товарлар моддий, хизматлар эса мавҳум, аммо биринчилари ҳам, иккинчилари ҳам харидорнинг талабини қондиришга мўлжалланган ва логистиканинг ўрганиш предмети ҳисобаланди.

Логистикада товар тушунчаси ўз ичига ҳақиқий товарни моддий шаклда олади, хизмат эса - товарнинг ҳаракатланиш усуллари, сотиш, рағбатлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнлари тушунилади.

Товар бирламчи, яъни маҳсулотнинг аниқ махсус турида кўриниши мумкин. Товар ассортименти ва товар номенклатураси тушунчалари мавжуд. Товар ассортименти - ўзаро бир ёки ундан кўп белги бўйича бир-бири билан бўлган товар гуруҳидир: умум харидор гуруҳи, умумтақсимлаш канали, нархларнинг ўхшаш кенглиги. Товар номенклатураси - савдога таклиф этиладиган барча товар ассортименти гуруҳлари товар бирликларининг йиғиндисидир. Товар номенклатураси уч кўрсаткич билан характерланади:

1. Кенглик ;

2. чуқурлик;

3. кетма - кетлик.

Товар номенклатурасининг кенглиги - ҳар бир ассортимент гуруҳининг умумий йиғиндиси.

Товар номенклатурасининг гуруҳлилиги - ҳар бир ассортимент гуруҳида алоҳида товар турининг сони.

Товар номенклатурасининг кетма-кетлиги - охиригистеъмол, тақсимлаш каналлари ва бошқа кўрсаткичлари нуқтаи назаридан ҳар хил ассортимент гуруҳ товарлар ўртасидаги яқинлиги даражасини белгилайди.

Товар сиёсати маҳсулот захираларини корхоналарда шакллантиради. Логистикада “аниқ муддат” тамойили захираларни қисқартириш ёки йўқотган учун харидда ишлатилади. Керакли материал мос бўлган товар тақсимлаш марказида, керакли вақтда ва уни буюртмадан сўнг, йўқотишларсиз ва яхши ҳолатда етказиб бериш кўзда тугилади.

“Аниқ муддатга” тамойили узок муддатга мўлжалланган ва хизмат кўрсаткичларининг юқори сифатини таъминловчи бир кечада ишончли етказиб берувчиларни кўзда тутати. Ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар орасидаги яқин ҳамкорлик буюртмани лойиҳалаштириш, сифат устидан назоратни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг барқарор жадвалларини ишлаб чиқишда ўзаро алоқадорликни кўзда тутати.

Бу услуб бўйича маҳсулотнинг омадли сотилиши учун транспорт тури ва товарни унга ортиш тури катта аҳамиятга эга. Шунингдек, айрим компаниялар “аниқ муддатга” услубидан фойдаланиш учун, етказиб берувчилар сонини камайтириб, уларни ўз корхоналарига географик яқинлаштирадилар.

6.2. Захираларнинг белгиланиши ва турлари

Айтиб ўтилганидек, захира тушунчаси моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини қамраб олади, чунки хом ашёнинг биринчи манбадан сўнгги истеъмолгача бўлган ҳаракатида моддий оқим барча майдончаларда захира кўринишида йиғилиши мумкин. Бунда ҳар бир майдончада моддий захираларни бошқариш ўз хусусиятига эга. Хомашёни маҳсулотга айлантириш йўлида ва бу маҳсулотнинг сўнгги истеъмолчига етказилишида захираларнинг икки асосий тури ташкил этилади: (15-чизма)

1. Ишлаб чиқариш захиралари;


2. товар захиралари.

Ўз навбатида бу захиралардан ҳар бири уч турга бўлинади:

а) Жорий захиралар;

б) суғурта захиралари;

в) мавсумий захиралар.



15-чизма. Моддий захираларининг асосий тури.

Захиралар етказиб берувчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасидаги бевосита боғланишни кучсизлантириш учун хизмат қилади. Захиралар мавжудлиги ишлаб чиқаришни оптимал хизматдаги партиялар билан етказиб берилаётган хом ашё билан таъминлашга, шунингдек, хомашёни оптимал ҳажмдаги тайёр маҳсулотга айлантиришга имкон беради. Хом

ашё заҳиралари шу хомашёни етказиб берувчининг маҳсулот ишлаб чиқарувчига бўлган боғланишини кучсизлантиради; ишлаб чиқариш жараёнида бўлган ярим тайёр маҳсулотлар заҳираси алоҳида цехларнинг бир-бирига бўлган боғланишини камайтиради.

Заҳиралар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Буфер заҳиралар етказиб берувчилар ва истеъмолчилар орасида ташкил этилади. Бу заҳиралар материаллар ҳаракати билан боғлиқ бўлган қопламалар учун, ўз вақтида етиб келмасликни тўлдириш, маҳсулотни харид қилиш имкониятини таъминлаш учун, шунингдек, маҳсулотни қулай ҳажмдаги партиялар билан ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

2. Тайёр маҳсулот заҳиралари қулай ҳажмдаги маҳсулот партиялари билан ишлаб чиқаришни таъминлаш, кутилаётган талабни қондириш, ҳақиқий талабнинг истиқболлашган заҳирадан фарқланишини қоплаш мақсадларига хизмат қилади.

3. Ушланиб қолишларни қоплаш учун заҳиралар материал ресурсларнинг ҳаракатланиши билан боғлиқдир. Агар ушланиб қолиш вақти маълум бўлса, бундай заҳиралар ҳажмини аниқлаш қийинчиликлар туғдирмайди.

4. Кутилаётган талабни қондириш учун керак бўлган заҳиралар истиқболлашаётган талабни қоплаш учун хизмат қилади. Талабнинг ҳажми ва вақти аниқ ҳисоблангани учун бундай заҳираларнинг аниқланиши қийинчиликлар туғдирмайди.

5. Кафолат (гарантия) заҳираси талабнинг аниқлаб бўлмайдиган ўсишини қондириш учун хизмат қилади. Бу заҳираларнинг мавжудлиги ҳақиқий талабнинг истиқболлашаётган талабдан фарқини қоплайди.

Логистика концепциясининг амалиётдаги қўлланиши корхона ва фирмаларда ялпи заҳираларнинг мувофиқлиги билан боғланади. Заҳираларни қулайлаштириш мезони харид бўйича харажатлар маҳсулотнинг йўқлиги натижасида ҳисобланади.

Харид бўйича харажатларга қуйидагилар киради: буюртмани қайд этиш бўйича харажатлар, етказиб берувчилар билан етказиб берилган товарлар ва коммуникация ҳақида шартномани қайд этиш бўйича харажатлар, агар транспортда ташиш нархи қабул қилинаётган товарнинг нархига кирмаса, транспорт харажатлари, товарни қабул қилиш ва омборда сақлаш харажатлари. Буларнинг айримлари буюртмада белгиланади ва буюртма ҳажмига боғлиқ бўлмайдилар, бошқалари эса, масалан, транспорт ва омбор харажатлари, буюртма ҳажмига пропорционал боғлиқдир.

Заҳирани сақлаш бўйича харажатлар омборда маҳсулотни маълум вақт давомида сақлаш харажатлари билан белгиланади ва бевосита омбордаги маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлади. Бунга омбор харажатлари, рента харажатлари (агар иншоот аренда қилинган бўлса), ишлаб чиқарувчи бирликка тегишли омборларнинг моҳияти учун жорий харажатлари киради. Бу тур харажатларга капитал харажатлар киради. Бу гуруҳга, шунингдек, суғурта ва солиқ харажатлари ҳам киритилади. Суғурта харажатлари заҳира ёнғин ёки ўғирлик натижасида йўқолишларидан ҳимоя сифатида ишлатилади. Заҳиралар ҳисобланган кун бўйича солиққа тортилади. Бу гуруҳга табиий офат ва заҳираларнинг бузилишлари натижасидаги йўқотишлар ҳам киритилади.

Маҳсулот йўқлиги натижасида ишлаб чиқарувчи омборда маҳсулот йўқ бўлганлиги натижасида тўсатдан ҳосил бўлган талабни қондира олмайдиган йўқотишларга дуч келади. Бу йўқотишлар икки турга бўлиниши мумкин:

- Йўқотилган сотишлар қиймати, бунда буюртмачи ўз буюртмасини бошқа ишлаб чиқарувчига беради. Бу усулда харажатлар кўзда тутилган харажатлардан фойда йўқотиш билан аниқланади;

- буюртмачи буюртма берилишини кутиб туради. Сотувлар йўқотилмаган, балки сурилгандир. Аммо кутиш қўшимча харажатларни, буюртмани қайд этиш учун, транспорт ва омбор харажатлари ва бошқаларни туғдириши мумкин. Бу харажатларни аниқлаш қийинчиликлар туғдирмайди.

6.3. Моддий заҳираларни бошқариш тизими

Заҳираларни бошқариш уларнинг ҳақиқий ҳолатини назорат қилишни ташкил этишни ҳам кўзлайди. Заҳираларнинг ҳолати устидан назорат - заҳираларнинг меъёрлари чекланишини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш техник тайинланишидаги маҳсулотлар ва халқ истеъмол товарларининг заҳиралар даражасини ўрганиш, бошқариш ва четланишларни йўқ қилиш учун тезкор чораларни кўриш ҳисобланади.

Заҳиралар ҳолати устидан назоратнинг кераклиги заҳираларнинг меъёрида кўзланган чегаралардан ҳақиқий заҳира ҳажмининг чиқиб кетиш ҳолатида харажатларнинг ортиши билан шартланган. Заҳира ҳолати устидан назорат заҳираларнинг ҳисоби, моддий ресурсларнинг қайта рўйхатга олиниши, инвентаризация маълумотлари асосида ёки керак бўлганда амалга оширилиши мумкин. Амалиётда назоратнинг ҳар хил услубларидан фойдаланилади. Қуйида улардан энг кўп учрайдиган икки услуби кўриб ўтилган. Биринчи услубда, корхона етказиб берувчига буюртмани юбориш давр оралиғи ўзгармасдир (буюртманинг қатъий белгиланган давр оралиғи тизими). Иккинчи услубнинг моҳияти шундаки, бирон бир товарнинг заҳираси олдиндан белгиланган энг кам қийматига етиш билан, бу товар буюртма қилинади. Бунда буюртирилган партиянинг ҳажми ҳар доим бир хилдир (буюртманинг қатъий белгиланган ҳажми тизими).

Буюртманинг қатъий белгиланган давр оралиғи заҳираларнинг ҳолати устидан назорат қилиш тизими. Бу тизим бўйича заҳираларнинг ҳолати устидан назорат бир хил вақт оралиғида қолдиқлар инвентаризациясини ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Текшириш натижалари бўйича товарнинг янги партиясини етказиб беришга буюртма белгиланади.

Буюртма қилинаётган товар партиясининг ҳажми максимал товар заҳирасининг кўзланган меъёрий ва ҳақиқий заҳираси орасидаги фарқ билан аниқланади. Буюртмани бажариш учун аниқ вақт оралиғи керак бўлгани учун, буюртма қилинаётган партиянинг ўлчами бу даврда кутилаётган харажат ўлчамига ортади. Буюртма қилинаётган партия ҳажми (Р) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

Бу ерда:

З макс- меъёри билан кўзланган максимал заҳира;

Зх-текшириш вақтида ҳақиқий заҳира;

Зт-буюртма бериш ва бажариш вақтида ишлатиладиган заҳира

Буюртманинг қатъий белгиланган давр оралиғи заҳираси ҳолати устидан назорат қилиш тизимининг жадвал модели 16-чизмада кўрсатилган.

заҳира

З макс Р1 Р2 Р1

Зх

Т t 3t А В

3

6

9

12

вақт

$$P=3_{\text{макс}} - (3x-3t)$$

16-чизмада Заҳирани давр оралиғи заҳираси ҳолати устидан назорат қилиш тизимининг жадвал модели.

Бу ерда:

T - буюртма қайтарилишининг вақт оралиғи - тизим учун ўзгармас катталиқ (бу мисолда 3 кун).

t - буюртмани бериш ва бажариш учун зарур бўлган вақт (бу мисолда - 1 кун);

P1 Pz... Pi - алоҳида i буюртманинг катталиғи;


3 макс - меъёр билан кўзланган максимал заҳира;

3x - текшириш вақтида ҳақиқий заҳира;

3г - буюртмани бериш ва бажариш учун зарур бўлган 1 вақт ичида ишлатилган заҳира;

A - қатъий талаб бўлган вақт оралиғи;

B - талаб бўлмаган вақт оралиғи.



Заҳираларнинг ўзгаришини кўрсатувчи чизиқлар майдонларининг оғиш бурчаклари билан тавсифланган талаб шиддатли бу моделда ўзгарувчан катталиқдир (синик чизиқ ҳар хил майдонларининг оғиш бурчаги бир хил эмасдир). Буюртма бир хил вақт оралиғи ичида берилгани учун, ҳар хил оралиқдаги буюртма қилинадиган тўдаларнинг ҳажми ҳам ҳар хил бўлади. Табиийки, бу тизимни ҳар хил ҳажмдаги партияларни буюртма қилиш имконияти мавжуд бўлган ҳолда қўллаш мумкин: (масалан, буюртма қилинган товар контейнерда етказиб берилиши ҳолатида бу тизимни қўллаш мумкин эмас). Ундан ташқари, агар буюртмани етказиб берилиши ёки жойлаштириш қимматга тушса, бу тизим қўлланилмайди. Масалан, агар ўтган даврда талаб юқори даражада бўлган бўлса, буюртма ҳам кам бўлади. Буни эса буюртмани бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар сезирларли бўлмаган шароитда амалга ошириш мумкиндир.

Таърифланаётган тизимнинг хусусияти шунадаки, бу тизим камёб товар мавжуд бўлишига имкон беради. Жадвалдан кўриниб турибдики, агар талаб бирданига ўсиб кетса (яъни жадвал кескин пастга тушиб кетса - A майдон), унда заҳира буюртмани бериш муддатидан олдин тугаб қолади. Бу шуни билдирадики, камёб товар эҳтимолли йўқотишлар корхона учун сезиларли даражада бўлмаса, назорат тизими қўлланиши мумкин.

Буюртманинг қатъий белгиланган давр оралиғи заҳиранинг ҳолати устидан назорат қилиш тизими қуйидаги ҳолларда қўлланилади:


• Етказиб бериш шароитлари ҳар хил ҳажмда, тўдаларда буюртмаларни олишга имкон туғдиради;

- буюртмани жойлаштириш ва етказиб бериш бўйича харажатлар юқори эмас;
- эҳтимолли камёб товар бўлган йўқотишлар нисбатан катта эмас.

Амалиётда бу тизим бўйича бир етказиб берувчидан олинadиган кўп товарлардан бирининг талаб даражаси нисбатан бир қатор бўлган товарларни, ҳам қимматли товарларни ва ҳоказоларни буюртма қилиш мумкин.

Буюртманинг қатъий белгиланган ҳажмли заҳиралари ҳолати устидан назорат тизими. Заҳиралар ҳолати устидан назоратнинг бу тизимида заҳиранинг тўлдирилишига буюртманинг ҳажми ўзгармас катталиқ ҳисобланади. Буюртма бериш вақт оралиқлари бу ҳолда ҳар хил бўлиши мумкин (17 -чизма).

Бу тизимда меъёрланган катталиқлар буюртма ҳажми, буюртмани жойлаштириш вақтидаги заҳира ҳажми (буюртма нуқтаси) ва суғурта заҳирасининг ҳажмлари ҳисобланади. Етказиб беришга буюртма нақд заҳиранинг буюртма нуқтаси камайганда жойлаштирилади. Чизмадан кўриниб турибдики, буюртмани жойлаштиришдан сўнг заҳира камайишини давом эттираяпти, чунки буюртирилган товар дарров олиб келинмайди. Буюртма нуқтасидаги заҳира ҳажми одатдаги иш ҳолатида t вақт ичида заҳира суғурта заҳирасидан пастга тушиб кетмаслиги учун танланади. Агар талаб бирдагина ўсиб кетса (жадвал чизиғи кескин пастга тушади - А майдон) ёки етказиб бериш муддати чўзилса ($(t' > t)$ - В майдонда), суғурта заҳираси ишга тушади. Бунда корхонанинг тижорат хизмати кўшимча етказиб беришни таъминлайдиган чора-тадбирларни қўллаши керак. Кўриниб турибдики, назоратнинг бу тизими корхонани камёб товарлар вужудга келишидан ҳимоя қилади.



17-чизма. Буюртма бериш вақт оралиқлари ҳар хил бўлишлиги.

Бу ерда:

$T_1, T_2 \dots T_i$ - буюртма қайтариладиган алоҳида i вақт оралиғининг ҳажми.

t - буюртмани жойлаштириш ва бажариш учун керак бўлган вақт (бу мисолда - 1 кун).

P - буюртма ҳажми (назоратнинг бу тизимида ўзгармас катталиқ).

А - талабнинг бирданига ўсиб кетиш даври.

В - етказиб беришнинг белгиланган муддатга бузилиш даври.

t1 - В даврида етказиб беришнинг ҳақиқий муддати амалиётда бу тизим қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- Заҳира мавжуд эмаслиги натижасида катта йўқотишлар;
- заҳираларни сақлаш бўйича юқори харажатлар;
- буюртма қилинадиган товарнинг юқори нархи;
- талаб аниқланмаслигининг юқори даражаси.
- буюртма қилинаётган миқдорга боғлиқ ҳолда нархдан чегирманинг мавжудлиги.

Буюртманинг қатъий белгиланган ҳажми тизим заҳира нуқтасини аниқлаш учун қолдиқларнинг узлуксиз ҳисоботини ўз ичига олади. Материаллар кенг номенклатуранинг ёки савдо корхонаси учун кенг ассортиментнинг мавжудлигида тизимни қўллашнинг муҳим шарти ингичка чизиқли (штрих) кодларнинг автоматлаштирилган идентификация технологиясининг қўлланилиши ҳисобланади.

НАЗОРAT VA MYЛOXAZA CAVOЛЛARI

1. Заҳиралар тушунчаси ва асосий вазифаси, нимадан иборат?
2. Заҳираларни белгилаш турлари.
3. Заҳираларни бошқариш тизими ва турлари.
4. Заҳираларни сақлаш қандай харажатга боғлиқ?
5. Заҳираларнинг энг кўп даражаси қандай ҳисобланади.

7-Мавзу. ЛОГИСТИК ТИЗИМДА МАҲСУЛОТЛАРНИ ОМБОРГА ЖОЙЛАШТИРИШ VA ОМБОРДА ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИ

Режа.

- 7.1. Заҳираларни омборга жойлаштириш ва шу тизимнинг таърифи.
- 7.2. Транспорт омборхонаси моддий оқимларини ташкил қилиш.

7.3. Турли хил корхоналарни моддий бойлик манбалари билан таъминлаш стратегияси.

7.4. Логистика омборхона ишининг баъзи бир кўрсаткичлари ҳисоб-китоби.

7.1. Заҳираларни омборга жойлаштириш ва шу тизимнинг таърифи

Ишлаб чиқариш жараёни хомашё ва материалларни бир корхонадан бошқасига силжитиш, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш доирасидан истеъмол доирасига етказилиши билан боғлиқ. Бу силжишлар айрим жойларда моддий заҳираларнинг йиғилишига олиб келади, бу заҳираларни сақлаш учун эса мослаштирилган омборхоналар керак. Чунки, ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлиши учун у ерда истеъмол қилинадиган хомашёларнинг заҳиралари бир кунда ёки бир ҳафтада керак бўладиган хомашё миқдоридан кўп бўлиши зарур. Хомашё, материал, маҳсулотларни сақлаш учун махсус қурилмалар, ҳар хил тара, механизация воситалари ва бошқалар керак. Моддий бойлик манбаларини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга силжиши 2 усулда ташкил қилиниши мумкин:

1. Транзит усули.

2. Омборлардан фойдаланиладиган усул.

Ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини транзит усули билан таъминлашда моддий бойлик манбанинг заҳиралари корхона ва ташкилотларнинг омборларида ташкил қилинади. Ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигининг омборлардан фойдаланадиган усули билан таъминлашда бойлик манбаларнинг ҳаракати бошқача ташкил қилинади. Бу усул орқали материаллар корхона ва ташкилотлар омборларига етиб боришдан аввал, таъминлаш-ўтказиш ташкилотларининг омбор ва базаларига саралаш учун олиб борилади, кейин шу омбор ва базалардан истеъмолчиларга етказилади.

Омборларни 2 турга ажратиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларининг омборлари.

2. Тижорат воситачи ташкилотларнинг омбор ва базалари.

Моддий бойлик манбаларни транзит усули билан етказиш энг тежамли усул ҳисобланади, чунки у қўшимча харажатларнинг камайишига олиб келади, омборларда моддий бойлик манбалари заҳираларининг кўпайишига имкон яратади. Лекин бу усулдан фойдаланишнинг ўз шартлари бор. 1 та истеъмолчи - корхонага аниқ вақт давомида таъминловчи корхона катта миқдорда, яъни темир йўл вагонларини тўлдирадиган миқдорда, моддий бойлик манбаларини юборилса, транзит усулидан фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, таъминлашнинг транзит усули билан ташкил қилиниш имконияти моддий бойлик манбаларини истеъмол қилиш миқдорига ва белгиланган транзит нормаларига боғлиқ.

Транзит нормаси деганда - бир буюртма асосида таъминловчи корхона орқали истеъмолчи корхонага юбориладиган моддий бойлик манбаларининг энг кам йўл қўйилган миқдори тушунилади.

Истеъмолчи корхона таъминловчи корхонага яқин жойлашган (120-150 км масофада) ва материалларни автотранспорт билан етказиб бериш имконияти бўлса, таъминлашнинг транзит усулидан фойдаланиш мумкин.

Омборлар орқали таъминлаш усули турли хил моддий бойлик манбаларини кам миқдорда истеъмол қиладиган корхоналарда қўлланилади. Бундай истеъмол қилинадиган бойлик манбалари миқдори транзит нормалар ва буюртма нормаларига етмайди. Бундай таъминлаш усули истеъмолчи корхоналарга керакли миқдорда моддий бойлик манбалари ва материалларни буюртма қилиши мумкин.

Тижорат воситачи ҳиссадорлик жамияти корхоналари базаларига материаллар тез-тез етказилиши натижасида, транзит усулига кўра, истеъмолчи корхонада моддий бойлик манбалари заҳираларини сезиларли даражада камайтиришга имкон яратади. Омбор орқали таъминлашнинг кенгайишига ҳиссадор жамияти базаларида материаллар заҳираларининг

кўпайишига олиб келади. Лекин бутун халқ хўжалиги даражасида заҳираларни умумий мутлақ миқдори кўпаймайди, аксинча, камайиши мумкин. Омбор орқали таъминлашнинг яна ижобий томони шундаки, таъминлаш-ўтказиш базадаги заҳиралардан самарали фойдаланиш мумкин, яна қисқа вақт давомида бирданига кенг доира истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш мумкин, истеъмолчиларни ҳар томонлама равишда таъминлаш имкониятини яратади.

Таъминлаш усулини белгилашдан олдин зарур бўлган техник ва иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, таъминлашни 2 усулининг ижобий ва салбий томонларини эътиборга олиш керак.

Ҳаммага маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали иқтисодий фаолияти зарур хомашё материаллар, ёқилғи, хилма-хил ускуналар билан таъминлашга боғлиқ. Бу ишлар моддий - техника таъминоти тизими орқали ташкил қилинади. Мана шу тизимнинг техник ва ишлаб чиқаришга оид базаси омбор хўжалигидир. Ишлаб чиқариш корхонасининг омборлари ёрдамчи цехлар ва транспорт билан бир қаторда корхонасининг ишлаб чиқариш тузилмасининг энг муҳим халқаларидан ҳисобланади. Омборнинг ишлаш сифати сезиларли даражада ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилади.

Корхоналар омборларининг асосий вазифалари:

1. Керакли ёқилғи, хомашё, материал, маҳсулот ва бошқа бойлик манбалари заҳираларини тўплаш ва истеъмолчиларни услуксиз таъминлаш.
2. Моддий бойлик манбаларини сақлаш;
3. Юк ортиш - тушириш ишлари, омборнинг ички ишларини энг оз меҳнат ва пул харажатлари билан оқилона ташкил қилиш.
4. Омбор майдонларидан оқилона фойдаланиш ва омбор хўжалигининг асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланиш.
5. Моддий бойлик манбаларини ишлаб чиқаришда истеъмол қилишга тайёрлаш.
6. Марказлаштирилган усулда материал ва маҳсулотларни керакли жойларга (истеъмолчиларга) етказиб бериш.
7. Материаллардан тежамли фойдаланишни назорат қилиш, ишлаб чиқилган чикимлардан ва таралардан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш.
8. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилмасдан қолган, ортиқча моддий бойлик манбалар заҳираларини ўз вақтида аниқлаш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш.

Омбор деганда, ҳар хил моддий ресурсларни қабул қилишга ва сақлашга мўлжалланган, уларни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлайдиган ва истеъмолчиларни услуксиз таъминлаб турадиган қурилмалар тушунилади. Бойлик манбаларни сақловчи омборлар бир-биридан фарқланади. Ишлаб чиқариш корхоналари омборлари ушбу хоссалар бўйича тавсифланади:

1. Фаолият характери ёки вазифалари бўйича;
2. сақланадиган ресурслар бўйича;
3. бинонинг тури бўйича;
4. жойлашган жойи ва фаолият доираси бўйича;
5. ўтга чидамлилиқ даражаси бўйича.

Масалан, фаолият характери бўйича омборлар:

1. Таъминлаш ёки моддий омборларга;
2. Ишлаб чиқаришнинг ичидаги омборларга бўлинади.

Сараланадиган бойлик манбалари турлари бўйича омборлар ихтисослаштирилган ёки универсал бўлиши мумкин. Биносининг тури бўйича омборлар ёпиқ, ярим ёпиқ ёки очик бўлиши мумкин. Жойлашиш ва фаолият кўлами бўйича омборлар марказий, участкаларники ва цехларники бўлади. Ўтга чидамлилиқ даражаси бўйича омбор ёнмайдиган, ёниш қийин бўлган ва ёнадиган бўлади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида омбор хўжалиги ташкил қилишнинг энг муҳим масалаларидан бири - омборларни тўғри жойлаштириш. Ҳар бир корхонада омборлар ва

истеъмолчи цехлар бир-бири билан технологик алоқа орқали боғланади. Ҳар бир омбор ўзининг истеъмолчи цехига яқин жойлашади. Корхона ҳудудида омборларни минтақавий жойлаштириш учун қуйидаги тамойилларга риоя қилиш керак:

1. Юklar оқими тўғри чизиги ҳаракатда бўлиши керак;
2. юklarни транспортировка қилиш қулай бўлиши керак ва шохобчалар билан қулай алоқа бўлиш керак;
3. сақланаётган моддий ресурсларни имкон борида асосий цехларга яқинлаштириш;
4. Омборларни бошқа қурилмалар олдида жойлаштирилаётганда ёнғиндан хавфсизлик қоидаларини ҳисобга олиш керак.

Корхоналар ҳудудида омборлар жойлаштирилаётганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак: тайёрланган маҳсулот омборларини охириги операциялар ва текшириш ишлари олиб бориладиган биноларга ёки цехларга яқин жойда жойлашиши керак, ишлаб чиқариш омборини эса истеъмолчи цехлар биносида ёки уларнинг яқинида бўлиши зарур. Умумий фойдаланишга мўлжалланган омборларни корхона ҳудудининг четроғида жойлаштириш мумкин.

Ёниши мумкин бўлган бойлик манбалари ва ёқилғилар алоҳида ажратилган зонада жойлашиши керак.

Кўпинча моддий бойлик манбалари корхоналарнинг омборларига темир йўл орқали етказилади, омборлардан цехларга эса релсиз транспорт орқали етказилади. Шунинг учун, омборларнинг олдида темир йўл ва автомобиллар учун йўл етиб бориши керак.

Омборлар орқали таъминлаш усулининг асосий вазифаси - моддий ресурсларни транзит нормаларидан камроқ истеъмол қилувчи истеъмолчи корхоналарга хизмат кўрсатиш. Айрим вақт давомида истеъмол қиладиган моддий ресурсларнинг миқдори транзит нормаларига етмаган корхоналарнинг кўпчилиги шу таъминлаш усулидан фойдаланадилар. Шундай қилиб, таъминлаш ўтказиш ташкилотлари ҳар бир иқтисодий минтақадаги корхоналарнинг транзит нормаларидан кам бўлган миқдорда ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган ишлаб чиқаришга оид техник базалардир. Бу базаларда асосан ҳар хил материал ва маҳсулотлар ва маҳсулот заҳиралари сақланади, айрим истеъмолчилар учун аралаш ишлари олиб борилади. Таъминлаш ўтказиш ташкилотларида ташкил қилинадиган жараёнлар ишлаб чиқариш корхоналарининг омборларидаги жараёнлар билан бир хил, шунинг учун уларнинг вазифалари ҳам асосан бир хил (келтирилган материал ва маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш, саралаш, истеъмолчиларга етказишга тайёрлаш ва ҳоказо).

Сақланаётган материал ва маҳсулотларнинг хусусиятларига кўра турли хил омборхоналар кўрилади. Омборлар конструкцияси бўйича, оловга чидамлилик даражаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари омборлари каби туркумланади. I - ёпиқ, ярим ёпиқ, очик ва маҳсус, II - ёнмайдиган, ёниши қийин ва ёнадиган омборлар.

Фаолияти характери ва ҳаракат доираси бўйича таъминлаш-ўтказиш омборлари ишлаб чиқариш корхоналарининг омборларидан фарқланади. Фаолият характери бўйича таъминот базалари универсал ва ихтисослаштирилган бўлади. Ҳаракат доираси бўйича марказий ва туманлар миқёсидаги омборлар бўлади. Универсал омборларда кўп номенклатурали материал ва маҳсулотлар сақланади ва аниқ иқтисодий минтақаларнинг истеъмолчиларига етказиб берилади. Одатда универсал базалар истеъмолчиларга яқин жойларда ташкил қилинади. Бундай базаларнинг ташкил қилиниши бир жойда кенг номенклатурали материал ва маҳсулот заҳираларини тўплашга имкон яратади, моддий ресурсларни истеъмолчиларга яқинлаштиради, улар учун транспорт ҳаракатларини камайтиради. Ихтисослаштирилган вилоятлараро базалар фақат белгиланган материал турларининг заҳираларини сақлашга мўлжалланган. Бу базаларда сақланадиган ресурслар қуйидагилар бўлади: металл, электр асбоб-ускуналари, кимёвий материаллар ва ҳоказо.

Ихтисослаштирилган базаларнинг устунликлари у ерда сақланадиган моддий ресурсларнинг турига қараб энг қулай шароитлар ташкил қилиш мумкин, истеъмолчиларга

марказлаштирилган равишда хизмат кўрсатиш мумкин, лекин етказиб бериладиган ресурслар нархи туман микёсидаги омборларникида қимматроқ бўлади. Ихтисослаштирилган базаларда қўшимча хизмат кўрсатиш ишларини ташкил қилиш осонроқ. Масалан, ўрмон ресурсларини сақловчи омборларда материалларни ишлаб чиқаришдан истеъмол қилишгача тайёрлаш ишларини ташкил қилиш мумкин: ёғочларни керакли ўлчамда арралаш, уларни қуриштириш ва ҳоказо. Қурилиш материаллари сақланадиган омборларда ҳар хил қоришмалардан бетон тайёрлаш мумкин. Бу қўшимча хизматлар маҳсулот нархининг ортишга олиб келади, лекин уларни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлайди, истеъмолчиларнинг меҳнат ресурсларини, вақтини тежайди.

Истеъмолчиларни моддий ресурслар билан таъминлашни ташкил қилишга базалар жойлашуви катта таъсир кўрсатади. Базаларнинг тўғри жойлашуви аввало ресурсларни истеъмолчиларга етказиб бериш харажатларини камайтиради, материалларга қўйиладиган устамаларни пасайтиради, истеъмолчи корхоналарда захиралар миқдорини камайтиради ва ҳоказо.

Омборларни жойлаштиришга кўп омиллар таъсир қилади. Масалан, йирик капитал харажатлари талаб қиладиган базаларни кўп миқдорда қуриш қийин, шунинг учун бундай базаларни камроқ, бир-биридан узоқроқ жойлашган ҳолда қуриш керак. Лекин бунда материалларни сақлаш ва истеъмолчиларга элтиш харажатлари кескин ортиб кетади.

Базаларни тайёрлашга кучли таъсир қиладиган омил- транспорт ишларининг ҳажмидир. Таъминотчилардан базаларга, базалардан истеъмолчиларга маҳсулотни элтиб бериш транспорт ишларининг умумий ҳажми энг кам миқдорда бўлиши керак.

Истеъмолчиларнинг жойлашувига қараб, базаларнинг тахминий жойлашиш жойлари белгиланиб, ҳар бир вариант учун юк ташиш ҳажми тонна/км ларда ҳисобланади. Масалан, умумий юк ташиш ҳажми - $P_{ум}$, таъминотчилардан базаларга юк ташиш ҳажми - $P_{таъм}$ ва базалардан истеъмолчиларга юк ташиш ҳажми - $P_{ист}$. Умумий юк ташиш ҳажми:

$$P_{ум} = P_{таъм} + P_{ист} \text{ (тонна/км да)}$$

Умумий юк ташиш ҳажми кам чиққан вариант танлаб, шу ерда базаларни тўғри жойлаштириш мумкин. Бу усул ёрдамида фақат транспорт харажатлари нуқтаи назаридан қулай жой танлаш мумкин. Шунинг учун ҳар бир муҳим омилни алоҳида ўрганиб чиқиб (масалан, капитал харажатлари, эксплуатация харажатларини, ва ҳ.к.....), кейин бир жойни танлаб, у ерда базаларни жойлаштириш мумкин.

7.2. Транспорт омборхонаси моддий оқимларини ташкил қилиш

Транспорт омборхона моддий оқимларини ташкил қилиш мажмуалари комплекс - механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган турларга бўлинади. Комплекс-механизациялаштирилган мажмуа таркибига қабул қилиш - фойдаланиш тизимчаси, механизациялаштирилган тартибда юкни қайта ишлаш учун машиналар ва ускуналар мажмуи билан жовон модули, юкни узатиш учун омборхона терминали киради.

Автоматлаштирилган транспорт омборхона моддий оқимларини ташкил қилиш мажмуасига қуйидагилар киради:

- Кўтариш - транспорт воситалари мажмуаси ва автоматлаштирилган бошқарувнинг жойлаштирилган тизими билан автоматлаштирилган жовон модули;

- автоматлаштирилган тарзда фаолият кўрсатувчи кўтариш транспорт ускуналари мажмуаси билан автоматлаштирилган жовон модули.

Автоматик омборхона агрегат-транспорт мажмуаларига қуйидагилар киради:

- Ортиш-тушириш ва транспорт воситалар билан автоматик бошқарилувчи омборхона мажмуалари;

- автоматик бошқарилувчи омборхона мажмуалари, омборлар-автоматлар.

Энг кўп фойдаланувчи омборхона ускуналарига кирувчи асосий жовонлар:

- Бир жойда турувчи;
- айланувчи;
- элеваторли;
- контейнерли;
- ҳаракатланувчи;
- гравитацион.

Омборхона ускуналарига кирувчи, сочилувчи, суёқ ва бошқа юкларни сақлаш воситалари қуйидагиларга бўлинади:

- Ясси ва қутчалардан иборат бўлган бункерлар;
- ер усти идишлари;
- ер ости идишлари.

Омборларнинг ўлчови ва дозаларга ажратувчи ускуналар логистик тизимда техник таъминотнинг алоҳида гуруҳини ташкил қилади. Ҳозирги вақтда тарозилар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Платформалар учун;
- автомобиллар учун;
- вагонлар учун;
- юк кранлари учун;
- конвейерлар учун.

Барча кўтариш-транспорт воситалари вазифаларини бажаришга мувофиқ беш гуруҳга бўлиниши мумкин:

- Юк кранлари;
- кўтаргичлар;
- транспорт воситалари;
- юкни ушлаб турувчи мосламалар;
- трансманипуляторлар.

Юк кранларига кўприкли, эчкисимон, ўзи юрар, порт, миноралилар ва копсолли кранлар киради.

Кўприкли кранлар бир балкали тираб туриладиган, бир балкали осма, икки балкали умумий, икки балкали махсус бўлиши мумкин; эчкисимон кранлар эса каналли ва каналсиз бўлиши мумкин. Кўприкли ва эчкисимон кранлар енгил, ўртача, оғир режимли, бир илгакли ва икки илгаклиларга бўлинади.

Ўзи юрар кранлар автомобиль, темир йўл ва сиқилган ҳаво билан юрадиганларга бўлинади.

Копсолли кранлар айланувчи ва ҳаракат қилувчи бўлиши мумкин. Трансманипуляторлар пол устидаги, таянчли ва осма транспорт ва осма механизмларга бўлинади. Бундан ташқари пол устидаги трансманипуляторлар гуруҳига қуйидагилар киради:

- Портлашдан ҳимояланган электр ортгичлар;
- оддий қилиб бажарилган электр ортгичлар;
- электр штабеллар.

Транспорт воситалари ўз ичига транспорт - тақсимот восита пол устидаги воситаларни олади. Транспорт - тақсимот воситаларига контейнерлар ва тақсимот воситалари киради. Конструктив белгиларга мувофиқ конвейерлар қуйидагиларга ажралдилар: бурама, лентасимон, гординсимон, эчкисимон, осма, маҳкамланган, ғилдиракчали, пластик.

Юкни ушлаб турувчи мосламалар кўтариш - транспорт воситаларининг алоҳида тури сифатида уларнинг вазифаси ва турига мувофиқ қуйидагиларни ўз ичига олади: донали юкларни кўтариш учун; сочиладиган юклар учун; узун металл прокати учун; контейнерлар учун; қурилиш ва ёғоч юклари учун; кўп навли маҳсулотлар учун. Мавжуд туркумлашга мувофиқ логистик тизим техник таъминланилиши воситаларнинг кўп сонли гуруҳлари

ёрдамчи, кўпинча омборхона ва кўтариш-транспорт ускуналари юқори даражада фаолият кўрсатадиган ускуналардан ташкил топади.

7.3. Турли хил корхоналарни моддий бойлик манбалари(ресурслар) билан таъминлаш стратегияси

Турли хил корхоналарни моддий бойлик манбалари билан таъминлаш стратегияси моддий бойлик манбаларини тақсимлаш, ушбу жараёни техника, технологик, ташкилий таъминлаш ва маҳсулотлар муаммолари жараёнини ташкил қилувчи элементлар уч йўналишга аниқ тақсимланган.

1. Бозор тадқиқоти, истеъмолчилар заҳираларини аниқлаш, рақиблар таклифлари ва истеъмолчилар талабларини ўрганиш ва бозор иқтисодиётини бошқаришнинг бошқа услубларидан фойдаланиш асосида сотиш бозори, уларни қўлга киритиш, кенгайтириш, сақлаб қолиш асосида амалга ошириладиган рақобат курси.

2. Маҳсулотларни сотиш бозорларини аниқлаш ва моддий бойлик манбалари муомаласи жараёнининг барча босқичларида уларнинг барча жисмоний ҳаракатлари бўйича ҳамма операциялар аниқ ва мукамал ўйлаб чиқилган, режалаштирилган ва ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишга мўлжалланган истеъмолчилар буюртмалари бўйича ташкил қилинган.

3. Маҳсулотлар муаммоси ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида товар ҳаракатини тартибга солиш.

Турли хил корхоналарни моддий бойлик манбалари билан таъминлаш стратегияси моддий-техника таъминотини ташкил қилиш жараёнида логистика таъминотларини танлаш, хомашё ва материалларни етказиб бериш масалаларини кўриб чиқади.

Моддий бойлик манбаларни етказиб бериш уч асосий вариантда бўлиши мумкин:

- Шахсий ишлаб чиқариш ҳисобига;
- мавжуд таъминотчилар ҳисобига;
- янги таъминотчиларни жалб қилиш ҳисобига.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида ривожланиш ва асосан кичиклари ҳисобига янги таъминотларни жалб қилиш анъанаси кузатилади, бу материалларнинг катта бўлмаган бир тўпини олиш имконини беради. Ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлигини таъминлайди ва керак бўлган ҳолда бозор талабларига мувофиқ янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишни тезлатишга имкон беради. Шунинг билан бу босқичда логистиканинг мақсади асосий ишлаб чиқаришни белгиланган вақт тартибида, энг кам харажатлар билан керакли моддий бойлик манбалари билан таъминлашни режалаштириш, тартибга солиш ва назорат қилишдан иборат.

Айниқса, заҳираларни бошқаришда логистиканинг аҳамияти катта. Заҳиралар транспорт, ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги буфер вазифасини бажаради. Ҳозирги шароитда заҳиралар миқдори тез ўзгараётган талаб ва корхона ишининг бир маромдалигини таъминлаш учун мувофиқ бўлиши керак.

Логистик тизимларда заҳираларни сақлаш билан боғлиқ муомала вақти ва харажатларини қисқартиришга алоҳида эътибор берилади, булар логистик харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Шу сабабли омборхона хўжалигини ташкил қилиш, ортиш-тушириш воситаларини халталарга жойлаштириш воситаларини қўллаш ва сақлаш логистик тизимнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Хорижда Канбан, ОПТ, МРП, МРП-2 номини олган, логистикага асосланган “аниқ муддатда” етказиб бериш тизими таъминотини ташкил қилишнинг кенг ёйилган тизимидир. Канбан тизими Япония корхоналарида кенг қўлланилади.

Канбан тизимидан фойдаланувчи Япон фирмалари моддий бойлик манбаларини фақат ишончли таъминотчилардан харид қилишга ҳаракат қиладилар ва уларни ўз талабларига қарам қилиб кўядилар.

АҚШда ривожланган ОПТ (ишлаб чиқариш технологиясини мувофиқлаштириш) тизими киради. тизимнинг асосий тамойили ишлаб чиқаришда “тор” жойлари ёки камёб ресурсларни аниқлаш. Мисол учун хомашё ва материаллар, машиналар, ускуналар, технологик жараёнлар ва ходимларнинг айрим турлари камёб бойлик манбаларидан бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш тизимининг ривожланиш суръати камёб ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. ОПТ тизимида ишлаб чиқаришнинг бир кунга, хафтага ва ҳ.к. жадвалини шакллантириш амалга оширилади, истеъмолчилар томонидан буюрилган маҳсулотларни ортиб жўнатишнинг назорати муқобил ресурсларни қидириб топиш, керакли материаллар йўқ бўлганда уларни тўлиқ ҳолда алмаштириш бўйича тавсиялар бериш масалалари ҳал қилинади.

Энг маъқул жадвални шакллантиришда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- Ишлаб чиқаришнинг бойлик манбаларга бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси;
- бойлик манбаларидан фойдаланиш самарадорлиги;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган воситалар;
- жадвалнинг эпчиллиги, яъни ускуналарни авария туфайли тўхтаб қолганда ва моддий бойлик манбалар тўлиқ етказиб берилмаганда уни амалга ошириш имконияти.

7.4. Омборхона ишининг баъзи бир кўрсаткичлар ҳисоб-китоби.

Логистика тизимида омборхона ишининг баъзи бир кўрсаткичлари қуйидагилар:

1. Бир хил ўлчамлар ва конструкцияли жойлаштириладиган бирликларни алоҳида омборхона бўлимларига жойлаштириш керак.

2. Омборхона бўлими узунлиги доирасида жойлаштириладиган бирликлар таркибий қисмларининг қатъий белгиланган миқдори ўрнатилади.

3. Агар товарлар бевосита бир-бирлари устига жойлаштириладиган бўлса, уларнинг миқдори олдиндан аниқланиши ва белгиланган миқдордан ортиб кетмаслиги керак.

Сармоялар киритишга харажатларни омборга жойлаштириш технологияларини таққослашда баҳолаш кўрсаткичлари сифатида қаралиши мумкин:

- Ускунанинг техник имкониятлари ва унга эҳтиёж;
- омборхона объектдан фойдаланиш харажатлари;
- омборхона ходимларига эҳтиёж;
- омборхона сиғимининг катталиги;
- омборхона майдонларига эҳтиёж.

Сармоя киритишга харажатлар омборхона хўжалигининг ривожланиши қуйидаги формула бўйича келажакда омборхона қувватларига эҳтиёжни ва ҳар хил турдаги омборлар қуввати (сиғими) бирлигича солиштира сармоялар киритиш меъёрларини белгилаш асосида амалга оширилади:

$$K=E[(Y_{\text{йир}}-C_{\text{ус}}) K_{\text{йиғ}}+C_{\text{ус}}K_{\text{ус}}], \text{ минг сўм}$$

бу ерда:

E - омборхона объектлари сиғимининг ўсиши, минг т.

$Y_{\text{йир}}$ - солиштира сармоя киритишнинг йириклаштирилган меъёри, сўм/сиғим т.

$C_{\text{ус}}$ - ускуналар учун солиштира сармоялар киритишнинг йириклаштирилган меъёри, сўм/сиғими т.

$K_{\text{ус}}$ - ҳудудларда ускуналар нархи ортиши коэффициенти.

$K_{\text{йиғ}}$ - қуйидаги формула бўйича белгиланган қурилиш нархи ортишининг йиғма коэффициенти.

$$K_{\text{йиғ}} = K_{\text{худ}} \times K_{\text{ик}} \times K_{\text{зил}}$$

бу ерда:

Кхуд - қурилиш-монтаж ишлари нархининг ошишини ҳисобга оловчи ҳудудий коэффициент.

Кик - иқлимий минтақалар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг нархи ошишини ҳисобга оловчи коэффициент.

Кзил - зилзилавий ишлар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг нархи ошишини ҳисобга оловчи коэффициент.

Ушбу турдаги ускунага ($\sum N$) эҳтиёжнинг пул миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\sum N = \frac{Q_{\text{скп}}}{P_m} \cdot K_{\text{нот}} \times K_{\text{дон}}$$

бу ерда:

$Q_{\text{скп}}$ - ушбу турдаги механизмлар билан қайта ишланиши керак бўлган юк муомаласининг бир қисми, т;

P_m - фойдаланиш унумдорлиги (бир машина, механизмнинг ишлаб чиқариш қуввати) т/с (куб. м/с);

$K_{\text{нот}}$ - юк келиб тушиши (юкларни ортиш) нотекислигининг коэффициенти;

$K_{\text{дон}}$ - машиналар, механизмларнинг бир қисмини таъмирлашда, зарядкалашда, ижарада эканлиги ҳисобига уларга эҳтиёж ортишининг коэффициенти.

Ушбу турдаги машиналар, механизмлар ва қурилмаларга эҳтиёж миқдори ушбу формуладан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

$$N_{\text{ум}} = \frac{\sum P_p}{P_{\text{ур}}} \cdot \text{биргаликда}$$

бу ерда:

$\sum P_p$ - омбор бўйича кўриб чиқиладиган ҳар хил турдаги машиналар, механизмлар ва қурилмаларнинг юк кўтариш қобилияти миқдори.

P - ушбу турдаги ускуналарнинг $\sum P_p$ даги улуши.

$P_{\text{ур}}$ - ушбу турдаги ускунанинг ўртача юк кўтариш қобилияти, т.

Меҳнат унумдорлиги уни оширишга йўналтирилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

- янги техникани қўллаш;

- ишлаб турган ускуналарни замонавийлаштириш;

- ортиш-тушириш транспорт - омборхона ишларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш;

- омборхона ва логистик жараёнларни бошқариш жараёнини автоматлаштириш.

Баҳоловчи омиллар сони қисқартирилиши мумкин, аммо баҳоловчи омиллар сонидан ҳеч ким сармоя киритишга қилинган харажатларни чиқариб ташлаши мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча, логистик тизимда маҳсулотларни омборга жойлаштириш ва омборда қайта ишлаш самарали фойда кўрсатиши бир қатор муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Буларга қуйидагилар киради:

- логистик тизим ишини стратегик режалаштиришда талаб ва ишлаб чиқаришни башорат қилиш;

- транспортни тақсимлаш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш жараёнини мувофиқлаштириш муаммоларини ҳал қилиш, яъни хизмат кўрсатиш жойларида омборхона тизими тармоқларини яратиш, тақсимловчи омборхона марказлари ва истеъмолчилар омборлари ўртасида вазифаларни энг мувофиқ тақсимлаш, истеъмолчиларни гуруҳлаш

асосида савдо минтақаларини бир турга келтириш, уларни ишлаб чиқариш жойларига энг мос қилиб бириктириш;

- истеъмолчиларга транспортдан фойдаланишга хизмат кўрсатишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқ кўламлари ва даражаларини аниқлаш;

- логистик тизим моделларини қуриш ва унинг фаолият кўрсатиши барқарорлиги шартларини ишлаб чиқиш;

- логистик тизимнинг ишончли таъминотини яратиш;

- логистик тизимда истеъмолчиларга юқори самарали сервис хизмати кўрсатиш режасини ишлаб чиқиш.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Омборлар уларнинг таърифи ва турлари.
2. Омборхона операцияларининг қисқача таърифи.
3. Материалларни сақлашдаги жиҳозлар туркумланиши.
4. Юкни кўтариш ва тушириш транспортлари туркумланиши.

8-Мавзу. ЛОГИСТИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

- 8.1. Ахборотлар ёрдамида логистик тизимни ҳаракатга келтириш.
- 8.2. Тескари алоқага эга ахборот тизимини бошқариш.
- 8.3. Логистик ахборот тизимларининг турлари.
- 8.4. Логистик ахборот тизимлари қурилишининг тамойиллари.

8.1. Ахборотлар ёрдамида логистик тизимни ҳаракатга келтириш

Логистик тизим асосида ахборот - техник базасининг ташкил этилиши, бошқаришда зарур бўлган стратегик ва тактик вазифаларни ҳал этишда, ахборотларни йиғиш ва уларни ажратиб олиш асосий роль ўйнайди. Ахборотларнинг характери ва унинг сифатли ажратилиши қабул қилинадиган қарорларнинг натижасига катта таъсир кўрсатади.

Бу шу нарса билан боғлиқки, ажратиб олинган ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олади, масалан: ўрганилаётган халқа ёки предметнинг материал ёки пул оқимлари билан бошқарилишинигина эмас, балки ўша рақиб корхонанинг кучли ва бўш тамойилларини баҳолаш, ҳамда у ёки бу масала тамойилларининг ечими ва йўқотиш таваккаллигини ҳам баҳолайди. Шундай қилиб, гап фақат ахборотлар сонида эмас, балки стратегик ва тактик қарорларни ишлаб чиқишда зарур бўлган, биринчи навбатда ахборотларнинг сифатида ва уларни тўғри ажратиб олишдадир.

Логистик тизимнинг тузилиши амалиётда шуни кўрсатадики, ахборотларни тўғри ажрата билишда, уларни таҳлил қилиб, корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини ўрганиб, ахборотларни йиғиш ва тайёрлаш асосий кўрсаткичларига эътибор бериш зарурдир. Бундай таҳлил, шу соҳа бўйича пухта, қизиқувчи мутахассислар билан ўтказилиши лозим.

Бу соҳада маълум бўлган йўналишлардан бири, яъни ишчи гуруҳни ташкил этиш бўйича шу ахборотлардан фойдаланувчи - мутахассисларни жалб этишдир. Рақобат ҳозирги замонда ҳўжалик юритишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Шунинг учун рақибларни тўғри баҳолаш маълум миқдорда шу корхонани бошқаришдаги камчиликларни ҳам баҳолашдир.

Материал ва пул оқимларини бошқаришда тез қарор қабул қилиш учун статистик ахборотлар, масалан, солиқлар, ишчиларга (компенсация) қўшимча иш ҳақи ва ҳоказолар катта роль ўйнайди. Бу каби ахборотлар корхона ичида материал оқимларини бошқаришни уларга маълум тузатишлар киритишнинг имконини беради.

Ахборотларни маълум тузилмага солиш ахборотларнинг бир кўриниши ҳисобланади.

1) Маркетинг бўйича ахборот:

- 1- маҳсулот сотилиш таҳлили;
- 2 - маҳсулот сотиш башорати;
- 3 - бозорни ўрганиш.

II) Тақсимланиш бўйича ахборот:

- 1 - ҳисоб варақалари;
- 2 - истеъмолчилар тўлови;
- 3 - транспорт накладнойлари;
- 4 - маҳсулотга буюртмалар.

III) Лойиҳа ахбороти:

1-ишлаб чиқариладиган маҳсулотни лойиҳалаш
хизматларга юклайдилар;

билан боғлиқ бўлган логистик

2- асбоб-ускуналар бўйича чизмалар;

3 - операцион карталар;

IV). Жамғармалар билан бошқариш:

1 - жамғармалар ҳисоби;

2 - материалларни бошқариш.

V) Молиявий ахборот:

1 - дебиторлар бўйича ҳисоб-китоб;

2 - молиявий бошқариш.

VI) Ишлаб чиқариш бўлими:

1 - ишлаб чиқариш жараёнининг тўлов ҳисобини баҳолаш;

- 2 - ишлаб чиқариш ресурслари бўйича ҳисобот;
- 3 - ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича ҳисобот;
- 4 - умумий вақт ичида маҳсулот ишлаб чиқариш жадвали;
- 5 - ишлаб чиқаришга буюртма;
- 6 - маҳсулот жўнатиш бўйича талабнома;
- 7 - товар - материал қийматларини ҳисоблаш.

VII) Таъминот:

- 1 - тўлов рақамлари бўйича ҳисоб;
- 2 - сотиб олиш бўйича буюртмалар;

VIII) Логистик хизмат, логистик хизмат бўйича накладнойларни ўрганиб чиқиш.

1- транспортни бошқариш.

Логистик ахборотлар тизими сифатининг ошиши, маҳсулот ғамлаб қўйилганлар, транспортировкаси, омборга жойлаш, пул оқимларини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишда хизмат қилади. Ахборот оқимларини йиғиш катта фойда беради, лекин булар харажатсиз бўлмайди.

8.2. Тескари алоқага эга ахборот тизимини бошқариш

Тескари алоқага эга ахборот тизими тушунчаси асосий тузилмани тузишда, логистик тизимни бошқаришдаги жараёнларнинг турли томонларини интеграциялашда асос бўлиб хизмат қилади. Тескари алоқага эга ахборот атроф-муҳит имконияти яратилган, маълум тўғри қарорлар қабул қилиниб, улар шу муҳитни яхшилашга таъсир кўрсатган жойда мавжуд бўлади.

Тескари алоқага кўрсатилган эга ахборот тизимини бошқариш тартиби 18-чизмада.



бўйича ҳисобот

Баҳолаш

18-чизма. Тескари алоқага эга ахборот тизимини бошқариш тартиби.

Тадбиркорлик бўйича интеграцион оқим ахбороти:

- ҳисобда хатолар сони камаяди;
- қоғозбозлик иши камаяди;
- аввал яратилган ахборот блоклари келиштирилади.

ЭХМ базасида логистик ахборот тизимларини кўриш мобайнида, бир қанча тамойилларга риоя қилинади:

1. Аппарат ва ахборот модулларини ишлатиш тамойили. Аппарат модули асосида радио аппаратуралар бош вазифасини мустақил бажарилган буюм сифатида тушунилади. Дастур ва аппарат модуллари тамойилига риоя қилиш шуни тақозо этади:

* Бошқарувнинг турли даражаларидаги, ҳисоблаш техникаси ва дастурлар билан таъминлаш.

* Логистика ахборот тизимлари вазифаси фойдасини кўтариш.

* Улар нархини тушириш.

* Уларни териш жамоаларини тезлатиш.



2. Шароитдан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич тизимини яратиш тамойили.

Материалларни жўнатиш бўйича

Бошқа автоматлаштирилган бошқариш тизимлари каби ЭХМ базасида қурилган логистика ахборот тизимлари, доимий ривожланишдаги тизимдир. Бу шуни билдирадики, лойҳалаштирилаётган вақтда доимий автоматлаштирилган объектларнинг ўсишини олдиндан кўриш, ахборот тизимлари орқали тарқатилаётган вазифалар ва ечиладиган

масалалар сонини кенгайтириш. Лекин шуни назарда тутиш кераки, биринчи ўринли масалаларни танлаш логистик ахборот тизимларининг ривожланишига ва уни фойдали ишлатишга катта таъсир кўрсатади.

3. Тўғри келган жойини жуфтлаш.

Тўғри келиш жойларида, материаллар ва ахборотлар тўплами, ўз вазифаси чегарасидан ўтиб кетади. Шу тўғри келиш жойларидан ўзгарувчанлик билан ўтиб кетиш логистиканинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади

4. Ўзгарувчан тизим тамойили.

5. Тизимнинг қўлловчиларга қулайлиги тамойили “Инсон ва машина”.

8.3. Логистик ахборот тизимларининг турлари

Логистика ахборот тизимлари уч гуруҳга бўлинади:

- режали;
- диспозицион;
- тезкор(вазифа ўтайдиган).

Ҳар хил гуруҳларга кирадиган логистика ахборот тизимлари ўз вазифавий ва таъминлайдиган тизимлари билан ажралиб туради. Вазифавий тизимлари эса ечиладиган масалалар таркиблари билан ажралади. Таъминловчи ахборот тизимлари ўзининг техникавий, ахборот ва математик таъминлаш элементлари билан ажралиб туриши мумкин. Биз алоҳида бир ахборот тизимларига тўхтаб ўтамиз.

Режали ахборот тизимлари. Бу тизимлар маъмурий бошқариш даражасида яратилади ва стратегик характерли узоқ муддатли ечимларни қабул қилиш учун хизмат қилади.

Ечиладиган масалалар ичида қуйидагилар бўлиши мумкин:

- логистик гуруҳлар занжирини яратиш ва кенгайтириш;
- доимий - шартли ёки кам ўзгарувчан берилмалар.

Қуйида бир неча мисоллар келтирамиз:

Термостат ҳарорат бўйича ахборот олади ва печнинг ёкилиши бўйича қарор қабул қилади, ҳарорат кўтарилса печь ўчирилади.

- Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш бўйича қарорлар омбордаги жамғармалар ҳажми ва маҳсулотга буюртмалар билан боғлиқ бўлади.


Тескари алоқага эга ахборот тизими тавсифга эга:


1. Тузилма.
2. Кечикиши.
3. Тизимнинг кучайиши.

Тузилма тизимда маълум қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Кечикиш ахборотларни қабул қилишда мавжуд бўлади.

Ахборот тизимининг кечикиб қабул қилиниши 19-чизмада кўрсатилган





19-чизма. Ахборот тизимининг кечикиб қабул қилиниши.

8.4. Логистикада ахборот тизимлари қурилиши тамойиллари

Тизимлар тамойилларига кўра, ҳар қандай тизим аввало ташқи омиллар билан изланиши, сўнг ички тизимда изланиши шарт. Бу тамойил тизимнинг босқичма-босқич яратилиши тамойилидир. Логистика ахборот тизимларини лойиҳалаштириш вақтида бу тамойилга риоя қилиш шарт.

Логистика жараёнига келиш тизими томони уч даражага бўлинади:

Биринчи даража. Логистикада операция бажариладиган материаллар тўпламининг иш ўрни ҳаракатланади, ёки туширилади, қадоқланади ва ҳ.к. юк бирлиги, қисм ёки бошқа бир материаллар тўплamlари элементи.

Иккинчи даража. Иш жойларини аниқлаш ва юкларни транспортлаш жараёни, ўтказилаётган жойи - ҳудуд, цех, омбор.

Учинчи даража. Бу транспортга жойлаш, бутун бир ҳаракат тизими ва бутун бир қатор ходисалар занжиридир. Шу даражада бошланишидан олдин сотувчи хомашёни тушириш пайти деса бўлади, шу занжир якунланиши эса тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш бўлади.

Режали ахборот тизимларида логистик тизимни умумий материаллар тўплами билан боғлайдиган масалаларни ҳал этади.

Шу билан бирга “сотув- ишлаб чиқариш- тарқатиш” режаси занжири бажарилади. Бу ишлаб чиқаришнинг фойдали тизимини ташкил қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга режали тизимлар логистик тизимлар ташқи омил билан боғлангандай бўлади.

Диспозитив ва бажариш тизимлари белгиланган режаларни қисмларга бўлади ва уларни ишлаб чиқаришнинг алоҳида ҳудудларда бажарилишини таъминлайди.

Ҳар хил гуруҳларга тегишли бўлган логистик ахборот тизимларининг концепциялари асосида улар якка ахборот тизимига жамланади. Улар вертикаль ва горизонтал интеграцияларга ажратилади.

Вертикаль интеграция режали, диспозитив ва бошқариш тизимлари ўртасидаги алоқа ҳисобланади.

Горизонтал интеграция эса ахборот тўплamlари орқали диспозитив ва бажариш тизимларидаги алоҳида масалалар комплекси орасидаги омил ҳисобланади.

Интеграциялаштирилган ахборот тизимларининг барча ютуғи қуйидагиларда акс этади:

- Ахборот алмашуви тезлиги ошади;
- ишлаб чиқаришни режалаштириш;
- Заҳираларни умумий бошқариш;
- заҳираларни бошқариш ва бошқа масалалар.

Диспозитив ахборот тизимлари. Бу тизимлар омборни ёки цехни бошқариш даражасида яратилади. Бу ерда қуйидаги масалалар бажарилиши мумкин.

- заҳираларни қисман бошқариш (омбор жойларида);
- завод ёки омбор транспортини ишлатиш;
- юкларни танлаш ва уларни жойлаштириш, жўнатилаётган юклар ҳисоби ва бошқа масалалар.

Бажариш ахборот тизимлари. Тезкор ёки маъмурий бошқариш даражасида яратилади. Ахборотларга тизимларда ишлов бериш, ЭҲМ га келиб тушиш тезлиги амалга оширилади. Бу иш жадвали ҳозирги вақтдаги юкларнинг ҳаракати ҳақида ахборот олиш ва уларга нисбатан маъмурий ва бошқариш таъсири кўрсатилади. Бу тизимлар билан ҳар хил масалалар бажарилиши мумкин: Ишлаб чиқаришга тезкор хизмат кўрсатиш, бинолар, материаллар тўпламини бошқариш ва ҳ.к.

Кўп даражали автоматлаштирилган тизимлар материаллар тўпламларининг бошқарилишини барпо этиш, дастур билан таъминлашни ишлаб чиқиш учун сарф қилиш билан боғлиқ. Бу бир томондан, тизимнинг кўп вазифалилигини таъминлайди, бошқа томондан эса унинг интеграция даражасини кўтаради.

Ҳозирги пайтда етарли даражада яхшиланган дастурлаш пакетлари яратилмоқда. Биргина улар ҳамма ахборот тизимларида ишлатила олмайди. Бу интеграциялар тўпламини бошқариш масалалари ечими бошқариш даражаси андозаларига боғлиқ:

-Масалаларни ечиш юқори даражадаги андозаларини режалаштириш ахборот тизимлар баландроқ бўлади. Шу ерда тизимларнинг таъминлашга кўникиш учун қийинчиликсиз эришишга ёрдам беради. Ахборот тизимларида уларни андоза пакетларини кўниктириш қуйидагилар, бу айрим бир сабабаларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ.


Масалан:

-Ишлаб чиқариш жараёнининг олдиндан ўзлаштириб келиниши ва андозалар ўзгаришларига қийинчилик билан келади;

-маълумотлар қайта ишлаш тизими, ҳамма қўлловчиларда бир хил эмас.

Бажарувчи ахборот тизимларида тезкор даражада қандайдигдек, яқка дастурларни таъминлаш ишлатилади.

Логистикада қўлланиладиган ахборот тизими турлари 20-чизмада, логистикадаги ахборотлар тўпламининг турлари эса 21-чизмада келтирилган.




режалаштириш

деспозитив

бажариш

20-чизма. Логистикада қўлланиладиган тизимлар тури



21-чизма. Логистикада ахборотлар тўпламининг турлари.

Тизимнинг кучайиши бутун ахборот тизими ичида бўлиб, асосан логистик тизимда маълум қарорларни қабул қилишда кўринади.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Логистикада ахборот тизимлар.
2. Логистик ахборот тизимларининг турлари.
3. Логистик ахборот тизимларини кўриш тамойиллари.
4. Логистик ахборот технологиялари.
5. Қайси ахборот логистик ахбороти билан таъминланади.

ХУЛОСА

Логистика иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, 80 йиллардан у Ғарбда ва АҚШда шиддат билан ривожланмоқда. Масалан, АҚШда логистикага харажатлар яппи ижтимоий маҳсулотнинг 15-23 % миқдорида баҳоланади ва америкалик мутахассисларнинг фикрича, иқтисодиётнинг тартибга солинунига қадар бўлган тараққиётнинг асосий сабабаларидан биридир.

Логистика - борган сари кенгроқ аҳамият касб эта бошлаган фаолият соҳасидир. Шунинг учун давлат ва хусусий бўлимлар логистика соҳасига қизиқиши ортиб бормокда.

Ҳозирги вақтда логистикага хусусий ва давлат бўлимида ҳам эҳтиёж вужудга келмокда.

Тижорат тизимининг тамойиллари ва концепцияси материалларни бошқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ. Америкалик олимларнинг ҳисоблашларича, логистика тезроқ режалаштиришнинг тузилиши, уларнинг тадбиркорлик вазифаларидир. Логистика соҳасида бошқарув вазифалари нафақат моддий оқимларни бошқаришга, балки доирасида тақсимлашни башорат қилиш бўйича кундалик фаолиятни амалга ошира оладиган вазифалар ва стратегияларни ишлаб чиқиш механизмини таъминлашга қаратилган. Логистика икки: бошқарув ва технологик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Таъминотни бошқариш, моддий оқимнинг ҳаракатланиш ва сотишни таъминлаши ташкилий бошқарувга тегишлидир. Транспортда ташиш технологияларини такомиллаштириш, омборхона хўжалиги, ахборотли ташкилот, режалаштириш назорат ҳамда бу хизматлардан ҳар бирининг самарали фаолият юритишига харажатларини камайтиришдир. Мувофиқлаштириш эса технологик йўналишларга тегишли.

Логистика халқаро атама бўлиб қолган, шунинг учун логистика фани иқтисодиёт соҳасида зарурдир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1- мавзу:

1. Моддий бойлик манбалари.
2. Контейнерлар.
3. Пакет усулидаги ташиш.
4. Таннарх.
5. Сифатли етказиб бериш.
6. Транспорт воситаларини танлаш.
7. Хомашё омбори.
8. Тайёр маҳсулотлар омбори.
9. Транспорт логистик интеграцияси.
10. Материал оқими.
11. Ахборот оқими.
12. Моддий бойлик манбалари ҳаракати.
13. Талаб, таклиф.
14. Тушириш.
15. Юклаш.
16. Сақлаш.
17. Заҳиралар.
18. Улгуржи тижорат воситачи корхона.

2-мавзу:

1. Логистика.
2. Логистик тизим концепцияси.
3. Тижорат логистик тизими.
4. Хусусий бўлим.
5. Давлат бўлими.
6. Инфратизим.
7. Ишлаб чиқарувчи.
8. Транспорт гумаштаси.
9. Тақсимот.

10. Тизимли ёндашиш.
11. Харажат.
12. Заҳира.
13. Омбор хўжалиги.
14. Макрологистик тизим.
15. Микрологистик тизим.
16. Транспорт модели.
17. Алоқа.
18. Маркетинг, менежер.
19. Ишлаб чиқариш.
20. Ички бозор.
21. Ташқи бозор.
22. Хизмат қилиш.
23. Сервис.
24. Муомала харажати.
25. Самарадорлик.

3- мавзу:

1. Логистик операция.
2. Товар ҳаракатининг чизмаси.
3. Ишлаб чиқариш жараёнининг юк ҳажми.
4. Минтақавий омбор хўжалиги.
5. Маҳсулот йиғими.
6. Улгуржи сотувчи.
7. Логистик каналлар.
8. Товар брокери.
9. Брокерлик фирмаси.
10. Сотув ҳажми.
11. Логистик харажат.
12. Тақсимот канали.
13. Буюртмани қайта ишлаш.
14. Логистик хизматини бошқариш.
15. Молиявий бойлик манбалари.
16. Ҳисоб-фактура.
17. Материаллар билан бошқариш.
18. Тақсимот билан бошқариш.
19. Заҳира назорати.
20. Маркетингни бошқариш.

4-мавзу:

1. Логистика доирасига интилиш.
2. Буюртмани қайта ишлашни режалаштириш.
3. Ишлаб чиқариш тизимининг эгилувчанлиги.
4. Ишлаб чиқарувчиларнинг логистик кўрсаткичи.
5. Ишлаб чиқариш қуввати.
6. Кўтарув транспорт ишлари.
7. Транспорт турлари.
8. Молиявий баҳо.
9. Қилинган харажатларни вақтида қоплаш.
10. Йиллик фойданинг истикболлиги.
11. Амортизация.

12. Фоиздаги миқдор.
13. Логистик лойиҳани баҳолаш.
14. Логистик фаолият.
15. Инқироз.
16. Инқироз даражаси.
17. Ишлаб чиқариш логистикаси.
18. Маркетингни ҳисобга олишда логистик жараёнинг ривожланиши.
19. Ташки ва ички зиддият.
20. Материал жадвали.
21. Материал жадвали.

5-мавзу:

1. Техник логистика.
2. Моддий-техника базаси.
3. Транспорт хизмати.
4. Моддий ишлаб чиқариш.
5. Номоддий ишлаб чиқариш.
6. Моддий бойлик.
7. Транспорт логистикасини ташкил этиш.
8. Транспорт-омбор жараёни.
9. Олиб келиш.
10. Автомобиль транспорти.
11. Темир йўл транспорти.
12. Сув транспорти.
13. Ҳаво транспори.
14. Қувур транспорти.
15. Денгиз транспорти.
16. Юк жўнатиш жадвали.
17. Юклаш, тушириш харажатлари.
18. Маршрутли модель.
19. Контейнерли юк жўнатиш.
20. Ўзгарувчан харажат.
21. Юк жўнатиш режаси.
22. Юк оқими.
23. Товар маркировкаси.
24. Жўнатиш маркировкаси.
25. Логистик сервис.

6-мавзу:

1. Заҳира билан бошқариш.
2. Харажатларни камайтириш.
3. Товар ассортименти.
4. Товар номенклатураси.
5. Товар бирлиги.
6. Товар номенклатурасининг чуқурлиги.
7. Ассортимент гуруҳи
8. Тайёр маҳсулот заҳираси.
9. Кафолатли заҳира.
10. Сотиб олиш харажати.
11. Транспорт ва омбор харажати.

12. Товарларни сақлаш.
13. Заҳираларни бошқариш харажати.
14. Етказиш муддати.
15. Суғурта заҳираси.
16. Ортиқча заҳираларнинг пайдо бўлиш сабаблари.
17. Заҳиралар турлари.
18. Заҳираларнинг энг юқори даражаси.
19. Ишлаб чиқариш барқарорлиги даражаси.
20. Ҳақиқий заҳира.

7-мавзу:

1. Маҳсулотни омборда қайта ишлаш.
2. Материаллар оқимининг транспорт омборини ташкил этиш, маҳсулотни жойлаштириш.
3. Аралаш омбор хўжалиги.
4. Универсал ассортиментдаги маҳсулот учун омбор хўжалиги.
5. Логистик мақсад.
6. Маҳсулотни сақлаш жиҳозлари.
7. Омборнинг фойдали майдонини ҳисоблаш.
8. Омборнинг ёрдамчи майдони.
9. Машина механизациясининг сони.
10. Вақтинчалик интервал.
11. Машиналардан фойдаланиш тезкорлиги ва экстенсивлиги.
12. Машинадан фойдаланиш вақти.
13. Техник жиҳатдан машина носозлиги.
14. Диаграмма.
15. Юклаш тезкорлиги.
16. Цикллар сони.
17. Фойдали иш.
18. Йиллик юк айланиши.
19. Логистик цикл.

8-мавзу:

1. Ахборотлаш логистикаси.
2. Ахборот-техник таъминот
3. Логистик тизимни бошқариш.
4. Материал оқими.
5. Логистик тизимда ахборот элементлари.
6. Логистик ахборот тизими.
7. Халқа таъминоти.
8. Халқа истеъмоли.
9. Ахборот оқими.
10. Сотув тизими.
11. Ахборот маркетинги.
12. Ахборот тақсимоли.
13. Транспорт нақладнойи.
14. Логистик хизмати.
15. Қайта алоқа.
16. Ахборот манбаи.

17. Вертикаль интеграция.
18. Горизонтал интеграция.
19. Логистик тизими эгилувчанлиги.
20. Ахборот турлари.

ИБОРАЛАР ВА ТАЯНЧ СЎЗЛАР ТАВСИФИ

Моддий оқим (material flow) - юклар, деталлар, товар-моддий бойликлар ва ҳ.к., уларга илова қилиш жараёнида кўриб чиқиладиган ҳар хил логистик операциялар (ташиш, омборга жойлаштириш ва бошқалар) ёки вақтинча оралиққа (f_n , f_{n+1}) киритилганлардир. Моддий оқим шундай қилиб, “Ҳажми (миқдор, масса) ва вақт” ўлчамларига эга. Унинг мавжуд бўлиш шакли транспортда ташилган юклар ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин. Оқим вақтинча оралиққа эга эмас, балки вақтининг пайтига тегишли бўлганда, у ўзининг

карама-қаршилигига ўтади. Масалан, вақтнинг берилган пайтида кўриб чиқиладиган юк оқими йўлдаги захира ва транспорт захираси бўлади.

Ҳар бир моддий оқимга баъзи бир ахборот оқими мос келади, аммо бу мослик умуман айтганда ўзаро бир маъноли бўлмайди. Ахборот оқимнинг маълумотлари моддий оқимнинг ҳақиқий маълумотларига мос келмаслиги мумкин, аммо мос келиши ҳам мумкин.

Микрологик даражада моддий оқим одатда бир неча ташкил қилувчилардан вужудга келади. Масалан, улгуржи савдо ташкилотларида у тушуриш, сақлаш, бутлаш участкаларидаги оқимлардан иборат бўлиши мумкин. Бир хил тезлик, жадаллик моддий оқимнинг таърифлари бўлади. Баъзи бир моддий оқимлар устидан бажариладиган логистик операциялар тасодифий характерга эга. (Масалан, вагонни улгуржи савдо корхонасининг кириш йўлига бериш, бериш пайтида бўш қайта ортиш воситаларининг мавжудлиги ва бошқалар). Моддий оқим ташқи, яъни ташқи (логистик тизимига нисбатан) муҳитда ўқитувчи сифатида ва ушбу логистик тизимнинг ичида бўлган ички муҳит сифатида таснифланиши мумкин.

Кирувчи моддий оқим остида ушбу логистик тизимга ташқи муҳитдан келиб тушувчи ташқи оқим тушунилади. Чикарувчи моддий оқим ушбу логистик тизим учун ташқи муҳитга келиб тушувчи ва даврий алоқаларни амалга оширишнинг шакли бўлган оқимдан иборат. Юқорида айтиб ўтилгани, ҳар бир моддий оқимга баъзи бир ахборот оқими мос келади.

Ахборот оқими (information flow) - бу логистик тизимда, логистик тизим ва ташқи муҳит орасида айланиб юрувчи, логистик операцияларни бошқариш ва назорат қилиш учун зарур бўлган хабарларнинг мажмуасидир. Ахборот оқим моддий оқимга мос келади ва қоғоз ёки электрон ҳужжат кўринишида мавжуд бўлиши мумкин.

У вужудга келиш манбаи, йўналиши, даврийлиги, ҳажми, ўзатиш тезлиги билан таърифланади.

Логистикада яна горизонтал, вертикаль, ташқи, ички, кирувчи ахборот оқимларини фарқлаш мумкин. Агар бундай оқимнинг юқорида ўтилган таърифлари аввалдан маълум бўлса, унда унинг учун алоқанинг бойлик манбаларни захиралаш, унинг трансляциясининг мувофиқ режимини қоплаш мумкин. Ахборот оқимларини бошқариш узатиш тезлигини тегишли қабул қилиш тезлиги миқдоригача чеклашдан; оқимнинг ҳажми айрим узелнинг ёки йўл участкасининг ўтказиш қобилиятини миқдоригача чеклашдан иборат бўлади. Ахборот оқимларини ишлаб чиқишга харажатлар муҳим ташкил қилувчи логистик харажатлар бўлади. Ахборот оқимнинг моддий оқимни намунаси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Логистик операциялар (logistical operation) - моддий ва ахборот оқимларини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларнинг ажратилган мажмуаси. У кўпгина бошланғич шартлар, ташқи муҳитнинг параметрлари (ушбу логистик тизим нуқтаи назаридан бошқарилмайдиган ўзгарувчанлар, бу ўзгарувчанлар қайд этилган, тасодифий ва ноаниқ бўлиши мумкин), муқобил стратегиялар мақсадий вазифаларнинг таърифлари томонидан берилиши мумкин.

Логистик операциялар ташқиларга (ишлаб чиқаришнинг логистик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилганлар) таснифлаш мумкин. Биринчи турдаги операциялар, иккинчиларига қараганда кўпроқ даражада бир қатор тасодифий ва қийинчилик билан башорат қилинадиган ўзгарувчанлар (бозор ҳолатларининг тебранишлари, етказиб берувчилар томонидан етказиб бериш шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги) таъсирига дучор бўладилар, баъзида қисман ёки катта тўлиқ ноаниқлик шароитларида бажарилиши керак. Операциялар бир томонли ёки иккинчи томонлама (товарга мулк эгаллиги ҳуқуқинининг ва суғурта хавф-хатарининг битта юридик шахсдан бошқасига ўтиши билан боғлиқ), қўшилган қийматга эга ва усиз бўлиши мумкин. Қўшимча қийматга эга операциялар (масалан, бичиш, идишларга жойлаштириш) ҳақиқатда технологик операциялардандир, аммо у муомала соҳасида содир бўлади.

Логистик операцияларни яна моддийларга (ташиш, омборга жойлаштириш, ортиш ва ҳ.к.) ва номоддийларга бўлиш (моддий оқим ҳақида маълумотларни тўплаш, уларни узатиш

ва ҳ.к.). Ушбу таърифдан равшанки, логистик ва технологик операциялар ўртасида аниқ чегара йўқ. Бир операциянинг ўзи (масалан, материални бичиш) белгиланган шароитларда логистик, бошқаларда эса технологик ҳисобланади.

Логистик вазифалар (logistical function) - бу логистик тизимнинг мақсадаларини амалга оширишга йўналтирилган ва унинг чикувчи ўзгарувчанлари бўлган кўрсаткичларининг маънолари томонидан берилган логистик операцияларнинг йириклаштирилган гуруҳидир. Логистика соҳасида бир қатор хорижий мутахассислар логистик вазифаларга таъминот, ишлаб чиқариш ва сотишни киритадилар. Тадқиқотлар кўрсатадики, ишлаб чиқариш доирасида логистик операцияларни бажаришга вақтли харажатларнинг улуши қоидага кўра 30-40 % ни ташкил қилади, саноат маҳсулотларининг таннархида логистик харажатларнинг улуши 5-6 дан 30 % гача ва ундан кўпроққа ўзгариб туради. Логистик вазифаларга яна моддий ёки ахборот оқимининг моддий ишлаб чиқариш соҳасида ёки муомала соҳасидаги қайта ўзгартирилиши билан боғлиқ башорат қилиш, назорат, тезкор бошқариш ва бошқалар кириши мумкин.

Логистик харажатлар (logistical costs) - логистик операциялар (омборга жойлаштириш, ташиш ва ҳ.к., буюртмалар, захиралар, етказиб беришлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва узатиш) ни бажаришга сарфланган харажатлар. Ўзининг иқтисодий мазмуни бўйича улар муомала харажатларининг суммаси ва ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми (идишлар ва идишга жойлаштириш транспорт омборхона ишларига харажатлар ва ҳ.к.) дан иборат бўлади. Алоҳида олинган цикл кўламида логистик харажатлар одатда қуйидагича ҳисобланади: сотиш суммасидан % ларда; қийматий акс эттирилишда хомашё, материаллар тайёр маҳсулотлар бирлигига ҳисоблашда (масалан, моддий ресурсларнинг долл (Т)); шартли соф маҳсулот қийматидан фоизларда; умуммиллий кўламда - ялпи миллий маҳсулотдан фоизларда, сотиш суммасидан кўриб чиқиладиган харажатларнинг улуши саноатда сотиш суммасидан бир неча фоизлардан бир неча ўнлаб фоизга ортиши мумкин.

Логистика бўйича айрим хорижий даврий нашр ишлаб чиқиш соҳалари бўйича логистик харажатларнинг динамик қаторлар мунтазам нашр қилинади. Логистик тизим самарадорлигининг ўсишида логистик харажатлар белгиланган даражагача тўғри чизикли, кейин эса экспоненциал ўсади.

Логистик канал (logistical channel) - етказиб берувчи, истеъмолчи, ташувчи, воситачи (дилер, экспедитор ва бошқалар), суғуртачилардан ташкил топган, қисман тартибга солинган кўпчиликдир. Истеъмолчи ёки етказиб берувчи бозор иқтисодиёти шароитларида ташувчи, суғуртачи ҳар хил мезонлар (хизматларнинг сифати, нархи ва бошқалар) ва ҳар хил усуллар (рейтингни ҳисоблаш, операцияларни тадқиқот қилиш техникасини қўллаш) ёрдамида танлаш имкониятига эгалар. Танлов амалга оширилгандан кейин логистик канал логистик занжирга ўзгаради.

Логистик занжир (logistical chain) - бу ташқи моддий оқимни бир логистик тизимдан бошқасига (ишлаб чиқариш истеъмоли ҳолида) ёки якуний истеъмолчига (ноишлаб чиқариш, шахсий истеъмол ҳолида) етказиш бўйича логистик операцияларни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар (ишлаб чиқарувчилар, дистрибьютерлар, умумий фойдаланиш омборлари ва бошқалар) нинг тўғри чизикли тартибга солинган кўпчилигидир. Умумий ҳолда логистик занжир ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи, воситачи ва ташувчини бирлаштиради.

Шундай қилиб, логистик каналдан (ўзи унинг кўпчилиги бўлган) фарқлироқ логистик занжир логистик операцияларда ҳақиқатдан иштирок этаётган шахсларнинг мажмуасидан иборатдир. Логистик занжирнинг параметрлари бўғинликнинг ташкилий коэффициенти (маҳсулотнинг неча марта қайта сотилганлигини кўрсатади ва товар оборотини қайта ҳисоблашдан тозалайди) ва бўғинликнинг омборхона коэффициентидек (маҳсулот ушбу йўлда қанча тўхташ жойларидан ўтганлиги) иборат бўлади, умумий ҳолда коэффицентларнинг мос келиши шарт эмас.

Логистик доира (lead time; logistical cycle; replenishment lead time) - товарларни етказиб беришга, ишлаб чиқариш воситаларини етказиб беришга буюртмаларни расмийлаштириш ва буюртма қилинган маҳсулотни истеъмолчининг омборига етказиб бериш ўртасидаги оралик. Умумий кўринишда логистик доира куйидаги кўринишлардан иборат бўлади: 1) Буюртмани шакллантиришга ва уни белгиланган тартибда расмийлаштиришга вақт; 2) Буюртмани етказиб берувчига етказиш ёки ўзатиш вақти. Бу вақт замонавий ахборот воситалари (телефакс ва бошқалар) дан фойдаланишда назарга илмайдиган даражада кичик ва алоқанинг анъанавий воситалари (почта) учун жуда катта; 3) Етказиб берувчи томонидан буюртманинг бажарилиш вақтида куйидагиларни ўз ичига олади: 3.1.буюртмани бажариш учун етказиб берилишини кутиш вақти; 3.2.буюртманинг бажарилиш вақти, у технологик вақтдан операциялар ўртасидаги тўхташлар вақтидан ва бошқалардан ёки агар буюртма мавжуд захирадан бажарилса, бутлаш вақтидан вужудга келади. 4) Тайёрланган маҳсулотларни буюртмачига етказиб бериш вақти. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш истеъмолчига (саноат корхонаси) ёки сотишга (савдо корхонаси) тайёрлашга вақт ҳам логистик даврнинг тартибида қўйиб чиқиши мумкин.

Истеъмол нуқтаи назаридан (3) ва (4) логистик доиранинг энг муҳим элементларидан бўлади, улар унинг учун қисман бошқариладиган ёки бошқарилмайдиган бўладилар. Бу элементлар етказиб берувчини танлаш ва баҳолаш нуқтаи назаридан ҳам энг муҳим бўладилар. Бир қатор муаллифлар (Д.Бауерсокс, Г.Зенц ва бошқалар) ишлаб чиқариш техник белгиланишдаги маҳсулотларга нисбатан маъноси бўйича яқин бўлган “Моддий оқимлар доираси” атамасидан фойдаланадилар.

Логистик доира ва “Ишлаб чиқариш доира”си тушунчаларининг ўзаро алоқаси кизиқиш уйғотади. Бу тушунчалар “бутун бир қисм” (якка ишлаб чиқариш ҳолларида) ассоциатив муносабатда ёки бошқа муносабатларда (масалан, агар гап маҳсулотларнинг оммавий ишлаб чиқарилиши ҳақида унинг кастомизациясиз кесишиш) бўлиши мумкин. Логистик доира тушунчасидан логистик тизимлар ва бошқаларни лойиҳалаштиришда логистик мақсадларни шакллантиришда фойдаланилади. Замонавий илмий-техник инқилоб шароитларида эпчил ишлаб чиқариш тизимлари, алоқанинг энг янги воситаларини тадбиқ этиш ҳисобига логистик доирани қисқартириш ишлаб чиқаришнинг характерли аломати бўлади. Бу таърифдан шу нарса келиб чиқадики, буюртмани бажариш муддати каби кенгрок машҳур бўлган тушунча логистик доиранинг хусусий ҳоли бўлади.

Логистик тизим (logistical system) - у ёки бу логистик вазифалар ва операциялар бажарувчи тескари алоқага эга мослаштирилган тизимдир. У қоидага кўра бир неча тизимлардан иборат ва ташқи муҳит билан ривожланган алоқаларга эга. Логистик тизим сифатида саноат корхонаси, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси, савдо корхонаси ва ҳ.к. кўриб чиқиш мумкин.

Логистик тизимнинг мақсади - товарлар ва буюртмаларни берилган ерга, керакли миқдорда иложи борица ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмолга тайёрланган ҳолда ҳаракатларнинг берилган даражасида етказиб беришдир. Вазифавий тизимчалар билан бир қаторда логистик тизим таъминловчи тизимчаларга (масалан, ахборот, ҳуқуқий ходимлар ва ҳ.к.) ҳам эга. Оммавий хизмат кўрсатиш тизими сифатида логистик тизим ички алоқаларга ва ташқи муҳит билан алоқаларга эга. Тизим ички алоқалар одатда даврий характерга эга, чунки, қоидага кўра алоқа қилувчи тизимчалар ўртасидаги моддий оқимнинг изчил узатиш босқичини акс эттиради.

Логистик тизимнинг ташқи муҳит билан алоқалари даврий бўлиши мумкин (барча талаб қилинадиган бутловчи қисмлар, ва товарлар мувофиқлаштирилган ҳолда етказиб берилиши таъминланган вақтда).

Шунинг билан бир вақтда логистик тизим вақтли четланишларга эга тизим сифатида ҳам таърифланиши мумкин.

Логистик мақсадлар турига кўра тизимлар тўғридан-тўғри алоқаларга эга эгилувчан ва кетма-кет жойлаштирилган (эшелонлаштирилган) тизимларга бўлинади.

Эгилувчан логистик тизим (flexible logistical system) - бунда моддий оқимларни истеъмолчига етказиб бериш ҳам тўғридан- тўғри алоқалар ва ҳам воситачининг иштирокида амалга оширилади. кўриб чиқиладиган тизимнинг мисоли - эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш. Бунда камдан-кам талабга эга қисимлар ортиб жўнатиш одатда марказий омборга бевосита олувчининг манзилига жўнатилади, воситачининг омборидан андоза ва оширилган қисимларини ортиб жўнатиш.

Тўғридан-тўғри алоқаларга эга логистик тизим (direkt logistical system) - моддий оқим истеъмолчига воситачиларнинг иштирокисиз, тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари асосида етказиб берладиган тизим.

Эшелонлаштирилган ёки кўп босқичли (кўпкаскадли) логистик тизим (echelon logistical system) уйдаги хусусиятларга эга. Унинг моддий оқими ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига бўлган йўлда камида воситачи орқали ўтади.

Кенг қамровли стратегия (global logistics strategy; global sourcing) - айрим мамлакатлар ёки мамлакатлар гуруҳлари ўртасида барқарор савдо - иқтисодий алоқаларни меҳнатнинг халқаро тақсимоти асосида, айниқса қисмли ва технологик ихтисослиги ва соҳалар кооперациялашиши шаклида намоён бўлишидир. Йирик машинали ишлаб чиқаришга ва замонавий илмий инқилобга ўтиш кенг қамровли логистик стратегиянинг шарт-шароитлари бўлади.

Кенг қамровли стратегиянинг даражаси ҳақида ташки савдо ҳажми ва ялпи миллий маҳсулотнинг нисбати бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги импортли бутловчи қисмлар салмоғининг кўрсаткичи бўйича муҳокама қилиш мумкин. Бу тенденциялар 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида қабул қилинган бир қатор сиёсий қарорлар, шу жумладан Европа ҳамжамиятининг Европа интеграциялашуви (ЕС-92 дастури) ва 1999 йилнинг охирига қадар ягона ички бозорга ўтишнинг тугалланиши (божхона расмийчилигини соддалаштириш ва бекор қилиш, умумевропа андозаларини тадбиқ этишни интенсификациялаш; ЕС-92 дастурининг иштирокчи мамлакатларидан фирмаларни ЕС нинг ҳар қандай мамлакатларида давлат буюртмаларини олишда тенг ҳуқуқлигини) масалалари бўйича қарорларида ўз аксини топган ва мустаҳкамланган.

Кенг қамровли стратегия АҚШнинг саноатида, айниқса унинг Япония ва Жанубий Корея билан ўзаро муносабатида муҳим роль ўйнайди. 80-йилларда АҚШ фирмалари уларнинг хорижий етказиб берувчилари билан хўжалик алоқаларига қўлланишда етказиб берувчи - истеъмолчи алоқасининг коэффиценти бир қатор тадқиқотчилар (С.Э.Фесет ва бошқалар) нинг маълумотларига кўра уч марта ўсган. Бунда АҚШ фирмаларининг уларнинг японияли ва Жанубий корейли етказиб берувчилари билан хўжалик алоқаларининг характерли аломати товарлар етказиб беришдаги катта бир хиллик (улардаги етказиб беришларнинг узилиш эҳтимоли ўртача миқдорда бир марта паст) ва етказиб бериш оралиғининг кичиклиги (қоидага кўра, етказиб беришнинг ўртача оралиғи икки мартадан ортиқ).

Фирмалар ва уларнинг етказиб берувчиларининг ҳудудий тарқоқлиги етказиб беришлар синхронлигининг коэффиценти пасайишлар ва ишлаб чиқаришдаги тўхтаб қолишлар эҳтимолини оширади, шу муносабат билан фирмалар уларни сақлаш учун умумий омбордан фойдаланишга (АҚШнинг ўртача фирмасида ишлаб чиқариш захиралари 90-йилларнинг бошларида 29 кунни ташкил қилган) ҳамда дублер етказиб берувчиларнинг резервларини тузишга мажбур бўлганлар. Кенг қамровли стратегиянинг характерли аломати

воситачилар ва етказиб берувчилар сонининг камайишидир; фирмалар битта ташувчининг хизматларидан фойдаланишни афзал кўрадилар, у аралаш ташишларда юкни олувчи олдига юк учун жавобгарликка эга ва ташишни ягона ташиш ҳужжати бўйича амалга оширади.

Логистик тизимнинг самарадорлиги (logistical system performance) - моҳияти бўйича бу логистик харажатларнинг берилган даражасида кўриб чиқиладиган логистик тизим ишининг сифатини таърифлаш учун кўрсаткич (ёки кўрсаткичлар гуруҳи)дир. Логистик занжирнинг якуний бўғини бўлган истеъмолчининг нуқтаи назаридан самарадорлик икки кўрсаткич - логистик харажатларни акс эттирувчи хизмат кўрсатишнинг сифати ва нархи билан аниқланади.

Хизмат кўрсатишнинг сифати ўз навбатида мажмуавий кўрсаткичдир. У мезонларнинг йиғиндиси бўйича ҳисобланади Улардан энг муҳим логистик тизимнинг истеъмолчига керак товарни шартлашган муддатда керакли жойга етказиб берилишини таъминлаш қобилиятидир. Бошқа мезонда орасида қуйидагилар бор: тизимни у орқали сотилган буюмларга техник хизмат кўрсатишнинг керакли даражасини таъминлаш қобилияти, буюртмани ишлаб чиқиш вақти (унга буюртмани бажариш учун етказиб берилишини кутиш вақти ҳам киради) ва ҳ.к. Бу хусусий мезонларни ранжировка қилиш мумкин. Санаб ўтилган мезонлардан энг муҳими одатда буюрилган товарни талаб қилинган муддатда керакли жойга етказиб беришнинг эҳтимоли сифатида ҳисоблаб чиқилади ва ҳақиқий логистик тизимларда 0,55 дан қамроқни ташкил қилади.

Логистик тизимдан фойдаланишнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, логистик тизимнинг самарадорлигини тахминан 0,56 гача ўсишида логистик харажатида деярли тўғри чизикли, кейин эса экспотенциал ўсади. Хорижда ўтказилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 50000 номга яқин эга дистрибьютернинг эҳтиёт қисмлар омборига келиб тушаётган буюртмаларга тахминан 0,96 % хизмат кўрсатиши мумкин, бу тахминни 0,58 % гача ошириш учун навларни камида 3 марта кенгайтириш зарур. Бу омборни ривожлантириш учун катта капитал маблағлар киритиш билан боғлиқ ва хизмат кўрсатиш баҳосини анча ўсишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон. 1995 й.
2. Голиков Е.А., Пурлин В.М. “Рынок и логистика” М.: Экономика, 1993 г.
3. Гаджинский А.М. “ Логистика” М.: Экономика 1998 г.
4. Гордон М.П. “Функции и развития логистики в сфере товародвижения”. Риск. 1993 г. № 1.
5. Дегтеронко в. “Основы логистики маркетинга” Ростов на Дону. Издательство Ростовского университета. 1990 г.
6. Родников А.И. “Логистика” Терминологический словарь. М.: Экономика. 1995 г.
7. Смехов А.А. “Введение в логику” М.: Транспорт, 1993
8. Смехов А.А. “Логистика и транспорт” М.: Транспорт, 1995 г.
9. Неруш Ю.М. “Коммерческая логистика” М.: Банки и биржи. ЮНИТИ. 1997 г.
10. Пурлин В.М. “Рынок инвестиционных товаров и логистика” М.: Международный университет бизнеса и управления, 1997 г.
11. Мухиддинов Д.М., Воронкова В.М. и др. “Логистика” ТГЭУ, 1996 г.
12. Логистика. Под. редакция Анипкина Б.А. М., Инфра-М, 2000 г.

2. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

1. Белов И.В. “Экономическая теория транспорта” М.: Транспорт, 1996 г.
2. Букан Д.Ж. “Научное управление запасами” М.: Наука. 1996г.
3. Котлер Ф. “Основы маркетинга”. М.: Наука, 1995 г.
4. Неруш Ю. “Снабжение и транспорт”. М.: Экономика. 1995 г.
5. Родников А. “Логистика” Терминологический словарь. М.: Экономика, 1995 г.
6. “Рынок и логистика” М.: Экономика, 1993 г.
7. Дадабаев К.А. Материально-техническое обеспечение хозяйствующих субъектов. ТГЭУ, 1998 й.
8. Дадабаев К.А. Моддий ресурслар билан бошқаришда ҳозирги замон логистикаларининг элементлари. (Ўқув қўлланма) ТДИУ, 1998 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«МЕНЕЖМЕНТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ» ФАКУЛТЕТИ

«САНОАТ МАРКЕТИНГИ» КАФЕДРАСИ

«ЛОГИСТИКА»

фани бўйича

Амалий машғулотга материаллар

Тошкент-2006

КИРИШ

Логистика иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, 80 йиллардан у Ғарбда ва АҚШда шиддат билан ривожланмоқда. Масалан, АҚШда логистикага харажатлар яппи ижтимоий маҳсулотнинг 15-23 % миқдорида баҳоланади ва америкалик мутахассисларнинг фикрича, иқтисодиётнинг тартибга солинунига қадар бўлган тараққиётнинг асосий сабабаларидан биридир.

Логистика - борган сари кенгроқ аҳамият касб эта бошлаган фаолият соҳасидир. Шунинг учун давлат ва хусусий бўлимлар логистика соҳасига қизиқиши ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда логистикага хусусий ва давлат бўлимида ҳам эҳтиёж вужудга келмоқда.

Тижорат тизимининг тамойиллари ва концепцияси материалларни бошқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ. Америкалик олимларнинг ҳисоблашларича, логистика тезроқ режалаштиришнинг тузилиши, уларнинг тадбиркорлик вазифаларидир. Логистика соҳасида бошқарув вазифалари нафақат моддий оқимларни бошқаришга, балки доирасида тақсимлашни башорат қилиш бўйича кундалик фаолиятни амалга ошира оладиган вазифалар ва стратегияларни ишлаб чиқиш механизмини таъминлашга қаратилган. Логистика икки: бошқарув ва технологик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Таъминотни бошқариш, моддий оқимнинг ҳаракатланиш ва сотишни таъминлаши ташкилий бошқарувга тегишлидир. Транспортда ташиш технологияларини такомиллаштириш, омборхона хўжалиги, ахборотли ташкилот, режалаштириш назорат ҳамда бу хизматлардан ҳар бирининг самарали фаолият юритишига харажатларини камайтиришдир. Мувофиқлаштириш эса технологик йўналишларга тегишли.

Логистика халқаро атама бўлиб қолган, шунинг учун логистика фани иқтисодиёт соҳасида зарурдир.

«Логистика» фанидан амалий машғулот саволлари

1-мавзу: Логистика курсининг предмети ва вазифалари.

Режа:

- 1.1. Логистиканинг вужудга келиши ва унинг предмети.
- 1.2. Логистиканинг асосий вазифалари.
- 1.3. Логистика тизими қисмларининг таърифи.
- 1.4. Ишлаб чиқариш воситалари бозор шароитида моддий оқимларни бошқариш зарурлиги.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Логистика нима?
2. Логистика атамасининг тарихи нимадан иборат?
3. Логистиканинг концептуал ва услубий асосларини изоҳлаб беринг
4. Моддий оқимлар тушунчаси.
5. Логистиканинг мақсади ва вазифаси.

Таянч иборалар:

Моддий бойлик манбалари. Контейнерлар. Пакет усулидаги ташиш. Таннарх. Сифатли етказиб бериш. Транспорт воситаларини танлаш. Хомашё омбори. Тайёр маҳсулотлар омбори. Транспорт логистик интеграцияси. Материал оқими. Ахборот оқими. Моддий бойлик манбалари ҳаракати. Талаб, таклиф. Тушириш. Юклаш. Сақлаш. Заҳиралар. Улгуржи тижорат воситачи корхона.

2-мавзу: ЛОГИСТИК ТИЗИМ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

- 2.1. Логистик тизим тушунчаси ва унинг концепцияси.
- 2.2. Хизматлар соҳалари ва уларнинг таърифи.
- 2.3. Логистик тизим фаолият юритишини баҳолаш.
- 2.4. Логистика тизимининг маркетинг билан боғлиқлиги.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Логистик тизимнинг асосий тамойиллари.
2. Логистиканинг концепцияси.
3. Логистика қайси аспектларни кўриб чиқади?

4. Логистика ўзининг фаолиятида қайси бўлимлар билан боғлиқ.
5. Логистик тизимни тузишда қайси элементларга эътибор берилади?

Таянч иборалар:

Логистика. Логистик тизим концепцияси. Тижорат логистик тизими. Хусусий бўлим. Давлат бўлими. Инфратизим. Ишлаб чиқарувчи. Транспорт гумаштаси. Тақсимот. Тизимли ёндашиш. Харажат. Заҳира. Омбор хўжалиги. Макрологистик тизим. Микрологистик тизим. Транспорт модели. Алоқа. Маркетинг, менежер. Ишлаб чиқариш. Ички бозор. Ташқи бозор. Хизмат қилиш. Сервис. Муомала харажати. Самарадорлик.

3-мавзу: ЛОГИСТИКАДА МАТЕРИАЛЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ТАҚСИМОТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа:

- 3.1. Моддий оқимлар ҳаракатлари чизмасининг таърифи.
- 3.2. Логистик тизимда маҳсулотлар тақсимотининг асосий каналлари ва воситачилари
- 3.3. Буюртмаларнинг жисмоний тақсимланиши ва маҳсулотларни келтириш устидан назорат.
- 3.4. Корхоналарнинг ташкилий тузилмалари ва улар бошқарув хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Логистикада тақсимлашнинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Логистик тизимда тақсимотнинг асосий каналлари ва воситалари.
3. Логистика корхоналари ва хизматларининг ташкилий тузилиши.
4. Логистиканинг турли хил вазифавий хизматлари ва бошқарув соҳасида ўзаро ҳамкорлиги.

Таянч иборалар:

Логистик операция. Товар ҳаракатининг чизмаси. Ишлаб чиқариш жараёнининг юк ҳажми. Минтақавий омбор хўжалиги. Маҳсулот йиғими. Улгуржи сотувчи. Логистик каналлар. Товар брокери. Брокерлик фирмаси. Сотув ҳажми. Логистик харажат. Тақсимот канали. Буюртмани қайта ишлаш. Логистик хизматини бошқариш. Молиявий бойлик манбалари. Ҳисоб-фактура. Материаллар билан бошқариш. Тақсимот билан бошқариш. Заҳира назорати. Маркетингни бошқариш.

4-мавзу. ЛОГИСТИКАДА СТРАТЕГИЯ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

Режа:

- 4.1. Стратегик режа ва уни тузиш тартиби.
- 4.2. Логистика фаолиятининг стратегия турлари.

4.3.Моддий оқимларни башорат қилиш ва стратегик режа кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Стратегия ва уни логистикада амалга ошириш.
2. Логистик тизимда стратегия ва тактика қандай тузилади.
3. Логистик фаолиятда стратегиянинг турлари.
4. Моддий оқимларни башорат қилишнинг мазмуни.
5. Логистик тизим кўрсаткичлари.

Таянч иборалар:

Логистика доирасига интилиш. Буюртмани қайта ишлашни режалаштириш. Ишлаб чиқариш тизимининг эгилувчанлиги. Ишлаб чиқарувчиларнинг логистик кўрсаткичи.Ишлаб чиқариш қуввати. Кўтарув транспорт ишлари.Транспорт турлари. Молиявий баҳо. Қилинган харажатларни вақтида қоплаш. Йиллик фойданинг истикболлиги. Амортизация. Фоиздаги миқдор. Логистик лойиҳани баҳолаш. Логистик фаолият. Инқироз. Инқироз даражаси. Ишлаб чиқариш логистикаси. Маркетингни ҳисобга олишда логистик жараёнинг ривожланиши.Ташки ва ички зиддият. Материал жадвали. Материал жадвали.

5-мавзу. ЛОГИСТИКАДА ТРАНСПОРТ НУҚТАИ НАЗАРЛАРИ

Режа:

- 5.1. Транспорт воситаларининг турлари ва уларнинг моддий-техник базаси.
- 5.2. Транспорт турларининг моддий-техник базаси.
- 5.3. Маҳсулотларни етказиб бериш тизимини бошқариш.
- 5.4. Автотранспорт ҳаракатланувчи таркиби ишининг техник фойдаланиш кўрсаткичлари.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Транспорт логистикасининг моҳияти ва вазифалари.
2. Транспорт тизими турлари ва унинг техник- иқтисодий хусусиятлари.
3. Транспорт турларининг моддий техника базаси.
4. Автотранспорт ҳаракати маршрути деб нимага айтилади?
5. Маҳсулотларни етказиб бериш тизимини бошқариш.

Таянч иборалар:

Техник логистика. Моддий-техника базаси. Транспорт хизмати. Моддий ишлаб чиқариш.Номоддий ишлаб чиқариш. Моддий бойлик. Транспорт логистикасини ташкил этиш. Транспорт-омбор жараёни. Олиб келиш. Автомобиль транспорти. Темир йўл транспорти. Сув транспорти. Ҳаво транспорти. Қувур транспорти. Денгиз транспорти. Юк жўнатиш жадвали.

Юклаш, тушириш харажатлари. Маршрутли модель. Контейнерли юк жўнатиш. Ўзгарувчан харажат. Юк жўнатиш режаси. Юк оқими. Товар маркировкаси. Жўнатиш маркировкаси. Логистик сервис.

6-мавзу: ЛОГИСТИК ТИЗИМДА ЗАҲИРАЛАРНИ БОШҚАРИШ

Режа:

- 6.1. Заҳираларни бошқариш ва товар сиёсати.
- 6.2. Заҳираларнинг белгиланиши ва турлари.
- 6.3. Моддий заҳираларни бошқариш тизими.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Заҳиралар тушунчаси ва асосий вазифаси, нимадан иборат?
2. Заҳираларни белгилаш турлари.
3. Заҳираларни бошқариш тизими ва турлари.
4. Заҳираларни сақлаш қандай харажатга боғлиқ?
5. Заҳираларнинг энг кўп даражаси қандай ҳисобланади.

Таянч иборалар:

Заҳира билан бошқариш. Харажатларни камайтириш. Товар ассортимент. Товар номенклатураси. Товар бирлиги. Товар номенклатурасининг чуқурлиги. Ассортимент гуруҳи. Тайёр маҳсулот заҳираси. Кафолатли заҳира. Сотиб олиш харажати. Транспорт ва омбор харажати. Товарларни сақлаш. Заҳираларни бошқариш харажати. Етказиш муддати. Суғурта заҳираси. Ортиқча заҳираларнинг пайдо бўлиш сабаблари. Заҳиралар турлари. Заҳираларнинг энг юқори даражаси. Ишлаб чиқариш барқарорлиги даражаси. Ҳақиқий заҳира.

7-Мавзу. ЛОГИСТИК ТИЗИМДА МАҲСУЛОТЛАРНИ ОМБОРГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ОМБОРДА ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИ

Режа:

- 7.1. Заҳираларни омборга жойлаштириш ва шу тизимнинг таърифи.
- 7.2. Транспорт омборхонаси моддий оқимларини ташкил қилиш.
- 7.3. Турли хил корхоналарни моддий ресурслар билан таъминлаш стратегияси.
- 7.4. Омборхона ишининг баъзи бир кўрсаткичлар ҳисоб-китоби.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Омборлар уларнинг таърифи ва турлари.
2. Омборхона операцияларининг қисқача таърифи.
3. Материалларни сақлашдаги жиҳозлар туркумланиши.
4. Юкни кўтариш ва тушириш транспортлари туркумланиши.

Таянч иборалар:

Маҳсулотни омборда қайта ишлаш. Материаллар оқимининг транспорт омборини ташкил этиш, маҳсулотни жойлаштириш. Аралаш омбор хўжалиги. Универсал ассортиментдаги маҳсулот учун омбор хўжалиги. Логистик мақсад. Маҳсулотни сақлаш жихозлари. Омборнинг фойдали майдонини ҳисоблаш. Омборнинг ёрдамчи майдони. Машина механизациясининг сони. Вақтинчалик интервал. Машиналардан фойдаланиш тезкорлиги ва экстенсивлиги. Машинадан фойдаланиш вақти. Техник жиҳатдан машина носозлиги. Диаграмма. Юклаш тезкорлиги. Цикллар сони. Фойдали иш. Йиллик юк айланиши. Логистик цикл.

8-Мавзу. ЛОГИСТИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ**Режа:**

- 8.1. Ахборотлар ёрдамида логистик тизимни ҳаракатга келтириш.
- 8.2. Тескари алоқага эга ахборот тизимини бошқариш.
- 8.3. Логистик ахборот тизимларининг турлари.
- 8.4. Логистик ахборот тизимлари қурилишининг тамойиллари.

НАЗОРАТ ВА МУЛОҲАЗА САВОЛЛАРИ

1. Логистикада ахборот тизимлар.
2. Логистик ахборот тизимларининг турлари.
3. Логистик ахборот тизимларини кўриш тамойиллари.
4. Логистик ахборот технологиялари.
5. Қайси ахборот логистик ахбороти билан таъминланади.

Таянч иборалар:

Ахборотлаш логистикаси. Ахборот-техник таъминот. Логистик тизимни бошқариш. Материал оқими. Логистик тизимда ахборот элементлари. Логистик ахборот тизими. Халқа таъминоти. Халқа истеъмоли. Ахборот оқими. Сотув тизими. Ахборот маркетинги. Ахборот тақсимоли. Транспорт нақладнойи. Логистик хизмати. Қайта алоқа. Ахборот манбаи. Вертикаль интеграция. Горизонтал интеграция. Логистик тизими эгилувчанлиги. Ахборот турлари.